

496

ГУЛИСТОН

1
1987

1987 1-6/5 5

КПСС XXVII
СЪЕЗДИ
ҚАРОРЛАРИ
АМАЛДА

ГБ УзССР
НН 92725

ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

Ҳабиба ИКРОМОВА,
Беруний номидаги Тошкент политехника институти проректори, профессор

Биз «Гулистон» журналининг 1986 йил 10-сонида босилган Ўзбекистон ССР Олий ва махсус ўрта таълим министри ўртоқ М. Салоҳиддиновнинг «Кун тартибида: олий таълим» мавзуидаги суҳбатини қизиқиб ўқиб чиқдик. Суҳбатда кўтарилган олий мактаб ҳаётига оид долзарб масалалар эътиборимизни ўзига тортди. Биз ҳам олий таълимни қайта қуришга доир фикр-мулоҳазаларимизни журналхонлар билан ўртоқлашишни лозим кўрдик.

КПСС XXVII съездида батафсил ишлаб чиқилган ва илгари сурилган муҳим вазифалар қаҳрамон халқимизнинг куч-қудрати билан муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хусусан, КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳаси ҳар бир олий мактаб ҳаёти учун катта воқеа бўлди. Партиянинг бу муҳим ҳужжатида олий таълимни янада ривожлантиришнинг илмий жиҳатдан асосланган йўлйўриғи кенг, аниқ ифодаланган. Ҳа, ҳозир олий мактабларда таълимни қайта қуриш жараёнига ҳар тарафлама тайёргарлик кўрилмоқда. Бу шароитдаги асосий вазифа таълим, ишлаб чиқариш ва фаннинг узвий уйғунлигини таъминлаш, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш йўли билан уни меҳнат унумдорлигини оширишнинг бош мезонига айлантиришдан иборатдир. Шу тариқа ҳамма жойда ишлаб чиқаришга, бошқарувга хизмат кўрсатиш соҳаси ва турмушга фан-техниканинг энг янги ютуқларини жорий этишни таъминлаш лозим бўлади. Таълимни қайта қуришнинг асосий моҳияти — бу илмий ютуқларни ишлаб чиқаришнинг таянч омилига айлантиришдир.

«Фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш — партия иқтисодий стратегиясининг асосий масаласидир,— деб таъкидланади КПСС XXVII съездида қабул қилинган янги таҳрирдаги КПСС программасида.— Халқ хўжалигини техникавий жиҳатдан янгидан реконструкция қилишни амалга ошириш ҳамда ана шу негизда жамиятнинг моддий-техника базасини тубдан ўзгартириш лозим». Бу улкан ва масъулиятли вазифани амалга ошириш, биринчи навбатда, кадрларга, уларнинг иқтисодий малакасига, меҳнатга бўлган муносабатига боғлиқдир. Шу боисдан ҳам олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш зарурати кун тартибига қўйилди. Бу эса биз педагогларнинг зиммасига катта масъулият юклайди.

Абу Райҳон Беруний номидаги Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент политехника институтининг кечки ва сиртқи ўқув системасини қайта қуриш борасида дастлабки тадбирларни амалга оширишга киришдик.

Маълумки, мамлакат халқ хўжалиги учун етук мутахассис кадрлар тайёрлашда уларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитиш системаси муҳим роль ўйнайди. Масаланинг бу муҳим жиҳатини ҳисобга олган институтимиз ходимлари 1986—1987 ўқув йили учун абитуриентлар тайёрлашга анча барвақт киришдилар. Улар ишчи ва колхозчи ёшлар ҳамда Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган йигитлар ўртасида тегишли тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бордилар. Шу тариқа Марказий ва факультет қабул комиссиялари аъзолари улар билан яқиндан мулоқотда бўлдилар. Ҳар бир факультетнинг қабул комиссияси қошида тажрибали ўқитувчилардан иборат ёшларга касб танлашда маслаҳат берувчи махсус бригадалар тузилди. Улар заводфабрикаларда, ишчиларнинг ётоқхоналарида ва ҳатто смена оралиғидаги танаффус пайтларида ишчи ёшларга олий ўқув юртларига киришнинг янги тартиб-қоидалари ҳамда иш стажига эга бўлганларга, Совет Армияси сафидан запасга бўшаб келганларга бериладиган имтиёзлар ҳақида бўлажак абитуриентлар билан суҳбатлар ўтказдилар. Факультет қабул комиссияларини шу факультетнинг алоҳида-алоҳида мутахассислигига мос келадиган корхоналарга бириктириб қўйиш ва ўша жойда мунтазам иш олиб бориш кутилган натижани дастлабки йилдаёқ берабошлади. Мана шундай тадбирлар натижасида олтмишдан ортиқ корхонанинг ишчи ёшлари суҳбатларга тортилдилар. Тегишли корхоналарнинг махсус бурчакларига институтга кириш имтиёзлари ҳақидаги ахборотлар осиб қўйилди. Мана бир мисол: Тошкент трактор заводининг ишчилари июнь ойининг бошларида ишхонага кириш жойидаги бурчакда осиб қўйилган ахборотни кўргач, қабул комиссиясига ариза билан келдилар. Мазкур маъмурият тавсияси билан политехника институтининг кечки-сиртқи бўлимига ўқишга кирувчилар учун қабул заводнинг ўзида олиб борилди, имтиҳон олинадиган фанлардан консультациялар ҳам ўша ернинг ўзида уюштирилди. Худди шу хил тадбирларни ўша кезлари Тошкент ва пойтахт областининг қатор саноат корхоналарида, завод ва фабрикаларида ҳам амалга оширдик.

Ўқишга кирувчи ишчилардан кадрларга бўлган заруратни ҳисобга олган ҳолда корхона йўлланмаси билан ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳужжатлар корхоналарнинг ўзида расмийлаштирилди. Бунда маҳаллий қизларни ўқишга жалб қилишга алоҳида эътибор бердик. Бундай тадбирлар тез кунда ўз самарасини бера бошлади. Натижада фақат биринчи турнинг ўзида 3 минг 700 дан ортиқ ариза икки йил ва ундан ортиқ меҳнат стажига эга бўлган ҳамда Совет Армияси сафида хизматни адо этиб қайтганлардан қабул қилинди.

Шу тадбирлар билангина чегараланиб қолмадик. Шаҳардаги йирик корхоналарнинг бош мутахассислари билан ҳамкорликда шу корхоналарда чиқадиган кўп тиражли газеталар саҳифаларида, радиоузеллар ор-

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 1 (443)
Январь
1987

ЭКЗ. №5

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

© «Гулистон», 1987 й.

қали ишчи-ёшларнинг касбга интилишини, ким бўлишга орзуманд эканликларини, ўз орзуларига эришиш учун нималарга эътибор беришлари кераклиги ҳақида муттасил суҳбатлар уюштирилди. Шу тариқа ишчи-ёшлар орасидан қобилиятли, ўқишга лаёқатлилари танланди. Айниқса, корхоналарнинг ўзида институтга кириш учун ҳужжатларни расмийлаштириш ўзини оқлади. Институт ва корхона ҳамкорлигининг ўзига хос натижаси шу бўлдики, институтнинг базавий корхоналарида ишлаётган ишчи-ёшларнинг вакили сифатида 3 минг 118 нафар ёш ишчи институтимизнинг кечки-сиртқи бўлимига кириш учун ариза топширган эди. Кириш имтиҳонлари натижасида булардан 2000 дан ортиғи студентлар сафидан ўрин олди.

Иттифоқимиздаги нуфузли олий ўқув юртларидан бири бўлган Тошкент политехника институтининг асосий йўналиши республикамизнинг етакчи корхоналарига инженер кадрлар тайёрлаб беришга қаратилгандир. Инженерлик касбини эгаллашда тўғри касб танлаш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Қабул ишларини, жумладан, касб танлашни тарғибот қилишда республика матбуоти, шунингдек, Ўзбекистон телевидение ва радиоси катта ёрдам кўрсатди. Ёшларни ўқишга танлаш ишининг муваффақиятли чиқишида ишлаб чиқаришнинг илғор вакиллари ва етакчи олимлар билан ишчи ва колхозчи ёшларнинг ўзаро учрашувлари ҳам фойдали бўлди.

Ишчи-ёшлар орасида касб танлаш юзасидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишларининг самарали бўлишида мазкур корхоналарнинг партия, совет ва комсомол ташкилотлари муҳим роль ўйнадилар. Бундай ҳамкорлик натижасида қатор корхоналар билан, жумладан, Тошкент трактор заводи ва Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси каби йирик корхоналар ўзаро келишувга мувофиқ абитуриентларни ўзлари танлаган мутахассисликлари асосида ишга жойлаштиришга ва уларнинг ҳам ишлаб, ҳам ўқишларига шарт-шароит яратиб беришни ўз зиммаларига олдилар.

Умуман, кейинги қабул вақтида институтимизнинг кечки-сиртқи бўлимининг филиаллари ва барча факультетларига ўн бир мингга яқин йигит-қиздан ариза тушди. Улардан 5 минг 358 абитуриент имтиҳонни муваффақиятли топширди. Булар орасида 200га яқин КПСС аъзосининг борлиги қувончлидир. 4 минг 67 абитуриент эса ўз мутахассислиги бўйича иш стажига эга бўлган ёшлардир. Кириш имтиҳонлари даврида абитуриентлар билан имтиҳон олувчи ўқитувчилар ўртасида яратилган ўзаро ишонч, ошкоралик, шу билан бирга талабчанлик муҳити яратилганлигини алоҳида таъкидлашни истардик. Имтиҳонларнинг натижалари ҳам ёмон бўлмади. Биринчи ва иккинчи тур имтиҳонларда қатнашган абитуриентларнинг 70 фоизи ҳамма синовлардан муваффақиятли ўтган бўлса, учинчи тур имтиҳонларда қатнашганларнинг 50 фоизига омад кулиб боқди. Институтга қабул қилинганлар орасида меҳнат илғорлари, коммунистлар, комсомол фаоллари кўпчиликни ташкил қилади. Масалан, КПСС XXVII съездининг делегати, Тошкент мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг пардозловчиси Мавлудахон Миразизова шулар жумласидандир.

Шу тариқа институтнинг кечки-сиртқи бўлимига қабул қилинганларнинг 83 фоизини ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган ва Совет Армияси сафларидан бўшаб келганлар ташкил қилди.

Институтга қабул қилинганларнинг социал составини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг 79 фоизи ишчилар сулоласига мансубдир. Қолганлари эса колхозчи ва зиёлилардан иборатдир.

Бу, албатта, олий таълимни қайта қуришга тайёргарлик босқичининг биринчи йилидаги дастлабки қадамлардир, холос. Бутун институт, шу жумладан, институтнинг кечки-сиртқи бўлими коллективи олдида ҳали масъулиятли, кечиктириб бўлмайдиган вазифалар турибди. Чунки кечки ва сиртқи бўлим талабаси, яъни ёш ишчи бу тараққиётни жадаллаштириш, қайта қуришни тезлаштиришда фаол иланувчи — яратувчидир. Улар индустриямизнинг шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги босқичида техника тараққиётига, ички имкониятлардан яхшироқ фойдаланишга, иқтисодий тежамга баракали таъсир кўрсатишга даъват этилгандирлар. Ишчи-талабалар орасида истеъдодли ихтирочи ва рационализаторлар анчагина. Улар бизнинг умидимиз, эртанги тараққиётнинг фаол давомчиларидир.

Дарҳақиқат, халқ хўжалигини қайта қуришдек масъулиятли жараённинг муваффақияти кўп жиҳатдан кадрларнинг билимдонлигига, ихтисосий малакасига боғлиқ. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг директори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати ўртоқ Ҳ. Ҳ. Ғуломовнинг ахборотига қараганда, яқин йиллар ичида заводда юздан ортиқ аниқ меъёрда ишловчи, ўта янги дастгоҳлар, ўн тўққизта автоматик ва ярим автоматик йўналишлар, ўттиздан ошиқ марказдан бошқариладиган ва роботлаштирилган система туркуми ва 150 дан ортиқ робот манипуляторлари ишлаб чиқаришда ўзлаштирилади. Бу мураккаб техник жараёнларни эса юксак савияли, юқори малакали инженер кадрлар бошқара оладилар. Шунинг учун ҳам таълимни қайта қуриш талаблари асосида кечки курсларда янги қабулни ҳар бир шаҳарнинг маҳаллий шароити тақозо этаётган ихтисосликлар бўйича, ундаги мавжуд завод-корхоналар ишлаб чиқариш тармоқлари, муассасалар ва идораларнинг кадрларга бўлган зарурий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уюштириш ҳаракатидамиз. Бунга институтимизнинг турли шаҳарлардаги филиалларига қабул вақтида ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Негаки, буни ҳаётнинг ўзи, бугунги тараққиёт тақозо этмоқда. Олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг асосий боиси ҳам шундадир.

«Ачинарлиси шундаки,— деб ёзади бир заводнинг таниқли мутахассиси бизга,— тайёрланаётган ёш мутахассисларнинг кўпчилигининг савияси кўнгилдагидек эмас, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги талабларига жавоб бермайди...» Куюнчаклик билан айтилган бу гапларнинг замирида, албатта, катта ҳақиқат бор. Ишлаб чиқаришга келаётган, айниқса, ҳали завод ва фабрикани кўрмасдан кундузги ўқув системасини тамомлаганлар орасида шундай хом ёшлар анчагина.

Энди қайта қуриш жараёнида мана шундай кемтик томонларимиз инобатга олиниб, ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, жадаллаштириш ва компьютерлаш йўли билан фан ва ишлаб чиқаришни яқинлаштириш кўзда тутилмоқда. Бу ишларни фақат етук мутахассисларгина, уддабурон, етук инженер кадрларгина уддалай оладилар. Буни ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнида талабалар билан алоҳида-алоҳида тартибда иш олиб бориш, уларнинг мустақил ишлашларини таъминлаш учун ўқитишнинг семинар, амалий машғулотлар ҳамда мунозаралар уюштиришга ҳамда ёшларнинг қобилиятини ва иқтидорини янада тўлароқ намойиш қилдиришга, уларни энг яхши тажрибалар, илғор анъаналар, катта самара келтирадиган янгиликларни илғаб олиш руҳида тарбиялашга эътиборни кучайтиришимиз керак. Бу давр тақозосидан шу куннинг талаби келтириб чиқараётган вазифадир.

Коммунистик маслакни талабалар онгида шакллантириш, уни мустаҳкамлаш, уларни ҳар томонлама камол топтириш, бўлажак мутахассис кадрларда маркса-ленинча дунёқарашни шакллантиришда олий таълим мактаблари коллективларининг, аввалambор, ижтимоий фан кафедралари ўқитувчиларининг муқаддас бурчидир. Олий таълимни қайта қуриш талабларида кўзда тутилган зарур масалаларни муваффақиятли бажариш учун бизнинг институтимиз коллективи ҳам ўзларининг куч ва ғайратларини аямайдилар.



Тошкент Давлат Маданият институти хореография факультетининг иккинчи курс талабалари Мавлуда Рўзметова ҳамда Шоира Каххорова.

Р. Шарипов фотоси

УЙҒУН ШЕЪРЛАРИ

ЕМҒИР ЕҒАЯБДИ...

Емғир ёғаябди шивирлаб, майин,
Ҳамма ёқ шалаббо, бошдан-оёқ нам.
Емғир томаябди киприкларингга,
Ҳўл бўлди лоладай ёноқларинг ҳам...

Ҳўл кўйлак танингга чиппа ёпишди
Қадди-қоматингни кўрсатиб яққол.
Кўксинг бўртиб турар оҳиста қалқиб, —
Ҳуснингга ҳеч қачон етмасин завол!

Тинмай ёғаётган ўжар ёмғирнинг
Салқини урилар гулдай юзингга.
Негадир лабингда майин табассум,
Гўзал кўрингандай олам кўзингга.

Эҳтимол, жўш урар кўнглингда шодлик,
Эҳтимол, қалбингдан узоқдадир ғам...
Ёдимда қолади шу сафоли пайт,
Хотирамдан чиқмас шу сеҳрли дам...

Шу чоқ юзларингга термулиб турдим,
Саҳро лоласидай ёмғирда қолдинг...
Етилган, баркамол, дуркун гўзал қиз
Утган ёшлигимни ёдимга солдинг...

РУХСОРИ ОЛ ЭКАНСИЗ...

Рухсори ол экансиз, қоши ҳилол экансиз,
Дунёга донғи кетган соҳибжамол экансиз.


Агарда сўзласангиз ғунча даҳонингиздан
Шаҳду шакар тўкилгай, — лаблари бол экансиз.

Нуқсон тополмадим ҳеч ҳусну жамолингиздан,
Ҳусну жамолда якто ва баркамол экансиз.

Ошиққа меҳру шафқат кўргазгали дамо-дам
Аҳду вафода содиқ, лафзи ҳалол экансиз.

Гулчеҳраларга мансуб иболи кўзқарашлар,
Гўзаллик оламида нозик ниҳол экансиз.

Аён фазилатингиз Уйғунга бўлди маълум:
Ишқ гулшанида боқий ва безавол экансиз.





МАЛОҲАТИНГНИ БИЛСАМ...

Лоқайд қолармидим ҳеч малоҳатингни билсам,
Тинчингни бузмас эрдим ҳаловатингни билсам.

Бахту саодатингни истар эдим ҳамиша,
Бахтим куларди, жоним, саодатингни билсам.

Ишон: онтимда лоф йўқ, ишқингда мен умрбод
Содиқ бўлиб қолардим, садоқатингни билсам.

Мардонавор турардим кўкрак кериб сафингда,
Жангу жадалда мардлик, жасоратингни билсам.

Дўстликни ҳаммадан ҳам афзал билар экансан,
Дўстинг бўлиб қолардим шу одатингни билсам.

Қалбимни дори айлаб малҳам қўяр эдим тез,
Ҳижрон ўқи яратган жароҳатингни билсам.

Одил баҳо берардим ҳар бир ишингга мен ҳам,
Агар одиллигингни, адолатингни билсам.

Ўлимданам оғирдир баъзи жиноят, — сендан
Юз карра юз ўгургим жиноятингни билсам.

Дунёда энг ёмон иш ўз халқига хиёнат,
Олий жазо берардим хиёнатингни билсам.

Бахту саодатингга Уйғун бўлиб қолардим
Меҳру муҳаббатингни, иноятингни билсам.

1986 йил



ҚАЁҚДАНАМ УЧРАТДИМ СЕНИ...

Эвоҳ, қаёқданам учратдим сени,
Энди азобини тортмоқдаман хўб.
Мени тузоғингга туширмоқ учун,
Ғамзаларинг бисёр, ишваларинг кўп.

Олиб қўйдинг тамом ихтиёримни,
Бир дам ололмайман кўзимни сендан,
Кулиб, қиё боқиб, ўтларга ёқиб,
Не истайсан, жоним, гўзалим, мендан?

Қарамайин дедим, кўрмайин дедим,
Аммо, сен томонга тортилар кўзим.
Нима бало бўлди? Не бўлди менга?
Билолмайман ўзим... Билмайман ўзим...

Ё, ўша, севги деб аталган қудрат
Тортиб турармикан ўзига мени?..
Ҳаловатим, тинчим тамом йўқолди, —
Эвоҳ, қаёқданам учратдим сени!..

ЛАМПОЧКАНИ ТУХУМ ДЕБ...

Ўзига ўлжа ахтариб юрган 120 сантиметрли илон Ҳиндистондаги парранда-чилик фабрикаларидан бирига киради-да, токчада турган иккита лампочкани кетма-кет ютиб юборади.

Илон лампочкани тухум деб ўйлаган бўлса керак-да! 45 минутлик операция давомида илон ичидан лампочкалар бутунлигича олинди.

Тоғдаги синов

Деҳли. Ҳимолай тоғидаги йўллар бўйлаб енгил машиналарнинг халқаро анъанавий пойгаси бу гал еттинчи марта ўтказилди. Маршрут масофаси қарийб уч минг километр эди. Унинг кўп қисми тик тоғ йўлларидан иборат эди. Пойгада турли маркадаги 68 та машина қатнашди. Шундан атиги 38 таси Деҳлига етиб келди. Қолган ҳайдовчилар йўл азобига бардош бера олмадилар. Шаҳар стадионига биринчи бўлиб инглизлардан иборат экипаж бошқарган совет «Лада» машинаси етиб келди. Лекин бельгиялик экипажнинг (улар «Опельаскон» машинасини бошқарган эдилар) норозилиги кўриб чиқилгач, биринчи ўрин уларга берилди. «Лада» машинаси эса, иккинчи ўринни эгаллади. Бу машина ва унинг экипажи Ҳимолай тоғидаги оғир синовга бардош бериб, катта муваффақиятга эришди.

ҚАЙТА ҚУРИШ — УЛКАН ТАРИХИЙ ЖАРАЁН

Эркин ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги

КПСС XXVII съезди мамлакатимиз тарихида буюк воқеа бўлди. Совет Иттифоқи коммунистларининг бу улкан анжумани кўп миллатли совет давлатининг бутун тараққиётини, ҳозир кун тартибида турган, пайсалга солиш ва кечиктириш асло мумкин бўлмаган масалаларни чуқур, партиявий принципиаллик билан муҳокама қилиб, ўн иккинчи беш йиллик ва сўнгги тараққиёт истиқболи билан боғлиқ бўлган вазифаларни белгилади. Бу вазифалар мазмун жиҳатидан бениҳоя масъулиятли, кўлами жиҳатидан ниҳоятда кенг ва чуқур бўлиб, реал социализмнинг барча имкониятларидан тўла фойдаланиш, ишлаб чиқаришни фан ва техника тараққиёти билан узвий боғлаб ривожлантириш, инсон омилининг жамият тараққиётидаги ролини тобора орттириб боришдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, бу вазифаларнинг бутун мажмуаси қайта қуриш ва жадаллаштириш программаси билан боғлиқ бўлиб, сифат ва самарадорликни ошириш, ишлаб чиқариш кучларини ва ишлаб чиқариш муносабатларини мунтазам ривожлантириб боришни ўз ичига олади.

Сифат ва самарадорлик масаласи ҳамма вақт мамлакатимизнинг иқтисодий ва маданий тараққиётида катта ўрин олган вазифалардан бири бўлиб келди. Лекин етмишинчи йилларнинг бошларида мамлакатимизнинг тараққиётида, ғоявий-тарбиявий ишлар борасида аста-секин субъективизм, волюнтаризм, кўзбўямачилик, дабдабабозлик ва бошқа ўта масъулиятсизлик билан боғлиқ бўлган салбий ҳодисалар аста-секин пайдо бўлиб, жонлана бошлади. Бу социализмнинг объектив тараққиёт қонунларини билмаслик, реал имкониятларини ўрганмаслик билан боғлиқ эди. Натижада рақамбозлик, кўшиб ёзишлар, давлат ва халқ мулкини жуда катта миқдорда талон-торож қилиш, мансабни суиистеъмол қилиш ва хусусий мулкчилик психологияси ботқоғига ботиш, шахсга сиғиниш, айрим раҳбарларни асоссиз кўркўрона улуғлаш, уларнинг хоҳиш ва истакларини қонун, муҳим кўрсатма сингари қабул қилиб, хушомадгўйлик йўли билан уни бажаришга, ҳатто ошириб бажаришга интилиш ҳоллари рўй берди. Совет қонунчилиги бузилиши, мансабдор шахслар томонидан айрим гражданларнинг қадри-қиммати оёқ ости қилиниши, танқиддан мутлақо ташқари турган, улар ҳақида ҳеч ким, ҳеч қаерда салбий фикр айтиши мумкин бўлмаган дахлсиз шахслар пайдо бўлдики, бу социал адолатсизликнинг мудҳиш куртаклари эди. Республикамизда болалар боғчалари, яслилари, касалхоналар, мактаблар, маданий-оқартув муассасалари етишмай турган бир ҳолатда йирик партия ва давлат идораларида шоҳона меҳмонхоналар, дам олиш жойлари пайдо бўла бошлади. Бу — социализмга хос бўлган ленинча яшаш ва ишлаш принципларининг бузилиши эди.

КПСС XXVII съездида мамлакатимиз ҳаётидаги мана шу салбий ҳодисалар нимага олиб келиши мумкинлиги очиқ-ойдин кўрсатиб берилди. Бундай ҳоллардан кўз юмиш ёки уларни хаспўшлаш асло мумкин бўлмай қолган эди. Янги давр — мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида жиддий талабчанлик, принципиаллик билан қайта қуришни амалга оширишни тақозо этар эди. Қайта қуриш революцион характерга эга бўлиб, фақат йирик масалалар доирасидагина эмас, балки халқ хўжалигининг ҳар бир участкасида, раҳбарлик услубида, ҳар бир кишининг онгида, фаолиятида жиддий ўзгариш ясашни талаб этади. Ҳозирги кундаги жадаллаштириш, сифат ва самарадорликни ошириш учун кураш ана шу қайта қуришнинг ажралмас таркибий қисмидир. Қайта қуриш ва жадаллаштириш бир-бири билан диалектик асосда боғлиқ бўлиб, улар биргаликдагина реал социализмни такомиллаштириш сингари улкан вазифани бажаришга хизмат қилади. Қайта қуриш ва жадаллаштириш — мавсумий вазифа эмас. Социалистик жамиятни такомиллаштириш қанчалик тез ва кенг кўламда амалга ошса, қайта қуриш ва жадаллаштиришнинг аҳамияти ҳам шунчалик тез ортиб бораверади.

КПСС XXVII съездидан кейинги ўтган даврда мамлакатимизда улуғвор ишлар бошлаб юборилди. Қайта қуриш ва жадаллаштириш сиёсати ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки самараларни бермоқда. Ўзбекистонда ҳам сўнгги икки-уч йил давомида маълум иқтисодий-ижтимоий, ғоявий-тарбиявий тадбирлар амалга оширилди, республикамиз ҳаётида 70-йиллар ўрталари ва 80-йиллар бошларида рўй берган камчиликлар мамлакатимизда биринчи бўлиб ҳар томонлама текширилди, катта нуқсонлар билан бир қаторда кичик камчиликлар ҳам очиб ташланда ва муҳокама қилинди. Ўзбекистон Коммунистик партияси XXI съезди ҳужжатлари, ЎзКП Марказий Комитети XVI—XX, III (1986, сентябрь) пленумлари қарорлари бунинг яққол исботидир.

Ҳозирги куннинг асосий вазифаси фақат ўтмишни баҳолаш, ўша даврдаги нуқсон ва камчиликларни санаб ўтишдангина иборат эмас, балки бугунги куннинг вазифалари — келажак ҳақида аниқ, равшан, илмий асосда ўйлашдир. Фақат орқага қараб олдинга юриш мумкин эмас, бу аҳволда биринчи тўсиқдаёқ қоқилиб қолишимиз мумкин. Биз ўтмишнинг хатолари ҳақида кўп ўйладик, маълум чора ва тадбирлар кўрдик. Эндиги вазифа — ҳозирги кун ҳақида, эртанги келажак ҳақида кўпроқ ўйлашдир. Агар шундай қилмасак, кўп имкониятдан фойдалана олмаймиз, майда-чуйда масалалар доирасида ўралашиб қолиб, муҳим воқеалар, вазифаларни билиш, улардан фойдаланиш ва амалга ошириш имкониятларини қўлдан бой берамиз. Қайта қуриш ва жадаллаштиришнинг ҳозирги вазифалари биздан ҳар вақт, ҳар соатда, ҳамма жойда доимий изланишда бўлишни, вазифаларни тез ва ижодий ҳал этишни, етилган ҳар бир имкониятдан фойдаланишни талаб қилмоқда. Қайта қуриш ва жадаллаштириш ўз-ўзидан рўй бермайди. У ҳар бир совет кишисининг қандай лавозимда бўлишидан, қандай ишни бажаришдан қатъи назар, ўз ишига ижодий муносабатда бўлишини, ҳар бир вазифани виждон билан, сидқидиллик билан истиқболни кўзлаб бажаришини тақозо этади. Қайта қуриш ва жадаллаштириш ҳамма ерда, барчанинг фаолиятида мунтазам ва узлуксиз давом этмоғи зарур. Бу жараён зарурийгина эмас, балки доимий ҳамдир.

Қайта қуриш йўли билан жадаллаштиришда шошма-шошарликка, хўжакўрсинга иш қилишга, дабдабабозликка йўл қўйиб бўлмайди. Бу ўринда етилмаган вазифаларни шошма-шошарлик билан ҳал этишга интилиш ҳам, етилган масалаларни ҳал этишни пайсалга солиш ҳам зарарлидир. Қайта қуриш сиртқи ниқобни ўзгартиш эмас, балки мазмунни, моҳиятни ўзгартишдир. Агар ўзгаришлар, «Хўжаали — Алихўжа» тариқасида бўлса, бундай қайта қуриш жадаллаштиришга ҳеч қачон асос ва омил бўла олмайди. Агар қайта қуриш жадаллаштириш вазифасини бажаришга имкон бермаса, у кўзбўямачиликдан иборат бўлиб қолади, тараққиётга асло таъсир кўрсата олмайди. Хайрли иш биринчи қадамдан бошлабоқ тўғри йўлдан бормоғи зарур.

Қайта қуриш ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланиши ўртасидаги диалектик алоқага ҳам боғлиқдир. Одатда, ишлаб чиқариш кучлари тез ривожланади. Агар ишлаб чиқариш муносабатлари, уларнинг айрим соҳалари ўзгариб, такомиллаштириб турилмаса, ишлаб чиқариш кучлари ривожлана олмайди. Бу — оддий қоида эмас, балки тараққиётнинг объектив қонунидир. Мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш кучлари ҳамма вақт социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари яратган имкониятлар асосида ривожланиб келди. Лекин ҳозирги кунда, фан ва техника янгиликлари ишлаб чиқаришга кенг кириб келаётган шароитда шундай вазият юзага келдики, агар меҳнатни ташкил

этиш ва хўжаликни бошқаришнинг маълум шакллари такомиллашмаса, ўзгартирилмаса, ишлаб чиқариш кучларида мавжуд бўлган реал имкониятлардан асло тўла фойдаланиб бўлмайди. Мунтазам ижодий изланиш бу соҳада ҳам бўлмоғи керак. Сўнгги йилларда саноатда ва қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкил этишнинг янги шакллари юзага келдики, бу хўжалик ҳисоботи, бригада ва оила пудратидир. Булар хўжаликни бошқаришни ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришдаги биринчи қадамлардир. Бундай имкониятлар жамиятимизда кўп, уларни доим излаш ва амалда қўллаш керак. Бригада пудрати меҳнатни, маҳсулотни тежаш, ҳар бир имкониятдан рационал фойдаланиш учун шароит яратади, меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш оддий шиоргина эмас, балки ҳар кимнинг масъулияти, бурчи бўлиб қолади. Меҳнат интизоми, маҳсулот сифати учун, ҳар бир ишда тежамкорлик учун курашиш одат тусига киради, кишиларнинг моддий фаровонлиги ҳам ортади. Бу ижтимоий фойдали, жадаллаштиришнинг муҳим омили бўлган масалада ҳали ҳам айрим жойларда ўзибўларчиликка хотима берилгани йўқ.

Қашқадарё областининг Қарши районидаги 8-совхозда ана шундай бригада ташкил этилган. Бу бригадада меҳнатни ташкил этиш ва маҳсулот етиштиришни қандайдир дастур асосида эмас, балки ижодий изланиш йўли билан ҳал этилмоқда. Бригада аъзоларининг фидокорона меҳнат натижасида оладиган ойлик иш ҳақи ўртача 600—700 сўмни ташкил этмоқда. Қўшни бригадаларда эса кун бўйи пешона тери тўкиб ишлаётган совхоз ишчилари ойига ўртача 50—60 сўм иш ҳақи оладилар. Меҳнат самараси ўзўзидан келавермайди, унга билак кучи ва пешона теридан ташқари ақл-идрок, жонкуярлик ва фидокорлик ҳам керак. Мен ўтган йили Қашқадарё областининг меҳнатни бригада пудрати асосида ташкил этган бошқа совхозларида ҳам бўлдим. У ерларда аҳвол бошқача. Номига бригада пудрати бўлгани билан пахтага ишлов бериш, суғориш, терим даврида бригада аъзолари, ундаги техника бошқа бригадаларга ҳам юборилар экан. Натижада, маълум ерга қилинган меҳнат учун масъулият ҳисси йўқолади, ажратилган техника ва бошқа ишлаб чиқариш қуролларига эътиборсизлик кучаяди. Пахтачилик соҳасида меҳнатни бригада пудрати асосида ташкил этишнинг маълум қийинчиликлари ҳам бор. Лекин буни бартараф этиш йўлини излаш керак. Агар бу хайрли иш ўз вақтида яхши ва оқилона йўлга қўйилмаса, яхши тажриба ҳамма ерга ёйилмаса, у тезда ўз аҳамиятини йўқотади. Яна бир нарсани эътиборга олиш керакки, бригада ва оила пудратини йўлга қўйиш хусусий мулкчилик психологиясини жонлантириш эмас. Социализмда ҳар ким қобилиятига яраша иш билан таъминланади ва меҳнатига яраша ҳақ олади. Бу принцип ҳозир жамиятимизда ҳукмрон эканини асло унутиб бўлмайди.

Қайта қуриш ва жадаллаштиришнинг энг асосий масалаларидан бири мавжуд ишчи кучидан тўла ва самарали фойдаланишдир.

Ўзбекистон — мамлакатимизнинг меҳнат ресурслари тез ўсиб бораётган районларидан бири. Ҳозир республикамизда меҳнатга лаёқатли бўлиб, ҳеч қаерда ишламай юрганлар 500 минг кишини ташкил этади. Бу — икки йирик областда мавжуд бўлган ишчи кучига тенг. Бўш ишчи кучи Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд, Хоразм ва бошқа областларда тўпланган бўлиб, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё областларида, республикамизнинг қурилишларида, йирик саноат корхоналарида ишчи кучига бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Мавжуд меҳнат ресурсларидан республикамизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга мамлакатимизнинг Ноқоратупроқ зонаси, Сибирь, Узоқ Шарқ районлари ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда ҳам фойдаланиш мумкин. Албатта, аҳолининг одати ва имкониятларини ҳисобга олиб, ҳозир оммавий равишда марказий районларга кўчиришни ташкил этиш қийин. Шундай тақдирда ҳам ёшларни мавсумий ишга юбориб туриш мумкин-ку. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг Ноқоратупроқ районларда ташкил этилган қурилиш ташкилотларида ишлаётган ишчиларнинг 60 процентдан кўпроғи ўша ерликлардир. Аҳвол шундай экан, мамлакатимизнинг марказий районларида Ўзбекистоннинг қурилиш ташкилотларини тузиш учун эҳтиёж борми? Баъзан Ноқоратупроқ районларда, Сибирда, Узоқ Шарқда қор кўп, совуқ, деб айтишади. Виждон билан айтсак, Новосибирск, Рига, Ленинград ва бошқа шаҳарлардан келиб ўз материаллари, ўз ишчи кучи билан 40—45 даража иссиққа чидаб, Тошкентни қайта тиклаган қурувчиларга ҳам осон бўлган эмас-ку. Мамлакатимиз марказий районлари, Сибирь, Узоқ Шарқ ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш ўзбек халқининг интернационал бурчидир. Бу бурчга садоқатни сўз билан эмас, балки амалда исботлаш вақти келди.

Республикамиздаги ишчилар синфининг миллий состави ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак. Шубҳа йўққи, миллий ишчилар синфи ривожланиши социалистик қурилиш тажрибаси билан боғлиқ. Ҳозир маҳаллий миллатларнинг вакиллари саноатда ишлаётган ишчиларнинг кўпчилигини ташкил этади. Лекин, йирик саноатда, айниқса машинасозлик саноатида маҳаллий миллатларнинг вакиллари ниҳоятда кам. Албатта, бу ҳол маҳаллий миллат вакилларининг қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчиликка чуқур эътиқод қўйганлигидан далолат бермайди. Бу ўринда раҳбар ташкилотларнинг ўтмишда йўл қўйган хатолари ҳақида ҳам очиқ сўзлаш керак.

Ҳозирги кунда асосий вазифа — маҳаллий миллатлар вакилларидан малакали ишчиларни шакллантиришга жиддий эътибор беришдир. Ешларнинг профессионал инти-

(Давоми 17—18-бетларда.)



Бригада пудрати усулида иш олиб бораётган Тошкент Тўқимачилик комбинати 3-филиалининг илғор тўқувчилари (чапдан ўнгга) Гулбаҳор Тўрабекова, Наима Қодирова, Гулчеҳра Обидова ва Гулнора Содиқова-лар.

Р. Нуриддинов фотоси

ТУШОВЛАНГАН ТУЛПОРЛАР

Қишлоққа келдигу, кўплар қатори дераздан чўл тўзонини томоша қилиб ўтиришдан ўзга чорамиз қолмади. Гармсел тобора кучаяди. Супа четида хонадон соҳибининг ягона улови — «Иж» маркали мотоцикли мунғайиб турибди.

— Еқилғи бўлмагач, бу ҳам бир ҳовуч темир-терсакдан фарқ қилмас экан, — дейди даврадошларимиздан бири. — Шундай пайтларда отлар жуда иш берарди-да.

— Отларни гўштга топширасизлар, деб туриб олишди катталар. Топширдик. Энди бирор жойга борадиган бўлсак, йўл азобини ўйлаб, уйқумиз қочади. Бу ерларда автобус қатнови йўлга қўйилган бўлса ҳам майли эди, — дея аниқлик киритади қишлоқ оқсоқолларидан бири.

Маълум бўлишича, Чироқчи районидаги айрим хўжаликларда от сақлаш мумкин эмас экан. Даврадагилар бири қўйиб иккинчиси сабил кетган отларини эслаб, хўрсиниб-хўрсиниб қўйишарди. Балки улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой ҳам ўзининг «Холстомер» асарини ёзаётганида отларнинг ана шу хил қисмати ҳақида ўйга чўмгандир.

Минг йиллар давомида қадимий аждодларимизнинг асосий йўлдоши бўлган отлар мис даврининг сўнгги, бронза асрининг дастлабки йилларида инсон билан дўстлашди. То бугунги порлоқ кунимизгача унинг оғирини енгил, узоғини яқин қилди. Тарихга назар ташласак, қадим-қадимдан отларнинг энг асл насллари — йўрға қашқалар деярли икки минг йилча бурунок хўжалик ишларига жалб қилинган, улов вазифасини ўтай бошлаган.

Ватанимизда брабонсон, перширон, рус ордени, владимир каби юкчи отлар: араби, ахалтекин, қорабайир, қабардин, орлов, будённий, дон каби зотли йўрғалар кенг тарқалганлиги кўпчиликка маълум. Республикамиз довруғини оламга ёйган қадрдон қорабайирларимизни ким билмайди дейсиз. 1935 йилда Ашхабоддан Москвагача бўлган 4 минг 300 километрли масофани Ўрта Осиёда кенг тарқалган ахалтекин отлари чидам билан босиб ўтганлигини кўпчилик ҳали унутгани йўқ. Улуғ Ватан уруши йилларида чавандоз мардларни елкасида она Ватан ва халқ ҳимояси сари олиб учган миллион-миллион отларга бугунги кунда ҳайкал ўрнатилса арзийди. Жангу жадал йилларида 20 миллион совет кишилари қаторида 7 миллион совет отлари ҳам ҳалок бўлди.

Чироқчи район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Алишер Бозоров ҳузурида бўлиб, айрим хўжаликларда отларнинг гўштга топшириб юборилаётганлигини изоҳлаб беришини илтимос қилдик.

— Хонадонларда от сақлаш район миқёсида бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди, — деди суҳбатдошимиз. — Ҳисоб-китобларга кўра, битта от бир кунда уч килограмм арпа билан озиқланар экан. От эгаси йил давомида отини боқиш учун кам деганда бир тонна арпа ғамлаши керак. Бундай ҳажмда озуқа тўплашга, очиғини айтганда, ҳеч кимнинг имкони йўқ. Энди ҳосил бўлган йиғиндини тахминан 100 та от сонига кўпайтиринг-чи?

...Партия ва ҳукуматимиз урушдан кейинги беш йилликнинг биринчи йилидаёқ мамлакат бўйича 1945 йилга нисбатан отлар бошини 46 фоизга, коллектив хўжаликларида эса 58 фоизга кўпайтиришни асосий вазифа қилиб қўйди. 1948—1949 йилларда йилқичилик хўжалигининг илғорлари Ватаннинг олий мукофоти — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар.

— Энди от эгалари колхоз ва совхоз далаларида етиштирилган ҳосилга кўз тикишади, — сўзида давом этади райком секретари. — Боринғки, инсофлироғи шунча озуқани бозордан харид қилсин. Бу муаммонинг бир томони. Энди муаммонинг иккинчи томони бор — от эгаларининг ҳаммаси ҳам ҳар куни отларига уч килограммдан арпа беравермайди. (Гап улоқчи отлар хусусида кетаяпти, муаммонинг иккинчи томони ҳам шунга боғлиқ). Энди ҳар қандай улоқчининг ҳам босар-тусарини билмай қолган айрим шахслар томонидан уюштирилган кўпкарида қатнашгиси бор. У бир марта даврага от солмаса, кўнгли тинчимайди. Кўпкари бошланди ҳам, дейлик. У қаерда ўтади. Чўл бағри кенг, дейсизми? Ҳеч-да, улоқчиларга чўл бағри ҳам торлик қилиб қолаяпти. Улар қизиқ устида хўжалик ғаллазорларини, бошқа экинзорларни пайҳон қилиб ташлайдилар. Шу томонларини ҳам ҳисобга олиб, от бўлиши зарур деб топилган олтита хўжаликдан бошқа хўжаликлардаги отлар жиловини кушхонага бурдик. Бу ягона йўл эди.


Ҳақиқатан ҳам ягона йўлмиди? Ҳа, ягона ва бир томонлама йўл эди.

Урушдан кейинги даврларда ўнта бияси бор колхозда йилқичилик фермаси ташкил этилиши шарт эди. Чунки отлар узоқ йиллар давомида халқ хўжалигида қудратли техника қаторида хўжалик оғирини енгил қилар эди-да. Битта йўрға бир суткада белида чавандози билан 300 километр йўл боса олишини яхши билардик-да!

Ҳисобдан қачон адашилди? Қачондан буён от бизга ортиқча юк бўлиб қолди? Бугунги кунда отларнинг тақдири хавф остида. 1970 йили республикамиз хўжаликларида жами 115,5 минг бош от мавжуд эди. Кейинги 10—15 йил ичида отларнинг насли у ёқда турсин, сонини сақлаб қолиш ҳам мушкул бўлиб қолаяпти.

Республика агросаноати жойларда йилқичиликни кўпайтириш, уларнинг ноёб зотларини сақлаб қолиш, наслларини яхшилаш ишига етарли аҳамият бермаяпти. Ахир халқимизнинг отлар билан боғлиқ анъаналари озмунчами? Бу ҳақда жиддий тадбирлар белгилашнинг вақти келмадимикин? Наҳотки, жаҳон ва ҳатто мамлакатимизнинг от спорти ўйинларида шаҳло кўз қорабайирларимизнинг анчадан буён қатнашмаётганлиги ҳеч кимни ташвишлантирмаса! Фақат бугинами?

...Совхоз ва колхозларимизда директор, раис, партия ташкилотининг секретарлари, бўлим, агроучастка бошлиқлари, ишчилар комитетининг раислари, бўлим инженерлари каби қатор лавозимлар борки, уларнинг ҳар бирига хизмат юзасидан у ёки бу маркали автомашиналар биркитилган. Энди бир агроном ихтиёридаги машина билан хўжалик территориясини бир марта айланиб чиқиши



Жиззах районидаги С. М. Будённий номидаги 76-от заводи Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон хўжаликларига зотдор қорабайирлар етказиб бермоқда. Суратларда: отбоқарлар бригадасининг бошлиғи Маматмурод Соипназаров (чапда) ва отбоқар Улуғбек Шербеков «Тулпор» лақабли от билан.

В. Занко фотоси (ЎзТАГ)

учун кам деганда қанча ёнилғи сарфланишини, ҳайдовчига тўланадиган ўртача маошнинг миқдорини ҳисобчилар чўтлаб, уч килограмм арпанинг пул миқдори билан қиёслаб кўрсинлар!..


Биз, колхоз ва совхоз директорлари, раислари, партия ташкилотининг секретарлари отда юрсин, деб таклиф қилолмаймиз. Уларнинг зиммаларидаги вазифалар кўлами ҳам буни тақозо қилмайди. Аммо, бўлим, агроучастка бошлиқлари, гидротехник инженерлар, ишчилар комитетининг раислари бемалол от хизматидан фойдалансалар бўларди. Қолаверса, от хизматидан чоғроқ чорвачилик фермалари ишида ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳа, хўжалик ишларини юритишда от бизга ҳали қанчалар асқотади.

Энди муаммонинг иккинчи томони хусусида.

Кўпкари — халқимизнинг қадимий, тантанали анъаналаридан бири. Унинг ёшларни жасур ва эпчил қилиб тарбиялашдаги аҳамиятини ҳеч ким инкор эта олмайди. Жойларда ўтказиладиган оммавий спорт ўйинлари программаларидан негадир от спорти мусобақалари мунтазам ўрин олмаяпти. Чавгон, улоқ, пойга каби анъанавий от спортига мансуб ўйинларнинг маданийлаштирилган шакллари ҳанузгача спорт ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилмаганлигини қандай изоҳлаш керак? Мабодо шундай ишлар йўлга қўйилганда, экинзорлар ҳам пайҳон бўлмасди. Ишқибозлар ҳам бўш пайтларида мириқиб ҳордиқ чиқарган бўлардилар.

Уктам МИРЗАЕРОВ,
«Гулистон» журналининг махсус мухбири

Чирокчи — Тошкент



Тошкентдаги От спорти олий мактабида икки юздан ортиқ ёшлар мунтазам шуғулланмоқдалар.

В. Миленький фотоси (ЎзТАГ)

Редакция почтасидан

ЭЪЗОЗ

Ўша кунги воқеалар Кимё опанинг қалбида бир умр муҳрланиб қолиши аниқ. Сентябрь ойининг охирида хонадонга иккинчи келин туширилди. Яқинда Тошкент Йўл транспорти институтини тамомлаган ўғли Одилжон ва келини Муҳтарамларнинг висол кечаси ўтказилаётган пайтда Кимё опа кўксига Ленин ордени таққанча бир олам қувонч билан кириб келиб, ёшларни бағрига босди.

— Қўша қаринглар,— деди у ҳаяжонини яширолмай.— Меҳнат ва бахт ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.

Хонадонга ташриф буюрган меҳмонлар уларни кўшалоқ тўй, кўшалоқ байрам билан муборакбод этишди. Фарзандларини биринкетин мустақил ҳаётга йўллаётган Кимё опага ҳамма ҳавас билан боқарди...

Кимё асл деҳқон оиласида вояга етди. Отаси Абдуалибек Мирзабеков Оржоникидзе райони хўжаликларида деҳқончилик билан шуғулланар, оловқалб қиз отасига ёрдамлашар, май ойларида эса ипак қурти парвариш қилар эди. У ўз ишига астойдил меҳр қўйди. Шунинг натижасида Кимё Абдуалибекова 1956 йили Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтининг ипакчилик факультетига ўқишга кирди. Уни муваффақиятли тамомлагач, Ленин номли колхозда пиллачилик соҳасида ишлай бошлади. Кимё опа хўжалик пиллакорларининг давлатга «кумуш тола» топширишдаги муваффақиятларига муносиб ҳисса қўшди.

Биология-ўсимликшунослик эксперименталь илмий-тадқиқот институтига ишга таклиф қилишганида К. Абдуалибекова иккиланмай рози бўлди. Олти йил мобайнида катта лаборант бўлиб ишлаган Кимё назарий ва амалий жиҳатдан бой тажрибалар орттириб, Тузел қишлоқ Совети тасарруфидаги 12-ўрта ҳунар-техника билим юртида ўқитувчилик қила бошлади.

— Асли болалигимдан педагогликка жуда қизиқардим,— дейди Кимё опа,— бироқ деҳқончилик сир-асрорини пухта эгаллаш иштиёқи ҳам сира тинчлик бермасди. Ниҳоят, ўқитувчилик қилиш, ўғил-қизларга деҳқончилик, табиат илмидан дарс бериш нияти туғилди. Ҳунар-техника билим юртида талабаларга кимё ва биологиядан дарс бериш билан бирга Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти биология факультетида сиртдан таҳсил олишни давом эттирдим.

Кимё опа бор билимини, маҳоратини талабаларга илм беришга бағишлади. У ўрта ҳунар-техника билим юртида ишни кимё-биология кабинети барпо қилишдан бошлади. Кўплаб кўргазмали қуроллар, дидактик материаллар ташкил этди. Унинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари жамоатчилик эътиборига тушди.

Кимё-биология кабинетини жиҳозлаш бўйича 1976 йили Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети томонидан ўтказилган конкурсда 12-ўрта ҳунар-техника билим юрти биринчи ўринни эгаллади ва унинг тажрибалари республикада оммалаштирилди. 1984 йилда республика ҳунар-техника билим юртлари педагоглари кенгашида К. Абдуалибекованинг «Химия дарсларида ўқувчиларнинг билимини дидактик материаллар асосида текширишнинг баъзи масалалари ҳақида» мавзуидаги маърузаси ҳам оммалашиб кетди. Педагог К. Абдуалибекова икки марта республика ҳунар-техника таълими давлат комитетининг Фахрий ёрлиғи ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Эндиликда билим юрти кимё-биология кабинетига кирган киши чиндан ҳам бу аудиториянинг ҳақиқий илм ўчоғига айланганига ишонч ҳосил қилади. Ҳар бир мавзуга оид турли-туман кўргазмалар, асбоб-ускуналар, ҳар хил моддалар, тупроқ, уруғ, ўсимлик намуналари бу ерда мавжуд. Талабалар билимларни амалиёт билан боғлаб ўзлаштирадилар.

Аммо шуни таассуф билан айтиш керакки, районда ҳунар-техника билим юртлари ҳақида гап кетганда айрим талабалар, ҳатто ота-оналар ҳам бундай даргоҳларга нисбатан беписанд муносабатда бўладилар. Кимё опа бу ачинарли ҳолни шундай шарҳлайди:

— Мактаб ўқувчиларига таълим-тарбия бераётган баъзи педагоглар пастроқ ўзлаштираётганларга «сени училишега жўнатаман» деб пўписа қилишади. Табиий, болалар онгида ҳам, буни эшитган ота-оналар хаёлида ҳам ҳунар-техника билим юрти ёмон жой бўлиб гавдаланади. Аслида, ҳунар-техника билим юртлари мамлакат мактаб ислоҳоти талабларига жавоб берадиган зиё маскани эканлигини унутмаслик керак. Менинг истагим, имкони борича, мактаблар қобилиятли ўқувчиларни ана шу ўқув даргоҳларига юборишлари лозим.

Айни ҳақ гап! Эндигина камолот ёшига етаётган ўғил-қизларга ҳунар-техника билим юртларида таълим бериш, уларни ўқиш ва фойдали меҳнатни уйғун олиб боришга ўргатиш замон талабидир.

Кўзларидан ҳамиша меҳр нури ёғилиб турадиган мулойим ва камтарин аёл — Кимё опа ҳаётда ўз ўрни ва бахтини меҳнатдан топди.

Унинг кўксини Ленин ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари безаб турибди. Биз ҳам кимё илми йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган Кимё опанинг келгуси режалари рўёбга чиқишига муваффақиятлар тилаймиз.

Тўлқин ЭШБЕКОВ
Тошкент область,
Оржоникидзе райони

МОЙЛИ НАШВАТИ

Сухумида истиқомат қиладиган бир боғбоннинг уйига кутилмаганда меҳмон келиб қолди. Уй бекаси, одатдагидек, чой дамлади ва дастурхонга сарёғ олиш учун муҳонани очиб кўрди. Аммо, сарёғ тамом бўлибди.

— Зарари йўқ, — дедида уй эгаси ўз боғига йўл олди. Кўп ўтмасдан қўлида бир нечта ноксимон мевалар билан қайтиб келди. Дарҳол улардан бирини кесди-да, нон бўлаклари устига сарёғдек сурабошлади. Меҳмон эса, уй эгасининг бу хатти-ҳаракатидан ҳайрон эди.

— Ҳайрон бўлаяпсизми? — деди уй эгаси. — Бу — авакадо — аллигатор нашватиси...

Ҳамиша ям-яшил бўлиб ўсадиган, дафнасимонлар оиласига мансуб авакадонинг асли етишган ери Мексикадир. Бу дарахтнинг сарёғ меваси мазкур мамлакат аҳолисининг асосий озиқ-овқатларидан бири ҳисобланади.

«Аллигатор нашватиси»нинг бир дона меваси оғирлиги жиҳатидан 600 граммгача етади. Ҳар бир дарахтдан йилига икки юз килограммгача мева териб олиш мумкин. Унинг мойи инсон танасида яхши ҳазм бўлади.

Бизнинг мамлакатимизда авакадо дарахтининг ниҳоллари Сухуми, Гагра ва Ботуми атрофларида ўстирилмоқда. Грузия ССР Фанлар академиясининг ботаника боғида бундан 30 йил аввал экилган бир неча туп авакадо дарахти ўсиб турибди.

Николай ТИХОНОВ

ЛЕНИН БАЙРОҒИ

Мўъжизамас устимизда чақнаган, ёнган,
Ҳам эмасдир Қутбдаги оловли ёғду, —
Кекса Нева тепасида алангаланган,
Ўлмас байроқ, улуғ Ленин байроғидир бу.

Ўн тўққизинчи йилдагидай тунлар
чайқалар.
Кундузларнинг муз қобиғи янграр
дам-бадам,
Намоёндир аниқ кўҳна антиқалар —
Душманлару блокада, қора зулмат ҳам.

Биз жон олиб, биз жон берган йилдагисимон,
Бу даҳшатли кунларда ҳам жанг қучоғида,
Чақнаб турди қудрат бериб бизларга ҳар он,
Зафар нури доҳиймизнинг ол байроғида!

Ёш, навқирон қирувчилар қорга кўмилиб,
Автомат-ла илгарига эмаклар экан,
Қонли жанглар марзасида ғайратга тўлиб,
Безанади шу қанотли ўчмас нур билан.


Муздек совуқ дастгоҳларда жунжиккан
ишчи,
Кочегарка ёнидаги қора кечалар,
Кемасида бедор турган қўрқмас денгизчи, —
Барчаси ҳам шу байроқдан куч-қудрат олар.

Ленин шаҳрин қуршаб олган тошдай зил
туман,
Аччиқ алам, ҳасратларнинг пардасин ёриб,
Шу байроқни блокада, жангларда омон,
Олиб ўтар ул байроқдор баланд кўтариб.

Бу ол байроқ — зафар, қудрат бахш этган
байроқ,
Ленин шаҳрин сақлаяжак ёвдан осмонда,
У енгади! Душман қабри устида шу чоғ, —
У чоғ яқин! — донг чиқарар бутун жаҳонда!

Темур ФАТТОҲ таржимаси

1942 йил



* * *

Овозлар хириллаб, бўғилиб қолар,
Янгиси келади ўрнига ўрин.
Менга ҳам фарқ қилмоқ мушкули ҳолдир
Товушим қай хилга мансуб эканин.

Ветеран бўлганман жанг-жадалларда,
Истамам маррага тинч бориб етмоқ.
Бетларим сарин ел сийпар саҳарда,
Мен янги йўл сари чиқаман қувноқ.

Сўзламоқ хоҳиши яна яралар:
Тонг Нева музидан ўтгани ҳақда,
Тинч Мухрон водийси узра ёйиб нур,
Тонг яллиғ сочганин эрталаб Шарқда.

Шеърият одимлаб борсин деб шахдам,
Оғир юк остида кенг, катта йўлдан —
Бораман нағалли этик-ла бардам,
Сафар қопчиғини қўймасдан қўлдан.

Яшайман мен сокин Сагурамода,
Бамисли хушбахт туш кўрган каби шод.
Шунинг-чун ўнгимда доим самода
Момақалдироқлар тинглайман кушод.

Дўстининг уйида тунаган солдат —
Сингари қуролга интилар ашъор.
Қайтадан саф тортиб туради ҳар вақт,
Ҳужумкор шеърият ҳамлага тайёр.

Зоҳиджон ОБИДОВ таржимаси

ЗАМОН ҚАЛБИ

Н. ТИХОНОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ

Чинакам шоир ва ёзувчилар замоннинг уриб турган қалбидир. Ўтмишнинг жонли қиёфасини кўз олдига келтириш учун ўша даврда яшаб ўтган ёзувчи ҳамда шоирларнинг қалбига қулоқ солмоқ зарур. Уларнинг қалби абадий уриб турганидек, шу қалбда ўз замонаси дарди ҳам яшайди. Бинобарин, совет адабиётининг йирик сиймоларидан бири, жаҳонгашта сўз санъаткори Николай Тихонов замон қалбига айланган ижодкорлардан ҳисобланади. Агар шоирнинг 1922 йили нашр этилган илк икки тўплами «Оломон» билан «Бўза»ни варақласак, кўз олдимизда Улуғ Октябрь инқилоби йиллари жонланади. «Қаҳрамонни қидириш» шеърий тўплами ҳамда «Достонлар» китоби шоирнинг гражданлар уруши ва тикланиш йиллари ҳаётини мисраларга кўчирганлигининг ёрқин гувоҳидир. Унинг «Қалтис одам», «Кўчманчилар» насрий мажмуалари ва «Юрга» шеърлар китоби Туркманистонга қилган сафари асосида яратилган бўлиб, уларда Совет Шарқининг социалистик қайта қуриш давридаги қаҳрамонона курашлари, техниканинг Ўрта Осиёга кириб бориши ва одамларнинг янги ҳаёт сари интилишлари тасвирланади.

Николай Тихонов 1896 йил Ленинград (қадимги Петербург) шаҳрида ҳунарманд оиласида дунёга келади. У етти ёшида оилавий муҳитда хат-савод чиқариб, кейин шаҳар мактабига қатнайди, ундан сўнг савдо мактабига киради. Лекин уни савдо-сотиқ қизиқтирмайди, узоқ юртларга саёҳат этишни орзу қилади. Афсуски, у яшаган даврда орзулар сароб эди. Николай Тихонов ёшлик чоғиданоқ нон топиш ташвишини чекишга мажбур бўлади. Фақат Улуғ Октябрь инқилобидан кейингина шоир орзулари рўёбга чиқа бошлайди. 1925 йилдан Ўрта Осиё

республикалари бўйлаб сафар қилишга киришади. Бу сафар таассуротлари борасида шоирнинг ўзи кейинчалик шундай эслайди:

«Мен ўшанда эски Тошкент кўчаларида биринчи марта юрган, Самарқанд осориатиқаларини кўрган, Зарафшон водийсида адашган, қишлоқларда меҳмон бўлган, шаҳар ва қишлоқ ҳаёти билан танишган, асов Амударёни, Туркманистон саҳросини, Тожикистоннинг бир бўлагини кўрган, хуллас, завқ-шавққа тўлиб-тошган ва ҳеч бир китобда йўқ билим олган эдим. Менинг вужудим бутун бир бригадага ўхшарди, негаки, менинг қиёфамда биров ана шу ғаройиб жойларнинг кечмиши, тарихи билан машғул бўлар, яна бошқа бирови буларнинг ҳаммасини очерк ва наср қилиб ёзишга ошиқар, яна бошқа бирови эса, кўрганларини шеър қилар эди...»

Шоир Кавказ тоғларини ҳам кезиб чиқди. «Серго тоғларда» достони ҳудди шу сафар таассуроти асосида яратилган. Бундан ташқари, ўша даврдаги Кавказ ҳаёти унинг шеърларидан ҳам, ҳикояларидан ҳам ўрин олди. У қаерга бормасин, ўз кўрган-кечирганларини қалб призмасидан ўтказиб, асарлари орқали абадий муҳрлар эди. Айниқса, Улуғ Ватан урушидан кейин шоирнинг дунё бўйлаб сафарига кенг имконият туғилди. Дарҳақиқат, у фақат қардош совет республикаларигагина эмас, чет элларга ҳам саёҳатга чиқа бошлади. Болгария, Польша, Руминия, Чехословакия, Югославия сингари Европа мамлакатлари, Хитой ва Покистон сингари Осиё мамлакатлари бўйлаб қилган сафарлари бунинг ёрқин далилидир. Унинг ҳар бир сафари буюк сўз санъаткорининг ижодида муҳим бир босқич бўлиб қолди.

Николай Тихонов — Тинчлик куйчиси, Тинчлик жангчиси. У Тинчлик тўғрисида туркум шеърлар яратди. Шоир дунё халқларини дўстликка, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга чақирди. Зеро, биринчи жаҳон урушида тўкилган қонлар гувоҳи бўлган, контузияга учраб, уруш азобларини ўз бошидан кечирган; гражданлар урушида Улуғ Октябрь ғалабасини оқ гвардиячи ва чет эл босқинчиларидан ҳимоя қилган; 1939—1940 йиллар қишида жанговар Қизил Армия сафида Липпола қишлоғидан Виборггача йўл босган; Улуғ Ватан уруши йиллари Ленинград қамалида иштирок этган — уруш даҳшатларини ўз кўзи билан кўрган ижодкор учун тинчликдан муҳимроқ нарса бўлиши мумкин эмас эди. Шу сабабли буюк сўз санъаткорининг ўзи Тинчлик учун олиб борган кураши борасида эслаб ёзади:

«Мен, эски солдат, тўрт урушнинг иштирокчиси халқларни ва келгуси авлодлар ҳаётини қирғиндан сақлаб қолишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган олижаноб тинчлик ҳаракатида қатнашмасдан қололмасдим. Мен тинчликнинг актив тарафдори бўлдим. 1949 йилдан буён Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитетининг раисиман. 1950 йилдан буён Жаҳон Тинчлик кенгашининг аъзосиман...»

Дарҳақиқат, у умрининг охиригача ҳам ижодий, ҳам амалий тинчлик иши учун хизмат қилди. Уста таржимон сифатида халқлар қалбига кўприк қурди. Айниқса, унинг улуғ ўзбек мутафаккири Алишер Навоий ижодидан, шунингдек, ўзбек совет шоирлари асарларидан қилган таржималари шоир ҳаётини халқимиз ҳаёти билан чамбарчас боғлади. Шунинг учун ҳам унга Ўзбекистон ССР халқ шоири деган юксак унвон берилди. Буюк сўз санъаткорининг Шарқ халқлари ҳаётига, Тинчлик ва Дўстлик мавзуига бағишланган асарлари мажмуаси Ленин мукофоти билан тақдирланди.

Давр куйчиси, кенг қамровли адиб, моҳир публицист Николай Семенович Тихонов бугун орамизда йўқ. Аммо унинг асарлари Тинчлик аскарлари сифатида ҳамиша биз билан ёнма-ён курашда. Унинг салобатли овози мангулик минбаридан баралла янграйверади.

Э. МУҲАМЕДОВ

Эл соғлиги — юрт бойлиги

ШИФОКОРНИНГ ИШ КУНЛАРИ

Одатда, эл назарига тушган кишига одамлар эркинроқ бўлиб қолишади: ҳаддилари сиғиб, илтимос қилишади, гарчи нотаниш бўлса ҳам, биринчи учрашувдаёқ ўзига яқин олиб дардларини ўртоқлашишади. Қумқўрғон районидаги 1-касалхона жарроҳи Яшин Холбоев ҳам шундай кишилардан. У ҳақда ҳатто, эл орасида, ривоятга ўхшаган гап юради. Гўё ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатган Яшиннинг бошда омади юришмапти. Медицина институтига беш йилгача ҳужжат топшириб, кириш имтиҳонларидан йиқилаверипти. Таниш-билишлари, оғайнилари унга бошқа институтларга ўқишга киришни тавсия қилишипти. Аммо, Яшин кўнмапти. «Барибир шифокор бўламан», деб аҳд-паймон қилган экан...

Биз Яшин Холбоевич билан суҳбатни мана шу ривоятнинг ҳақиқатга қанчалик яқинлигидан бошладик.

— Ҳа, кириш имтиҳонидан икки йил ўтолмаганим рост, — дея мийиғида кулиб гап бошлади у. — Учинчи йили ўқишга кириб олдим. Мабодо, омадим юришавермаганда ўн йил бўлса ҳам фақат медицина институтига ҳаракат қилишим аниқ эди.

— Қайси мутахассислик бўйича ўқидингиз?

— Тиш докторлигига ўқиганман. Жарроҳликка эса кейин қўл урганман. Ўқишни тугатиб, олтмиш саккизинчи йили «Москва» колхозига ишга келдим. Ўшанда қулоғимга чалинган бир гапни ҳали-ҳали эслайман: колхозда ўн мингга яқин киши истиқомат қилади. Бироқ шунча одамга хизмат кўрсатадиган жарроҳ йўқ эди. Бу ердаги шифохонага терапия ва жарроҳлик хизмати жуда зарур эди. Шу боисдан ва ўзимнинг қизиқишим сабабли жарроҳликни ўрганишга киришдим. Дастлаб Тошкентда, сўнгроқ Белоруссияда ва яна Тошкентда врачлар малакасини ошириш курсларида устоз жарроҳлардан сабоқ олдим. Ҳамкасбим, уста жарроҳ, ҳозир касалхонамизнинг бош врачи Муса акага шогирд тушдим.

Маълумки, ҳар қандай бемор ёрдамга муҳтож. У қайсидир бир шифокорнинг номини эшитганда, у билан юзма-юз келганда руҳи енгиллашади, қил устида турган ҳаётини ўша ишонади. Чунки бемор шифокорни яккаю ягона ҳамдардим деб тушунади. Ҳа, беморга ҳамдард бўлолмаган, ҳамдард бўлабилмаган шифокор — шифокор эмас. Айниқса, бу фазилат жарроҳ учун қимматлидир.

...Ўттиз яшар йигит Файзулла Жумаев касалхонага тушганда дардини ўзи ҳам билмасди. Чунки у автомобил ҳалокатида ҳушидан кетган эди. Уни тўппа-тўғри операция хонасига олиб кирдилар. Бу хонада, одатда, одамлар гапирмайдилар. Бемор тақдирини ахир гап эмас, шифокорларнинг аниқ, чаққон ҳаракатлари ҳал қилади. Хирург Яшин Холбоевич ҳам, унинг ёрдамчиси Олламурод ҳам, ҳамшира Лола Мардонақулова ҳам буни яхши биладилар. Улар операция пайтида ўзларига тегишли юмуш билан қаттиқ банд бўладилар... Яшин Холбоевич ўша пайтда хиёл асабий эди. «Кўп қон йўқотган, операция қилиш бефойда». Кимнингдир бўсағада айтган бу гапи жарроҳга совуқ эшитилди. Наҳотки... Йўқ, йўқ, чиқмаган жондан умид, дейдилар. Яшин Холбоевич операцияга бел боғлади. Аммо қишлоқ шароити: аппаратларда, асбоб-ускуналарда тахчиллик бор эди. Беморнинг ранги докадек оппоқ эди. Кўкрак қафасидаги жароҳатдан қон сизиб чиқарди.

— Пульс!

Бу пайтда Лола беморнинг юрак уришини ўлчаб улгурганди.

— Йўқ.

— Нима йўқ?

— Пульс. Пульс йўқ.

— Бекор гап. Яна ўлчанг! Жароҳатдан оқаётган қонни кўктомирга қуйиш керак. Қоннинг бир томчиси ҳам зое кетмасин.

Жароҳатдан оққан қонни узлуксиз равишда кўктомирга қуйиш нафақат ҳамшира, ҳатто Яшин Холбоевичнинг ўзи учун ҳам янгилик эди. Ҳамшира эса, хирург жароҳатни кесади деб ўйлаб, шунга яраша тараддуд кўрганди. Зудлик билан қайтадан жорий тайёргарлик кўрилди. Хирург жароҳатни тозалади. Икки соат давомида бир қатра қонни зое қилмай томирга қуйиб туришди. Беморнинг нафас олиши учун бор ҳаракатни ишга солишди...

Жароҳатни кесмаганининг сабабини ҳамшира икки кун Яшин Холбоевичдан сўролмади. Чунки икки кунгача ҳам жарроҳ беморнинг ёнидан жилмади. У беморнинг ҳаёти учун кураш билан банд эди. Мавриди келганда жарроҳ ҳамширага қуйидагича изоҳ берди: «Беморнинг қовурғалари синиб, ўпка тўқимасига қадалган ва уни жароҳатлаган. Ўпкага қадалган қовурғани ўпканинг ўзи жойига суриб қайтаришини таъминлаш — энг қулай усул. Бунинг учун ўпка ишлаб туриши зарур эди. Биз, ҳар қалай, уддаладик буни».

Бемордаги бу хил фавқулодда оғир ҳолатни шифокорлар «шок» деб аташади. «Москва» колхозининг аъзоси Бўри Остонақулов, ўн беш яшар қиз Раъно Чориева, медицина ҳамшираси Бозоргул Ҳакимова ҳам ҳудди шундай ҳолатда касалхонага тушган эдилар. Улар моҳир жарроҳ Яшин Холбоевичнинг қўлида шифо топдилар. Бугунги кунда улар соғлом, ҳар бири ўз ўрнида хизмат қилаяпти.

Хирургия бўлимида 20 та ўрин бор. Жонкуяр жарроҳнинг ҳаракати билан шу ернинг ўзида қон қуйиш пункти ташкил этилди. Бунга ҳар йили 350 — 400 нафар донор жалб қилинади. Бироқ хирургнинг фаолияти фақат бўлимдаги жарроҳликка тааллуқли юмушлардангина иборат эмас. Зарурат туғилганда уни туғруқхонага, болалар бўлимига, «Тез ёрдам»га чақирадилар.

У энди қирқ ёшга кириб, айни кучга тўлган пайти. Бурчига, касбига садоқатли бу фидойи жарроҳ ҳали кўпларнинг дардига шифо топади.

Олимжон УСАНОВ

Сурхондарё область, Қумқўрғон райони

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА МУЗИКА



Алишер Навоий ижоди кўплаб нуфузли олимларимиз томонидан чуқур тадқиқ қилинган бўлса-да, мутафаккир шоир шеъриятининг музика билан алоқадорлиги нисбатан кам ўрганилган. Зеро, шоир ижодий меросининг бу саҳифасини ўрганиш тадқиқотчиларга жуда бой материаллар беради. Бизнингча, бу мавзуни уч асосий босқичга бўлиб ўрганиш жоиздир. 1. Алишер Навоий ва у яшаган давр музикаси; 2. Навоий ижодида музикага муносабат; 3. Навоий яратган образларнинг ўтмиш ва ҳозирги давр музикасида акс этиши.

Алишер Навоий асарларининг музикага солиб куйланиши ҳақида гап борар экан, шоир яшаган ва ижод қилган давр, адабий-бадиий муҳитни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, Ҳирот ва Самарқанд шаҳарлари XV асрнинг иккинчи ярмида йирик маданий марказларга айланган эди. Мамлакатда ҳокимиятнинг марказлашуви савдо ва дипломатик алоқаларнинг мустаҳкамланишига, шу билан бирга, шаҳарларнинг тараққий этиши ва умуман маданиятнинг юксалишига олиб келди. Самарқанд ва Ҳирот буюк шоирлар, хаттотлар, мусаввирлар, мусиқачилар истиқомат қиладиган жой бўлиб қолди. Алишер Навоий ана шундай бир шароитда асосан Ҳиротда яшаб ижод этди. У ўз атрофига даврининг энг яхши ижодкорларини тўплашга муваффақ бўлди. Шоир томонидан уюштирилган адабий кечалар Ҳиротда машҳур эди ва унинг ўз замондошлари — шоирлар, музикачилар, рассомлар билан доимий мулоқотда бўлишига замин яратган эди. Бундай йиғинларда шеърхонлик билан бирга музикага ҳам кенг ўрин бериларди. Навоийнинг ўзи ҳам музика санъатининг билимдони эди.

Алишер Навоий музика назариясини билишдан ташқари ўзи ҳам мусиқий куйлар ижод этган эди. Бу ҳақда етарли тарихий маълумотлар бор. Навоий ўша вақтдаги маълум куйларнинг бир қанчасининг муаллифи эди. У музиканинг назарий асосларини билмай туриб, яхши шоир бўлиш қийин, деяр эди.

Шоирнинг чолғу куйларига бўлган қизиқиши унинг шеъриятида музиканинг катта ўрин эгаллашини таъминлади. Унинг музика санъатига бўлган муҳаббати ғазал ва достонларидаги образлар руҳига, жозибали куйлар таъсирида туғилган ҳис-туйғулар орқали шу қадар усталик билан сингдириб юборилганки, кўриб ҳайратга тушасан киши. Музикага муносабат бу асарларнинг таъсирчанлигини, оҳангдорлигини шу қадар оширдики, бу нафис оҳанглар китобхон қалбига мусаффолик олиб киради, ўқиган кишининг қалб торларини чертади. Шунинг учун ҳам Навоийнинг кўпгина ғазаллари шоир ҳаётлик чоғидаёқ қўшиқ қилиб айтилган, куйга солинган. Бу анъана асрлар давомида такомиллаштирилиб, ривожланиб келаверди.

Бугунги кунда биз ўзбек музика санъатини Алишер Навоий ғазалларисиз тасаввур эта олмаймиз. Мусиқий навоийнома жуда бой ва кенг қамровлидир. Унинг дастлабкилари ўша давр ўзбек маданияти намуналарида кенг акс этган. Сақланиб келинган қўшиқлар шоир лирикасининг халқ ҳофизлари орасида фавқулодда кенг тарқалганлигини кўрсатиб туради. Халқимизнинг музика ҳақидаги эсдаликлари бизгача кўплаб чолғу асбоблари номини олиб келганки, булар Навоий асарларининг яшовчанлигини ва мукаммаллигини кўрсатади.

Кейинги ўн йилликлар давомида республика халқ оғзаки ижодиёти тадқиқотчиларининг тинимсиз меҳнатлари туфайли ўзбек музикали ёзувларининг бир қатор тўпламлари эълон қилинди. Бу улкан ва бой музика тўпламлари орасида Алишер Навоий шеърларига басталанган асарлар анчагинадир. 40-йилларнинг охирларида музикашунос Илёс Акбаров томонидан Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов ва Шораҳим Шоумаров каби ҳофизлар репертуари асосида «Навоий ғазалларига музикалар» деб номланган тўплам нашр қилинди. Бундан ташқари, Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар ўзбек халқ-чолғу куйларининг қарийб ҳамма тўпламларига киритилиб, чоп этилди. Бунга музика меросимизнинг дурдоналари ҳисобланган «Муножот», «Ушшоқ», «Чоргоҳ», «Гулузорим» ва шу каби ўнлаб музика асарлари ёзилган ғазалларни мисол келтириш мумкин.

Алишер Навоий шеъриятининг ўзбек халқ музикаси билан алоқадорлиги, шоир ғазалларига янги-янги куйлар басталаш кейинги йилларда ҳам қизғин давом этиб келмоқда. Совет композиторлари бу анъанани кенг ривожлантирмоқдалар, уни янги маъно ва замонавий музика тили билан бойитмоқдалар.

Мутафаккир шоир достонларининг оммабоплиги ўзбек совет музикали театрини ташкил этишда муҳим роль ўйнаганлиги ҳеч кимга сир эмас. Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик опера ва балет театрининг бутун тарихи шоир ижоди билан чамбарчас боғлиқдир. Шоирнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонлари асосида яратилган опералар илк бор ана шу театр саҳнасида қўйилди. Дастлаб «Фарҳод ва Ширин» (1922), «Лайли ва Мажнун» (1925) сценарийлари музикали спектакль шаклида майдонга келди, уларга басталанган куйлар мақом ва бошқа чолғу оҳангларидан иборат бўлди. Ижро этиш давомида актёрлар томонидан халқ чолғу асбоблари жўрлигида намойиш қилинган бу оҳанглар, яъни спектакллар катта муваффақият қозонди. Бу муваффақиятлар эса уларнинг кейинги саҳна ҳаётини ҳам белгилади. Вақти келиб иккала достон музикали драма сифатида саҳнага қўйилди, сўнгра улар асосида опера асарлари вужудга келди. «Фарҳод ва Ширин» операсига В. Успенский ва Г. Мушель, «Лайли ва Мажнун» операсига Т. Содиқов ва Р. Глиэр музика ёздилар. Бу асарларнинг театр саҳнасида кенг шуҳрат қозонишига сабаб, биринчидан, томошабинларнинг саҳнада мангу ёш ва севимли халқ қаҳрамонларини кўриши бўлса, иккинчидан, композиторлар томонидан бу асарлар асосида кенг оммалашган музика меросимизнинг халққа етказилиши бўлди. Томошабинлар айниқса 1940 йил 18 июлда намойиш қилинган «Лайли ва Мажнун» операсини зўр ҳаяжон билан кутиб олдилар. Бу опера ҳозирги кунда ҳам театр репертуарини безаб, саҳнада вақтивақти билан кенг намойиш қилиб келинмоқда. Опера саҳнага қўйилган дастлабки йиллар катта шов-шув бўлишида унинг бош роли ижрочилари Ҳалима Носирова ва Карим Зокировнинг хизматлари каттадир.

50-йилларнинг охирида Алишер Навоийнинг шеъриятига боғлиқ бўлган яна бир ўзбек операси — «Дилором» пайдо бўлди. Уни «Сабъаи сайёр» достони асосида Мухтор Ашрафий саҳналаштирди. Композитор либретто муаллифлари К. Яшин ва М. Муҳамедов билан ҳамкорликда онгли равишда достоннинг бош ғояси — маърифатпарвар ва доно ҳукмрон тўғрисидаги фикрларни четлаб, санъатнинг сеҳрли кучини операнинг асоси қилиб белгилади. Асар сюжети қўшиқчи Дилором ва рассом Моний атрофидаги воқеалар билан чамбарчас боғланади. Улар — санъат кишилари — ўзларининг истеъдод ва илҳомбахш санъатлари билан кишиларга қувонч, ором бағишлайдилар. Операнинг ҳаракатлантирувчи кучи — уларнинг севгиси. Операнинг муваффақияти унинг поэтик асоси ҳамда постановкасининг ёрқинлигида бўлди.

Алишер Навоий шеърларига куй басталаш замонавий музика турларидан романс жанрида кўпроқ ривожланди. Ўзбек музика санъатида бу жанр ярим асрдан буён яшаб келаётган экан, композиторлар доимо Навоийнинг ўлмас шеъриятига, айниқса унинг ғазалларига мурожаат қилдилар. Ҳақиқатан ҳам республика композиторлари томонидан Шарқ классиклари — Фузулий, Ҳофиз, Машраб, Муқимий, Фурқат лирикасига басталанган чолғу асарлари орасида Алишер Навоий сўзлари билан ижро этиладиган романслар кўпчиликни ташкил этади. Бастакорларнинг улуғ шоир ижодига алоҳида қизиқишларига, аввало, шеъриятининг мазмундорлиги, бадиий юксак этик ва эстетик қиймати, мусиқавийлиги сабаб бўлмоқда. Хусусан, биз романсларда замонавий санъатнинг миллий музика меросимиз анъаналари билан чуқур боғланганлигини кўрамиз. Халқ томонидан куйланадиган бу ғазалларда — романсларда шоирнинг қалб кечинмалари, лирик ҳолатлари чуқур акс этади. Бу асарлар ўзининг бой ички кечинмалари билан ҳар бир шеър ва музика ихлосмандига янада қадрли бўлиб қолади. Бу борада улуғ рус танқидчиси В. Г. Белинскийнинг сўзларини эсга олиш ўринлидир: «Буюк шоир мен деганда, ўзи ҳақида, инсоният ҳақида гапираяди ёки унинг аслида инсоният яшайди». Бу ҳикматомуз сўзлар ҳақли равишда Алишер Навоий лирикасига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Ўзбек композиторларининг Навоий ғазалларига ёзган романслари миллий музика маданиятимизнинг энг гўзал саҳифаларини ташкил этади. Республикамизда бирорта композитор йўққи, ўз ижодида Навоий лирикасига мурожаат этмаган бўлсин. Бу гап, ўзбек совет композиторларининг ҳамма авлодига тегишлидир. Масалан, Т. Содиқов, М. Левиев, А. Козловский, Г. Мушель, Б. Гиенко, М. Бурҳонов, С. Юдаков, М. Ашрафий, Д. Зокиров, С. Бобоев, Ғ. Қодиров, И. Акбаров, М. Тожиев, ёш композиторлардан Н. Зокиров, Х. Раҳимов, Р. Абдуллаев, М. Бафоев ва бошқалар Алишер Навоий асарлари асосида эстрада концертларида ижро этиладиган ажойиб романслар яратдиларки, бу асарларсиз республикамиз музика санъатини тўлиқ тасаввур қилиш қийин.

Алишер Навоий ғазаллари ва мухаммаслари бастакорлар ва ҳофизлар, созандалар томонидан ижро этила бошланганидан буён беш юз йилдан кўпроқ вақт ўтди. Ҳозирга қадар шоир илгари сурган ғоялар, у яратган гўзал бадиий образлар, мураккаб сюжетлар халқ ва профессионал музикачилар учун абадий сўнмас илҳомбахш манба бўлиб қолмоқда.

Мусиқий навоийнома ҳали ниҳоясига етган эмас. Мутафаккир шоирнинг ижоди шундай бир туганмас хазинаки, олганинг билан, бамисоли қайнар булоқ сингари, ўзининг зилол сувини туҳфа этаверади. Биз Ўзбекистон композиторлари Алишер Навоий ижодини янада чуқурроқ ўрганиб, халқимиз қалбини тўлқинлантирадиган кўп ва хўб қўшиқлар яратаверишларини истаймиз.

Зарифа КАРИМОВА,
санъатшунослик кандидати

Вақтни сермазмун ўтказиш меҳнаткашларни бадиий-эстетик диди юксак, ижтимоий актив кишилар қилиб тарбиялашнинг бош омилларидан биридир. КПСС XXVII съезди материалларида, КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида турли ҳаваскорлик уюшмалари ва клубларини ташкил қилиш, уларнинг моддий-техника базасини кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланади.

Республикамизда бадиий ҳаваскорлик театри ўзининг ўрганса арзигулик тарихига эга. Ҳамза ва Маннон Уйғур ўзларининг дастлабки фаолиятларини ҳаваскорлик труппаларини тузиш билан бошлагани бунга мисол бўла олади. Маълумки, шонли Улуғ Октябрь революциясидан кейинги даврларда деҳқон уйлари ва Социалистик маданият уйларида ҳаваскорлик тўгараклари ва уюшмалари пайдо бўлган. Эллигинчи йилларда эса ҳаваскорлик театрининг юксак шакли — Халқ театрлари юзага келди ва улар меҳнаткашларнинг бадиий-эстетик дидини ўстириш, республикамизда театр санъатини тарғиб қилишда муҳим роль ўйнади.

Аммо шуниси ачинарлики, кейинги ўн йилликлар орасида ҳаваскорлик театрларида турғунлик ҳоллари ҳукм сурди. Кўпгина коллективлар ўз зиммасига юклатилган вазифаларни қоғоздагина қайд этишга ўрганиб қолдилар. Ўз касбини жон-дилидан севган махсус маълумотли кўп кадрлар Мана шундан бери бир йилдан кўпроқ вақт ўтаяпти ҳамки, Маданият уйи қурилишини давом эттириш ҳақида ҳеч ким ўйлаётгани йўқ.

Хева шаҳар Халқ театрининг аҳволи ҳам ночорликда Янгиқўрғон халқ театридан қолишмайди. Шаҳар Маданият уйи эллигинчи йилларда қурилган бинода жойлашган. Номигагина клуб деб аталадиган бино ичкариси ҳувиллайди. Қишда совуқлигидан у ерда машқ ўтказиш у ёқда турсин, томошабин ичкари киришга ботинолмайди.

Оҳангарон шаҳар Маданият уйи қошидаги Халқ театри эса бино йўқлигидан ўз машғулотларини ўрта мактабларда, билим юртлари биноларида ўтказиб келади.

Бухоро область Ғиждувон райони, Андижон область Халқ театрлари ҳақида ҳам ана шундай фикрларни айтиш мумкин.

Республикамизнинг ҳамма областларида ҳам бу борада аҳвол бир хил деб бўлмайди, албатта. Масалан, Хева районининг Фрунзе ва Огаҳий номли, Наманган районининг «Ленинград», Свердлов номли, Янгиқўрғон районининг «Мамай», Чортоқ районининг «Октябрь», «Москва» колхоз ва совхозлари қишлоқ Маданият уйларидаги қулайликлар кишининг ҳавасини келтиради. Аммо минг афсуски, ана шундай данғиллама биноларга эга бўлган Халқ театри коллективлари амалда ҳеч қандай фаолият кўрсатмай келаётирлар.

Тошкент Давлат Маданият институти Халқ ҳаваскорлик театрини ташкил қилувчи

нинг ҳафсаласизлиги, театр коллективини зарур пайтда қўллаб-қувватламаганлиги унинг мавқеига путур етказди. Зудлик билан чора-тадбирлар кўрилмас экан, Наманган область Маданият уйи болалар қўғирчоқ Халқ театрлари коллективларида ҳам ана шундай ҳол юз бериши турган гап.

Маълумки, ҳаваскорлик Халқ театри коллективи ВЦСПС ва СССР Маданият министрлигининг 1978 йил 15 сентябрда қабул қилган «Ҳаваскорлик Халқ театри коллективлари ҳақида Низом»ига мувофиқ ишни ўз-ўзини иқтисодий таъминлаш ва бошқариш асосида олиб боришлари керак. Яъни Халқ театри коллективи номини олган ҳаваскорлик уюшмаси бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузиб, уларга пуллик томошалар кўрсатади. Тушган маблағнинг бир қисми коллектив учун зарур инвентар ва кийимлар сотиб олиш, ҳаваскорлик санъатини янада ривожлантиришга сарфланади. Минг афсуски, ҳаваскорлик театри санъатини ривожлантиришнинг ушбу энг муҳим талабини жойлардаги молия бўлими ходимларининг тушунмасликлари оқибатида амалга ошириш мумкин бўлмаяпти. Масалан, Янгиқўрғон Халқ театри РайПО ва Механизмлашган кўчма колонна идоралари билан маданий хизмат кўрсатиш борасида коллектив шартнома тузган эди. Бу шартномага мувофиқ ҳаваскорлик театри спектакль ва дам олиш кечалари уюштириши, идоралар эса СССР Маданият министрлиги ва СССР Молия министрлиги тасдиқлаган махсус

МУАММОЛАР, ИМКОНИЯТЛАР...

Қайта қуриш

бошқа соҳаларга ўтиб кетишга мажбур бўлдилар. Хева, Самарқанд, Андижон, Қўқон шаҳарлари Халқ театрларида ана шундай ҳоллар юз берди. Ҳозирги пайтда партия ва ҳукуматимиз ҳаваскорлик санъатини, шу жумладан, ҳаваскорлик театрини ҳам ривожлантиришга катта эътибор бераётган бўлишига қарамай, ижобий силжишлар билан бир қаторда жиддий муаммолар ҳам юзага келди.

Наманган область Янгиқўрғон Халқ театрининг ўн тўққиз нафар аъзоси бор. Ўтган йили улар Н. Сафаровнинг «Лукаш ботир», Уйғуннинг «Тенг тенги билан», Ч. Айтматовнинг «Биринчи ўқитувчи» асарларини саҳналаштирдилар. Шу билан бирга коллектив тез-тез интермедия ва инсценировкаларга ҳам мурожаат қилиб турибди.

— Халқ театрининг фаолияти узоқ жимликдан кейин қайта жонланаяпти, — дейди район маданият уйининг директори С. Абдуллаев. — Аммо коллективимиз ҳалигача ўз саҳнасига, ҳатто дурустроқ машқ ўтказиш хонасига ҳам эга эмас. Халқ театри ўз-ўзини таъминлаш асосида ишлашига қарамай, идораларимиз кўрсатилган томошалар учун бераётган маблағни район молия бўлими театр ҳисобига ўтказишга рухсат бермай келмоқда. Натижада театр аъзолари ҳамма нарсани ўз маошига сотиб олишга мажбур бўлмоқдалар. Шунингдек, бизга юборилаётган асарлар ҳам кишиларимизнинг дидига тўғри келмаяпти.

Ўтган йили район маданият уйи ҳаваскорлари учун 680 ўринли янги бино қурилиши бошланганини кўриб кўпчилик хурсанд бўлишганди. Аммо бу хурсандчилик узоққа чўзилмади. Орадан икки ой ўтар-ўтмас бу бино қурилиши умуман тўхтатиб қўйилди.

махсус кадрлар тайёрлаб чиқармоқда. Аммо уларга зарур имкониятлар яратиб бериш ва ўз соҳаси бўйича ишлашини таъминлашга жойларда аҳамият берилмай келинмоқда.

— Мен Маданият институтининг «Ҳаваскорлик театри коллективлари раҳбарлари» бўлимини тамомлаганман, — дейди Андижон область, Охунбобоев номли театрнинг актёри Х. Юнусов. — Область Маданият бошқармасига ўз касбим бўйича иш билан таъминлашларини сўраб бордим. Аммо улар менга қайрилиб ҳам қарашмади. Оқибатда область театрига актёр бўлиб ишга жойлашишга мажбур бўлдим.

Хуллас, республикамизнинг қайси бурчагига бормайлик, Халқ ҳаваскорлик театрларининг иши ана шундай ўлда-жўлда эканлигини кўрдик. Махсус маълумотли кадрлар тақдири билан ҳеч ким қизиқмайди. Маданий-оқартув ишлари бўйича махсус маълумотли Ш. Жабборов Чортоқдаги 22-мактабда пионервожатий, Қ. Бердиев Қашқадарё область театрида актёр... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Кадрларни жой-жойига қўйиш, уларга нисбатан эътибор ва талабчанлик бор жойда ижобий силжишлар юзага келади. Қаерда қизиқиш ва жавобгарлик ҳисси кам бўлса, маданий-тарбиявий ишлар фақат қоғоздагина бўлади, ҳатто иқтидорли ва серғайрат ёшлардан ташкил топган ҳаваскорлик коллективлари ҳам тарқаб кетади. Масалан, худди шундай ҳол Қўқон Халқ театрида юз берди. Ушбу Халқ театри коллективи бир пайтлар Ҳамза ва бошқа драматурглар асарларини саҳналаштириб, меҳнаткашларда зўр қизиқиш уйғотган эди. Аммо кейинги пайтларда шу ишга масъул айрим шахслар-

тариф асосида театр ҳисобига пул ўтказиши зарур эди. Ҳаваскорлик коллективи ўз зиммасига олган мажбуриятни бажаргач, идоралар келишилган маблағни ажратиб беришди. Бироқ бу пулларни театр ҳисобига ўтказишга молия бўлими қарши чиқди, «мумкин эмас», «қонунга хилоф», деб туриб олишди. Улар ҳатто КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан ҳам хулоса чиқариб олишмаяпти. Худди мана шундай ўжарлик туфайли «Ирригатор» пионер лагери ўтказиши лозим бўлган минг сўм пул ҳам, мана, уч йилдирки, ораликда қолиб келмоқда.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтишга тўғри келади. Бундан йигирма йил олдин қабул қилинган махсус ҳужжатда Халқ театри кўядиган спектакль ва томошаларга сотиладиган билетлар баҳоси 20 тийин қилиб белгиланган, битта томошага 300 томошабин кирса, бор-йўғи 60 сўмга билет сотилар эди. Агар ҳаваскорлик коллективи бир ойда иккита (ундан ортиқ кўя олмайди) спектакль намойиш қилса, 120 сўм тўплар экан, холос. Хўш, бу топилган пуллар сарфланган харажатни қоплайдими? Мазкур соҳадан озгина хабардор бўлган ҳар бир киши яхши биладики, бу аҳволда театр ишини олға юргизиш мушкул. Бизнинг фикримизча, Халқ театрлари билетларининг баҳосини 40—50 тийин қилиб белгилаш пайти келди. Ишлаб чиқариш коллективларида маданий-тарбиявий ишлар кенг йўлга қўйилаётганлиги ҳамда касаба союз ташкилотларининг бу ишга ажратаётган маблағларининг миқдори ошиб бораётганлиги шундай қилиш имконини



Суратда: Тошкент Тўқимачилик комбинатининг илғор ишчиси Машҳура Ҳожиаҳмедова. **Р. Нуритдинов фотоси**

беради. Профессионал театрларга сотилаётган билетлар бир ярим-икки сўм бўлганда, нега ҳаваскорлик коллективлари билетларининг баҳоси бунчалик паст бўлиши керак? Янгиқўрғон Халқ театрида, масалан, Ч. Айтматовнинг «Биринчи ўқитувчи» ва О. Генрининг «Ишбилармон кишилар» асарлари асосида қўйилган спектакллар қаҳрамонлар характерининг очилиши, бадиий юксак, ҳаяжонли образларнинг яратилиши нуқтаи-назаридан профессионал театрлар намойиш этадиган спектакллардан қолишмайди. Шунинг учун ҳам бу асарлар район меҳнаткашларига қайта-қайта намойиш этилди. Шундай экан, ўртага ташлаётган фикр-мулоҳазаларимиз, таклифларимизни Ўзбекистон ССР Маданият министрлигидаги мутасадди ўртоқлар ўйлаб кўриб, тадбирлар белгилашлари керак.

Ҳар бир ижодий коллективнинг қиёфаси энг аввало унинг репертуарида, қўяётган асарларида акс этади. Бу қоида ҳаваскорлик ижодий коллективларига ҳам тааллуқлидир. Ҳаваскорлик коллективларининг репертуарларини тасдиқлаш ва зарур асарлар билан таъминлаш, халқ ижоди ва маданий-оқартув ишлари билан республика Илмий-методик маркази шуғулланиши керак эди. Аммо амалда бунинг акси бўлаётир. Бу ташкилот ҳаваскорлик театр санъатини янги поғонага кўтариш учун бирорта ибратли ташаббус билан ҳали чиққани йўқ. Марказ ходимлари маданий-оқартув ишлари ва халқ оғзаки ижодини ривожлантириш учун зарур социал-педагогик тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказиб, уларнинг энг таъсирчанларини танлаб олиб, кенг оммалаштириш ўрнига областлардаги бўлимларига турли кўрсатмалар, буйруқлар юборишдан нарига ўтолмаяпти. Масалан, ўтган уч йил мобайнида у Наманган областидаги ҳаваскорлик коллективлари учун атиги икки китобчани (Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти чоп этган «Санъат — саодатим» ва «Ёшлик чорлайди» тўпламларини) юборган холос...

— Биз, — дейди район Маданият уйининг директори С. Абдуллаев, — республика Илмий-методик марказидан ҳам, унинг бўлимларидан ҳам ҳеч қандай ёрдам ололганимиз йўқ. Баъзида улар юборган методик тавсиялар, спектакллар аҳоли қизиқишларига мос келмайди, реал ҳаётдан узоқ бўлади.

Область Маданият уйи қошидаги болалар қўғирчоқ Халқ театри бадиий раҳбари В. Арапов ҳам худди шу фикрни билдирди.

Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди Наманган областида рўй берган диний оғишларни қаттиқ танқид қилиб, барча тарбиявий ва маърифий ишларни эскилик сарқитларига қарши кескин курашга сафарбар этишни вазифа қилиб қўйган эди. Бироқ Илмий-методик марказ ҳаваскорлик театрларига ҳалигача атеистик мавзуда бирорта ҳам сценарий ёки методик тавсия юбормаган.

Худди шунингдек, Илмий-методик марказ тавсия қилган ва тасдиқлаган спектакллар ичида ичкиликбозлик оқибатларини кескин фош қилувчи асарлар ҳам йўқ. Аҳвол шу тарзда кетаверса, ҳаваскорлик театрини ривожлантириш ҳақида гап бўлиши мумкинми? Икки юздан зиёд махсус кадрларга эга бўлган республика Илмий-методик маркази фаолияти нега назорат қилинмайди? Давлатнинг бу штатларга тўлаётган қанчаданқанча маблағи ҳавога совурилаётганига нега ҳеч кимнинг жони ачимайди?!

Илмий-методик марказнинг ҳаваскорлик коллективлари учун спектакллар, сценарийлар ва қўлланмалар яратиш имкониятлари катта. Масалан, улар ана шундай асарларни тўплаш учун давлат томонидан ажратилган махсус маблағларга эгадирлар. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил 28 мартда чиқарилган «Бадиий ҳаваскорлик ижодиётини янада яхшилаш тўғрисида» ва ўтган йилги «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида» деб номланган қарорларида бадиий ҳаваскорлик соҳасини ривожлантириш учун ижодий зиёлиларни замонавий асарлар яратиш, маданий-оталиқ ишларига кенг жалб қилиш лозимлиги қайта-қайта таъкидланди. Нега энди шу имкониятлардан фойдаланилмаяпти? Шундай қилинганда, биринчидан, ижодий зиёлилар билан ҳаваскорлик театрлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган, иккинчидан, ҳаваскорлик театрлари конкрет ҳаётдан олинган замонавий асарларни меҳнаткашларга тақдим қилиш орқали ўзининг бош вазифаси — кишиларнинг бўш вақти сермазмун ўтишини уюштиришга, уларни ижтимоий актив гражданлар қилиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшган бўлур эди.

Кейинги пайтларда профессионал театрлар ҳаётини қайта қуриш борасида янги қарорлар қабул қилиниб, кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Ҳаваскорлик Халқ театрлари ҳам ана шундай сифат ўзгаришларни кутмоқда. Чунки профессионал санъат билан ҳаваскорлик санъати бир-бирига узвий боғлиқ. Ҳаваскорлик ҳар доим профессионал санъатнинг илк поғонаси, бўлғуси санъат усталари учун ўзига хос ижод ва тажриба мактаби бўлган. Мамлакатимизга номлари яхши таниш бўлган Сора Эшонтўраева, Раззоқ Ҳамроев, ҳатто К. С. Станиславский, К. Лавров, В. С. Розовларнинг ҳам катта санъат даргоҳига ҳаваскорлик ижодиёти орқали кириб келганини эсласак, ҳаваскорлик театрларининг роли қанчалик катта эканлигини англаймиз. Ишонч билан айтиш мумкинки, ҳаваскорлик, Халқ театрлари профессионал санъатнинг бугуни ва келажагидир. Демак, ҳаваскорлик театрларининг ишини ривожлантириш ўз навбатида республикамиз театр санъатининг келажаги ҳақида ҳам қайғуриш демакдир. Шунинг учун ҳам ҳаваскорлик театрларига етарли эътибор бериш, уларнинг ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш зарур.

Аҳмаджон РЎЗМЕТОВ,
Тошкент Давлат маданият институтининг доценти,
Виктор АЛИМАСОВ,
шу институтнинг Наманган область филиали ўқитувчиси

ЯШАШДАН МАҚСАД



Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Озарбойжон ССР Фанлар академиясининг академиги Зиё БУНИЯТОВ билан суҳбат

— Муҳтарам Зиё Мусаевич, республикамиз китобхонлари Сизнинг ижодингизни қизиқиш билан кузатиб келадилар. Китобларингиздан бирини ўзбек халқининг шонли фарзанди — генерал Собир Раҳимовнинг порлоқ хотирасига бағишлаганингизни ҳамиша эҳтиром билан эслаймиз. Ўзбекистонлик ўқувчиларингизга бу йил Москвада нашр қилинган «Хоразмшоҳ-ануштегинийлар давлати» монографиянгиз ҳам маъқул тушди. Сизнинг эндиги илмий режаларингиз ҳам бизни қизиқтиради.

— Идеология — ҳамиша кун тартибида турган биринчи даражали масаладир. Тарихчи, қайси даврни ўрганаётганидан қатъи назар, унинг тадқиқотлари руҳан, моҳиятан бугуннинг маънавий эҳтиёжи билан боғланиши керак. Мен тарихчи олим сифатида ҳозирги замоннинг мафкуравий курашидан четда тура олишим мумкинми? Йўқ, асло. Яқинда, биз бир гуруҳ совет олимлари Туркияда, илмий анжуманда иштирок этдик. Аммо унда ватан хоини Б. Ҳайит каби баъзи совет воқелигини бузиб кўрсатувчи туҳматчиларнинг чиқиши бизни қаттиқ ғазаблантирди. Бу кимсалар ҳанузгача босмачиликни миллий озодлик ҳаракати сифатида талқин қилишга беҳуда уринмоқдалар. Ғирромқитмирлигини кўрингки, улар босмачилик ҳаракатининг 60 йиллигини нишонлашга уринмоқдалар; то шу пайтгача қайсидир ковакларда биқиниб ётган босмачиларни топиб, туҳмат минбарига айланган буржуазия матбуотида уларнинг суҳбатларини уюштирмоқдалар. Ғоявий мухолифларимиз шу даражада сувни лойқалатишга интилмоқдаларки, ҳатто АҚШ томонидан қўллаб-қувватланаётган ва Афғонистон Демократик Республикасига қарши қаратилган аксилинқилобий душманлар ҳаракатини босмачилик ҳаракати билан боғлашга ахд қилмоқдалар. Биз, совет делегацияси аъзолари тарихни, ҳаёт ҳақиқатини сохталаштирувчи бундай алжирашлар туб моҳиятини, мафкуравий мухолифларимизнинг жирканч ниятини анжуман аҳли кўз ўнгида далиллар билан кескин фош этдик. Хуллас, мафкуравий кураш жабҳасида жанговар позицияда собит бўлишимиз жуда зарур, бу — давр талаби.

— Тарих қатларидаги илмий мерос сирларини очиш бугунги кун тартибида турган баъзи масалаларни ҳал этишга имкон бериши мумкин. Шу масалани изоҳлаб берсангиз.

— Фан халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик воситаларидан ҳам ҳисобланади. Масалан, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек каби улуғ олимларнинг кашфиётларидан бутун жаҳон халқлари баҳраманд бўлиб келмоқдалар. Тарих қатларида биз ўз турмушимизда фойдаланишимиз мумкин бўлган ҳикматлар кўп. Чунончи, ўрта асрларда геодезия ривож топган эди, унинг кўпгина йўриқларини бугун ҳам қўллаш жоиз. Ўрта аср зилзилашунослиги ёки жарроҳлиги тўғрисида сўз кетганда ҳам шу фикрни такрорласа бўлади... Архивлардан халқаро муносабатларга оид — ҳозиргача илмий тасарруфга киритилмаган кўпгина ҳужжатларни топиш мумкин. Авваллги гал Туркияда бўлганимда, бой архивлардан бирида Емельян Пугачев қўзғолонига тааллуқли ноёб ҳужжатларни кўрдим. Бундан ташқари, Иван Грозний давридан бошлаб Туркияга борган 68 рус элчисининг номини, улар сафари билан боғлиқ номаларни аниқладим. Демак, бу ҳужжатлар тадқиқи асосида Россия билан Туркия ўртасидаги 400 йилдан кўпроқ муддатни қамраб оладиган ўзаро муносабатларнинг аҳамияти тўғрисида сўзлаш мумкин. Дарвоқе, халқаро муносабатлар тарихини ўрганганда, икки мамлакат архивларидаги ҳужжатларни ҳам чуқур ўрганиш керак, акс ҳолда, тадқиқот бир томонлама бўлиб қолади.

— Ўрта аср қўлёзмаларида Ўрта Осиё маданиятига оид жуда кўп манбалар билан танишгансиз. Уларнинг баъзилари ҳақида гапириб берсангиз.

— Барча китобларимда бу ҳақда батафсил тўхталганман... Уларни такрорлаш кўп вақтни олган бўлар эди. Шунинг учун Бухоро шаънида айрим мулоҳазаларимни баён қилиш билан кифоялансам. Бухоро ўз даврида, маданиятнинг камолоти нуқтаи назаридан Бағдод билан рақобат қилар, ҳатто баъзи жиҳатлари билан устун турган. Бухоро — ноёб ҳодиса. Бу шаҳарнинг тарихини муносиб тарзда ёзиш сиз билан бизнинг бурчимиз. Қопу Саройда Бухоро муҳри босилган жуда кўп китобларни кўрдим. Бухорий нисбали машҳур кишилар рўйхатини қилсангиз, мингдан кўп чиқса керак. Қадимий Бухорода халқ кутубхоналари мавжуд бўлган. Бундай дейишимнинг боиси шундаки, Дамашқда Бухоро халқ кутубхонаси муҳри босилган китобларни учратдим... Республикангиз мутахассислари жаҳон бўйлаб кезишлари, халқингизнинг сочилиб ётган хазиналарини қидириб топиб ўрганишлари лозим.

— Ҳозир қандай илмий юмушлар билан бандсиз?

— Ан-Насавийнинг сизларга маълум — бундан бир неча йиллар аввал Бокуда, менинг таржимамда нашр этилган Жалолиддин Менкбурни тақдири мисолида хоразмшоҳлар давлати, мўғул истилоси ва Ўрта Осиё халқларининг Чингиз босқинчиларига қарши кураши ҳақида ҳикоя қилувчи солномасини танқидий матни билан биргаликда қайта нашрга тайёрладим. «Қози Бурҳониддин давлати» деган монография устида иш бошлаганман. Республикангиз матбуоти билан ҳам илмий мулоқотда бўлиш ниятим бор.

Сўзимнинг ниҳоясида шуни таъкидлашни истардимки, биз ҳаммамиз, қандай касбни, хизмат вазифасини бажаришимиздан қатъи назар, тинчлик ишига бирдек масъулмиз. Коммунистик партиямиз сабот билан олиб бораётган тинчлик сиёсатини чин юракдан қўллаб-қувватлаймиз. Тинчлик барқарор бўлса, ҳаёт барқ уради, маданият гуллаб-яшнайди. Бугунги кунда тинчлик учун кураш ҳаёт шарафи учун кураш демакдир.

Суҳбатни М. ҚЎШМОҚОВ ёзиб олди

«Гулистон» гурунги

ИНСОНИЯТНИНГ ЭЗГУ НИЯТИ

Раҳим БЕКЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси

ИНСОНИЯТ ғоят масъулиятли даврни бошидан кечираяпти. Бугун тинчлик учун кураш ҳар қачонгидан кўра муҳим ва зарур аҳамият касб этмоқда. Совет давлати ўзининг ташқи сиёсатида ленинча адолат ғояларига содиқ қолиб, тинчлик учун курашда собитқадамлик кўрсатмоқда. Бу принцип 1986 йили 11—12 октябрда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг АҚШ президенти Р. Рейган билан Рейкьявикда бўлиб ўтган учрашувида ҳам ёрқин намойиш этилди. Бизнинг ҳукуматимиз учрашувга ядро қуролларини кескин қисқартириш ва ядровий портлатувларни тўхтатиш юзасидан аниқ таклифлар билан борди. Аммо АҚШ томони, унинг президенти буни истамаётганлигини кўрсатди. Демак, АҚШ маъмурияти «стратегик мудофаа ташаббуси» (СОИ)дан ҳамон воз кечолмаяпти. Лекин халқлар, биринчи навбатда, давлатларнинг бошлиқлари ҳозирги вақт имкониятларини ғанимат билишлари керак.

Биз яшаётган замон фан ва техника зўр бериб тараққий этаётган, бу соҳаларда кун сайин янгидан-янги ютуқларга эришилаётган даврдир. Атом энергияси инсоният заковатининг энг буюк кашфиётидир. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш йўлида курашаётган бир пайтда капиталистик мамлакатларнинг империалистлари атом энергиясидан қирғин қуроллари яратиш ва шу йўл билан бошқа халқлар устидан ўз тазйиқини ўтказиш мақсадида фойдаланмоқчи бўлмоқдалар.

Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишнинг имкониятлари бениҳоя каттадир. Ҳозирги вақтда инсоният атом энергиясидан фойдаланиш борасида дастлабки қадамнигина қўйди холос.

Совет олимлари ва инженерларининг саботли меҳнатлари туфайли атом энергияси асосида ишлайдиган электр станцияси дунёда биринчи марта бизнинг мамлакатимизда қурилди ва 1954 йилда ишга туширилди. Бу совет фани ва техникасининг улкан ютуғи эди.

Урушдан кейинги йиллардаёқ АҚШ маъмурияти Совет Иттифоқидан ҳарбий устунликка эришмоқ йўлига ўтди, ядровий қуролланишнинг хавфли пойгасини бошлаб берди. Эндиликда Оқ уй дунёни тўғридан-тўғри ядровий ҳалокат хавфи остига келтириб қўйди.

1945 йил биринчи июнда ўша вақтдаги АҚШ президенти Трумэн томонидан тайинланган муваққат комитет атом бомбасини ҳеч бир огоҳлантиришсиз бирданига япон шаҳарларига ташлаш ҳақида буйруқ берди. «Бусиз ҳам урушни ғалаба билан якунлаш мумкин эди», деб таъкидлаган эди буюк олим

Фан — халқ хизматида

Альберт Эйнштейн 1946 йилдаёқ. У ўшанда давлат департаментига атом бомбасини ҳимоясиз аёл ва болаларга қарши ишлатишга қаршилик кўрсатган буюк физикларнинг ҳаракатини қатъий эслатган эди.

Эйнштейн, урушдан кейин жуда тез вужудга келган халқаро кескинликка Америка Қўшма Штатларининг катта жавобгарлиги бор, деб бир неча бор таъкидлади. У ҳаётининг охиригача тинчлик учун, қуролланиш пойгасига қарши курашди. Худди шу мақсадда у Бертран Рассел билан биргаликда тайёрлаган манифестга 1955 йил 11 апрелда имзо чекди. У ўша йили 18 апрелда вафот этди. «Совуқ урушнинг» энг қизиган даврида эълон қилинган Эйнштейн — Рассел чақириғи бутун дунё олимларини бирлашган ҳолда ялпи қирғин қуролининг яратилиши билан боғлиқ бўлган хавфни баҳолашга, сиёсий қарашлардаги фарқни чеклаб ўтишга ва ер юзида ҳаётни сақлаб қолишга даъват этган эди.

«...Бизнинг ўзимиз кирган группанинг урушдан енгиб чиқиши учун нима қилишимиз кераклигини аниқлаш зарур эмас, чунки бундан кейин гап бу ҳақда кетмайди, — дейилган эди манифестда. — Биз ўзимиздан тўқнашувнинг олдини олиш учун нима қилишимиз мумкин, деб сўрашимиз зарур. Чунки бундай тўқнашувнинг оқибати унда қатнашувчи барча томонлар учун ҳалокатли тарзда бўлади... Ёки биз инсон зотини ўлимга маҳкум этамиз ёки инсоният урушдан воз кечади. Гап шу ҳақда кетаётирки, урушни йўқ қилиш зарур. Бунинг учун тўқнашувларни тинч йўл билан ҳал қилишга келишиш керак бўлади, урушни йўқ қилиш учун биринчи қадам сифатида қуролларни қисқартиш ва ядровий қуролдан воз кечиш талаб қилинади».

Ана шу гапларнинг айтилганига қирқ йил бўлди. Лекин Америка империалистларининг қора ниятлари ҳалигача ўзгаргани йўқ. Ерга яқин орбитадаги нишонларни йўқ қилишга мўлжалланган ер йўлдошларига қарши системанинг биринчи синови бўлиб ўтди. Яқин орада махсус учириладиган ер йўлдошлари янги қурол учун нишон вазифасини ўтайдилар. Сайёрамизни «орбитал крейсерларнинг» пўлат ҳалқалари билан ўраб олиш, улар ёрдамида космосдаги ва Ердаги барча жонли ҳамда жонсиз мавжудотни нишонга олиш — космик фазони милитаризациялашга қаратилган АҚШ программасининг моҳиятини ташкил этади. Бу система эса, буни амалга оширишдаги бир босқичдир. Гарчи, система энди ишлаб чиқилаётган бўлса-да, у ҳозирнинг ўзидаёқ Пентагон режалаштираётган «самовий уруш» сценарияларидан махсус ўрин олди. Аниқроғи шундай: икки юзта ракета ўрнатилган юзта «F—15» самолёти булутлардан юқорига кўтарилади. Сўнгра йўлдошларни ва Ер атрофидаги бошқа объектларни ўққа тутадилар. Омон қолганларини эса Америка космик станцияларининг кучли лазер нурлари уриб туширадилар. АҚШ томон учиришга улгурган баллистик ракеталар ҳам орбитал «ушлаб олувчилар» чангалига тушиши керак. Пентагоннинг эндиги нияти шундай.

Космик жангларнинг юқоридагига ўхшаш баёнлари яқин давргача фақат АҚШ мудофаа министрлигидаги энг қизиққон ходимларнинг миясини чулғаган эди. Эндиликда эса бу ҳақда президент Рейган ҳам гапирабошлади. «Чекланган», «сурункали», «ғолибона» ва бошқа кўринишдаги ядровий урушлар ҳақида гапиришдан мақсад рўёбга чиқмайдиган ҳарбий устунликка эришишни хаёл қилишдир. Техникавий тараққиётнинг энг сўнгги ютуқларини сафарбар қилган ҳолда Америка империализми ҳозирда дунё фанининг лабораторияси ролини ўйнаётган космосни социализм мамлакатлари билан курашиш майдонига айлантириш ҳаракатидадир. У узоқ ҳавосиз фазода жойлашти-



Суратда: Фарғона область, Фрунзе районидаги Карл Маркс номли колхоз трактор паркида. Механизатор Одимжон Эриазаров, колхоз касаба союз комитетининг раиси Эргаш Аҳмедов, бош инженер Акромали Худойбердиев ремонт қилинган машиналарни кўздан кечирмоқдалар.
В. Мосин фотоси

ришга мўлжалланган махсус кучларни яратишга тайёргарлик кўрмоқда.

АҚШ маъмурияти ракеталарга қарши мудофаанинг космик системаси ҳақида кўпириб гапирмоқда. Ҳар галгидек, бу сафар ҳам у ақлга тўғри келмайдиган хавфли ниятни «совет ҳарбий хавфи» билан тушунтиришга ҳаракат қилмоқда. Бу борадаги лойиҳаларни ишлаб чиқишга эса аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш бўйича миллий бошқарманинг бир группа мутахассислари жалб қилинган.

АҚШда лазер нури билан отишга мўлжалланган қурилмаларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошланди. Мутахассисларнинг фикрича, уларни амалга ошириш учун камида 50—60 миллиард доллар сарф қилиш керак. Калифорнияда эса протон, электрон, нейтрон оқимларидан фойдаланадиган «дастали» қуролнинг тажриба нусхаларини синаш ишлари олиб борилмоқда. Бу программанинг ҳам неча ўн миллиардларга қимматга тушиши табиий.

«Вашингтон пост» газетасининг гувоҳлик беришича, Америка ҳукумати, агар АҚШ космосда устунликка эришсагина ердан ташқаридаги фазода тинчлик барқарор бўлади, деб фикр қилаётир. Мақсад эса битта — ҳарбий нисбатни ўзининг фойдасига ўзгартириб, дунё миқёсида устунликка эришишдир. Бу ўтакетган хомхаёлликдир.

Совет Иттифоқи бугунги қалтис вазиятни ҳисобга олиб, тинчлик учун қатъият билан курашмоқда. Бизнинг мақсадимиз моҳияти ўртоқ М. С. Горбачевнинг Рейкьявикдаги матбуот конференциясида, Совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқларида очиқ баён этилди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, Рейган маъмуриятининг «космик қалқон» программаси ракета қуролига қарши мудофаа (ПРО) системаларини чегаралаш ҳақидаги 1972 йилда имзоланган Совет-Америка шартномасига ҳам мутлақо мос келмайди. Бу ҳужжатлар ҳар икки томон денгизда, ҳавода, космик фазода ёки ер остида жойлашадиган ва ҳаракатда бўладиган ПРО системаларини ёки унинг қисмларини яратмаслик, синаб кўрмаслик ҳақида мажбурият олган эдилар. Мазкур шартномани АҚШ томони бугун тўғри тан олмаётганлиги ҳам таажжублидир.

АСАТ системасидаги қурилланишга интилиш синови фақат Қўшма Штатлардагина эмас, балки ундан ташқарида ҳам ғазаб уйғотди. «Вашингтон дунёни қуролланиш пойгасини космосга олиб чиқиш хавфи чегарасига келтириб қўйди», деб таъкидланади америкалик олимлар федерациясининг баёнотида. «Бундай пойга АҚШга ўзининг хавфсизлигини гумон қилиб қўяди ва ядровий урушнинг мумкинлигини янада кучайтиради», — деб уқтиради америкалик фан арбобларининг иккинчи бир ташкилоти бўлган Ташвишланаётган олимлар уюшмаси. Космосда устунликка эришмоқ учун АҚШ ҳукумати ракетага қарши системаларни синаб кўриш ва уни учириш устидан мораторий ўрнатиш ҳақидаги СССР таклифини ҳам рад этди.

Шундай қилиб, кимлargадир «осмондан пуллар», заминдаги кўпчилик аҳолига эса, ажал хавфи туғилмоқда. Ана шунинг учун сайёрамизда яшаётган барча халқлар Совет Иттифоқининг тинчликсеварлик таклифларини қизғин қувватламоқдалар. Фақат бизнинг мамлакатимизгина орбитага биринчи бўлиб ҳар қандай кўринишдаги ракетага қарши қуролни чиқармаслик мажбуриятини олди. БМТнинг юксак минбаридан туриб, биз космик фазода ва космик фазодан Ерга нисбатан қурол ишлатмаслик ҳақида битим тузишни таклиф қилдик.

Ҳа, инсоният олдида бугун ўз тақдирини қандай ҳал қилиш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Улуғ мамлакатларнинг раҳбарлари ақл-заковат билан иш юритиб, мавжуд сиёсий ва идеологик ихтилофларни ядровий урушларсиз — шахсий учрашувлар, музокаралар, ўзаро келишув орқали ҳал этишлари зарурдир.

Инсониятнинг эзгу нияти шундай. Илмий-техник тараққиётнинг ҳозирги даражасидаги улкан кашфиётлар космик фазони тинчлик ва ривожланиш мақсадларида ўзлаштиришга хизмат қилиши лозим. Совет ҳукумати ядровий космик даврда ҳар бир давлатнинг хавфсизлиги ва омон қолиши, умуман, халқаро хавфсизликни таъминлаш масаласи ҳарбий техникавий ечимлар орқали эмас, қурол-аслаҳа омборларини кўпайтириш ва такомиллаштириш орқали эмас, балки фақат уларни муттасил равишда қисқартириш, ялпи қирғин қуролларини бутунлай йўқ қилиб ташлаш орқали ҳал қилиниши мумкин, деган ҳаққоний принципда қатъий турибди.

Дарҳақиқат, дунё халқларининг эзгу орзуси — бу тинчлик, урушларсиз осойишта яшашдир.



Йўқолсин хурофот!



КУФ-СУФДАН КЕЛГАН БОЙЛИК.

В. Думкин чизган плакатлар.

„ГУЛИСТОН“ ГАЛЕРЕЯСИ

ИЖОД МАШАҚҚАТЛАРИ

Баҳор. Гул фасли. Майин қуй тараламоқда. Мажнунтол япроқлари оромбахш шабада эпкинида оҳиста шивирлаётгандай. Фаввора атрофидаги атиргуллар анвойи ҳид таратиб, чамандек очилиб ётибди. Боғдаги шийпонда ижодкор ёшларнинг қизғин мушораси давом этмоқда... Бу манзара рассом Темур Саъдуллаевнинг «Наврўзда қизлар базми» деб номланган асарида ўз аксини топган. Эндиликда кўпчилик санъат шайдоларининг меҳрини қозонган таниқли мусаввир Темур Саъдуллаевнинг бундай гўзал ишланган асарлари талайгина.

Рассомнинг адабий-бадиий асарларда, «Гулистон», «Шарқ юлдузи», «Ёшлик», «Гулхан» ва бошқа журналлар саҳифаларида ёритиб келинаётган ишлари билан танишар эканмиз, республикамизнинг ям-яшил қир-адирлари, серҳосил боғ-роғлар, лўппилўппи бўлиб очилган кенг «оқ олтин» майдонлари, маҳобатли тоғлар, дарёлар кўринишлари, ишчи ва бободеҳқонларнинг образлари, шунингдек, ўзбек халқининг олис ўтмиш ҳаёти кўз олдимизда жонланади.

Рассом ижодида айниқса она-Ватанимиз муносиб кишиларининг ички дунёси ҳаққоний очиб бериладиган портретлари алоҳида ўрин эгаллайди.


Рассомнинг халқимиз тарихи саҳифаларидан ҳикоя қилувчи асарларидан бири Шарқ миниатюра жанрида яратилган «Ов» асари ҳисобланади. Бу полотнода ов жараёни зўр маҳорат билан чизилган. Олтин рангдаги осмон билан узвий боғланиб кетадиган қиррали тоғ ёнбағирлари зангори, малла ва пушти рангдаги арча ва буталар билан қопланган. Ўқ-ёйлар билан қуролланган бир неча сайёднинг ўз тулпорларида кийик ортидан қувиб бораётиб, жониворга камонлардан ўқ узмоққа шайланаётган ҳолати бадиий таъсирли чиққан.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий сиймоси, ижоди қайси қалам соҳибини ўйлантирмаган, кимларга завқ-шавқ бағишламаган дейсиз? Темур Саъдуллаев бу улуғ шоир мавзуига ёндашар экан, ўз салафларидан фарқли ўлароқ Навоийни замонасининг машҳур мусаввири, мўъжаз суратлар устаси Камолиддин Беҳзод билан бирга талқин қилган. Бу эса, ўз навбатида иқтидорли қилқалам соҳибига Навоий образини янгича ифода этишда, унинг илҳомбахш ижодидаги янгича қирраларни очиб беришида асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган.

Маълумки, улуғ шоирнинг ўзи ҳам яхшигина суратлар чиза олган. Хусусан, унинг «Занжирбанд шер» асари анча машҳур. Бу нарса мазкур асарни яратишда рассомга асосий туртки бўлганлиги шубҳасиздир. У Навоий билан Беҳзодни қизғин мулоқотда, ижодий баҳс чоғида, гўё бу икки буюк сиймо ҳозир ҳам ҳаёту рассом уларни кўриб тургандай, миниатюра услубига мослаштирган ҳолда ҳаётий акс эттира олган.

Шунингдек, Темур Саъдуллаев буюк ҳаким Абу Али ибн Синонинг минг йиллик юбилейига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олган заҳматкаш мусаввирлардандир. У тиб олими таваллуд топган она қишлоғи Афшонада жойлашган сўлим чорбоғ қўйнидаги чойхонанинг ички деворларига ўнга яқин нозик ва нафис тасвирлар яратдики, бу асарлар қадимий шаҳар — Бухорога дунёнинг турли бурчакларидан келаётган саёҳатчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Ўта нозик дид ва истеъдод соҳиби бўлган Темур ўз ижодида эришаётган ютуқларида устози



Рассом Темур Саъдуллаев.

Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаровнинг ҳиссаси катта бўлганлигини таъкидлайди. Ўйлаймизки, ёш рассом ижоди бундан кейин ҳам борган сари тиниқлашиб, чуқур мазмун кашф этиб, мухлисларини қувонтираверади.

Ҳабибулла ЗАИНИДДИНОВ



Инобат НОРМУРОДОВА

ОНАМГА

Олти ой бўлибди, она, кўрмадим,
Енимда на сиз бор ва на-да отам.
Бориб боролмадим, бир ҳол
сўрмадим,
Интизор йўлларга интилар одам.

Безовта ўйларим кузатар олам,
Имиллаб дадаси унаганида.
Этагим тортади кичкина болам,
Энг сўнгги поезд ҳам жўнаганида.

...Эркалаб суяман қоракўз ўғлим,
Бир зум ҳам қолмасин ўз онасидан.
Олти ой бўлибди чиқиб келибман
Туғилган уйимнинг остонасидан...

СОҒИНГАНИМ...

Деразадан бошлаб келар
Хаёлларим баҳорни!..
Оқ кўйлакда оппоқ замин,
Кўраяпман оқ қорни.
Чўнг уммонга уради тўш
Телба еллар югуриб.
Пахтазорлар шудгор — бўм-бўш,
Қушлар учмас чарх уриб...
Эҳ, изғирин кулиб кетар,
Алдагандай мен зорни.
Хаёлларим бошлаб келар
Соғинганим — Баҳорни!

УСТА

«Уста! Уста келаяпти...» Узоқдан қораси кўриниши биланоқ бу одамни ҳамма танийди. Аслида бу сўз ҳам бироз муболағали; аниқроқ айтсак, уни ҳамма ҳурмат қилади, эъзозлайди.

Қирқ йилдирки, Жамол Қосимов тандир ёнидан жилмайди: нон ёпади. Отаси — Қосим Ҳайдаровга ўхшаб, ўз иш жойини азиз билади. Устозода нонвой, жаҳондаги энг беозор, зарур касб эгаси бўлган Қосим ака синовли 1941 йили фронтга кетди. Шу кетганича қайтиб келмади. Унинг ўғли Жамол ҳам ҳарбий хизматда бўлди, жанг қилди. Сўнг, омонэсон юртга қайтиб, 1948 йилдан бошлаб, Тошкентдаги 5-нон заводига ишга кирди. У бир бурда нон қадрини билди, тандирдаги олов муқаддаслигини тушунди, яшашдан мақсад — одамларга хизмат қилиш эканлигини англади. Икки ўғли — Маъруф ва Ислом ҳам нонвой бўлдилар.

Жамол ака — ували-жували. Ҳамма фарзандлари, неваралари бир жойга йиғилганда, унинг файзли хонадонида, қутли-баракали оиласида тўй бўлиб кетади.

Бизнинг тилагимиз ҳам шу: тандирингизда олов гуриллаб ёнаверсин, оилангизда болалар кулгуси янграйверсин!

Қирқ йилдирки, Жамол Қосимов тандир ёнидан жилмайди; нон ёпади. Унинг қаватида саксон шогирди, икки фарзанди тандирларга ўт қўяди...

Сиз тонгда, нонуштада қўлингиз куйиб ушатадиган нонларда улар қалбининг ҳарорати, нонвойларнинг оғир меҳнати мужассам.

Ҳорманг, уста!

М. ПЕНСОН

(Боши 4—5-бетларда)

лишлари оилада, мактабда шаклланади. Маҳаллий аҳолининг 80 процентдан кўпроғи қишлоқда яшаётгани учун ёшларнинг меҳнат малакалари ва қизиқишлари ҳам қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ экани табиийдир. Бинобарин, ҳозирги кунда барча саноат корхоналарининг қишлоқ мактаблари устидан оталиғини кучайтирмоқ керак. Корхона раҳбарлари бўлажак резервлар ҳақида ҳозирданоқ ўйлаб иш тутишлари зарур бўлиб қолди. Ҳозирги тараққиёт ишчилар синфининг сони билан эмас, балки сифати билан таъминланади. Бинобарин, келажак учун ишчиларни тайёрлаш ҳозирги замон фанининг энг янги талаблари асосида, истиқбол имкониятлари билан боғланган ҳолда олиб борилмоғи керак.

Қайта қуриш ва жадаллаштириш — бу тежамкорлик йўлларини излашдир, ортиқча, ноўрин харажатларга чек қўйишдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида катта қурилишлар амалга оширилди. Бир корхона қурилиб, унинг имкониятларидан тўла фойдаланмай туриб, бошқа корхоналар қурилиши бошланди. Бу — халқ меҳнати билан яратилган маблағларни беҳуда сарфлаш эди. Мисол сифатида республикамиздаги деярли кам самара берган чорва комплекслари, товуқ фермаларини, бошқа саноат корхоналарини кўришимиз мумкин. Юқоридаги корхоналар шунчалик кўп қурилдики, агар уларнинг имкониятларидан яхши фойдаланилганида аҳолини гўшт, сут билан таъминлаш масаласи анча яхшиланган бўлур эди. Ҳозирги асосий мақсад — мавжуд саноат корхоналари ва бошқа ташкилотларнинг қувватларидан тўла фойдаланишдир. Бу эса, қўшимча сарф-харажатсиз янги ишчи ўринларини яратиш имконини беради. Бу вазифани бажаришнинг самарали йўлларидан бири мавжуд саноат корхоналарида икки ва уч сменали иш ташкил этишдир.

Мен ана шу масалага бағишланган бир неча кенгашларнинг иштирокчиси бўлдим ва бу борада ҳам бош қотириш, жиддий ўйлаб кўриш лозим бўлган муаммолар борлигини сездим. Баъзан область партия ва совет ташкилотларидан ҳамма ерда ва ҳар қандай шароитда икки ва уч сменали иш ташкил этишни талаб қиладилар. Бу ўринда ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаган кишиларни иш билан таъминлашни асосий мезон қилиб қўйса бўладими? Менимча, масалани бундай ҳал этиб бўлмайди. Гап ишчи ўрнини яратишда, ҳаммани иш билан таъминлашдагина эмас, балки ҳар бир ишчининг меҳнатидан жамият манфаатлари йўлида тўғри фойдаланишдадир. Сўнгги йилларда район марказлари ва қишлоқларда саноат корхоналарининг бўлимлари, филиаллари ташкил этилди, кўпчилик иш билан таъминланди. Маҳсулотнинг сифати, ишчиларнинг малакаси, техникадан унумли фойдаланиш масаласи-чи? Ахир филиалларда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг сифати паст, кўплари брак қилиниб, нархи арзонлаштирилмоқда. Миллион-миллион сўмлик маҳсулотлар ҳеч кимга керак бўлмай, омборларда бекор ётмоқда. Ахир бу кимга фойдаю, кимга зарар? Бу ҳам атрофлича ўйламасдан хўжакўрсинга иш қилишнинг оқибати-ку.

Энди саноат корхоналарида икки ва уч сменали иш ташкил этиш масаласига ўтайлик. Бу ерда гап ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ҳақида ҳам боради. Саноат учун зарур бўлган хом ашёнинг лимити бўлиб, у мамлакатимизнинг турли районларидан келтирилади. Бир сменада ишлаганда ҳам Олмалиқ уй-жой қурилиши комбинатини цемент билан таъминлаш ниҳоятда қийин бўлиб қолмоқда. Агар шу шароитда иш икки ёки уч сменада ташкил этилса, аҳвол қандай бўлади? Мен бошқа корхоналар ҳақида гапириб ўтирмайман, чунки масаланинг моҳияти ўз-ўзидан аён. Энди ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реализация қилиш масаласига келайлик. Самарқанд холодильниклар заводининг маҳсулоти ҳамма ерда қалашиб ётмоқда. Агар бу корхона уч сменада ишлашга ўтса, аҳвол нима бўлади? Бинобарин, бу масалада ҳам зўрма-зўракиликка, шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмаса керак. Ҳар бир корхонада икки ёки уч сменали иш ташкил этишдан олдин уларни хом ашё билан мунтазам таъминлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни ўз вақтида қандай реализация қилиш масаласи ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Эҳтимол, бундай имконият барча корхоналарда бир хил эмасдир. Тўла-тўкис ҳал бўлмаган масалаларни бажаришга кадрларни жалб этиб, кейин уларнинг «хатолари»ни тузатиш эҳтиёжи борми?

Қайта қуришнинг энг асосий мақсадларидан бири тежамкорлик эканини юқорида уқтириб ўтган эдик. Бу масалаларда табиий ресурслардан, биринчи навбатда ердан фойдаланишни кўриб ўтайлик. Ҳосилдор ерлар — табиийтнинг ажойиб инъоми, фаровонлик манбаидир. Лекин табиийётнинг бу инъоми чексиз ва беҳисоб эмаслигини ҳам унутиб бўлмайди. Сўнгги йилларда янги ерларни ўзлаштириш кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришнинг асосий йўли сифатида танлаб олинди. Республикамизда ҳар беш йилликда ярим миллион гектарга яқин янги ерлар ўзлаштирилди. Бунинг натижасида чорвачиликни ривожлантириш имкониятлари ҳам тобора чегараланиб қолди. Экин экиш учун керакли ерлар биз учунгина эмас, балки биздан юз, минг йиллар кейин яшайдиган авлодлар учун ҳам керак. Оқибатда хўжасизликдан иборат бўлган бу экстенсив йўл миллионлаб гектар ерларнинг шўрланишига, ботқоққа айланиб кетишига олиб келди. Бу ерларнинг эски аҳволини яқин атрофда тиклаб бўлмайди. Қашқадарёда, Жиззах чўлида пахта экилаётган майдонларга бир назар ташлайлик. Бу ерда кўп майдонларни ўт босиб кетганини, кўчатларнинг нормадан ниҳоятда кам эканини, ишчи кучи етишмаслигини кўрамиз. Ахир бу майдонларнинг ҳаммаси 6—8 марта суғорилган, чопилган, минерал ўғитлар берилган. Ана шу меҳнатни, сувни, минерал ўғитларни ҳозир экилиб келаётган ерларга сарфласак, ҳосилдорликни ошириш имкони кенгаймасмикан? Ахир 100 тонна пахтани 30 гектар ердан олиш ёки 40 гектар ердан олишнинг фарқи ҳам, самараси ҳам айричаку? Бундан буён янги ерларни ўзлаштиришни камайтириб, эски экин майдонлари ҳосилдорлигини оширишга интилиш лозим, деб ўйлайман. Самарали жадаллаштиришнинг энг асосий йўлларидан бири ҳам шудир. Ўзлаштирилмаган ерлардан чорвачиликни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш ҳақида ўйлашнинг вақти келди. Ахир республикамиз аҳолиси йилига жон бошига мамлакатимизда ўрта ҳисобда истеъмол қилинаётган гўштдан деярли икки ярим марта кам истеъмол қилади. Қишлоқ аҳолисининг бир йилда жон бошига истеъмол қиладиган гўшти ҳам фақат 10—11 килограммни ташкил этади. Бу ниҳоятда муҳим, ҳеч ким унутишга ҳаққи бўлмаган социал-иқтисодий проблемадир.

Қайта қуриш фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни янада яхшилаш, такомиллаштириш масаласини ҳам ўз ичига олади. Очиғини айтганда, КПСС XXVII съезди кун тартибига қўйган оламшумул масалаларнинг бирортасини ҳам фан ва техника ютуқларига асосланмасдан ҳал этиб бўлмайди.

Ҳозирги кунда республикамиз Фанлар академиясида, бошқа илмий тадқиқот институтларида қайта қуриш ишлари кенг кўламда амалга оширилмоқда. Ҳозир ҳал этилиши қийин бўлаётган муҳим муаммо — илмий-тадқиқот ишларини координация ва кооперация қилишни яхшилаш, фан билан ишлаб чиқариш ўртасида яқин муносабатлар ўрнатишдир. Координация ва кооперация борасидаги энг катта тўсиқ — илмий-тадқиқот институтларининг турли министрликларга, ташкилотларга бўйсунишидир. Бундай ҳол илмий изланишларда параллелизм, такрорланишлар, носоғлом рақобат ҳоллари содир бўлишига олиб келмоқда. Турли илмий ташкилотларнинг ягона план асосида иш олиб боришини ташкил этиш борасидаги уринишлар ҳам ҳали етарли самара бергани йўқ. Биз бир неча марта республикамиздаги айрим илмий-тадқиқот институтларини Фанлар академияси составига ўтказиш ҳақидаги масалани ўртага қўйдик, лекин бу таклиф ҳануз амалга ошгани йўқ. Афсусланадиган масала шуки, бир мамлакат, бир республика доирасида бу етилган масалаларни ҳал этиш учун кўплаб йиллар кетмоқда.

Илмий-тадқиқот институтлари билан саноат корхоналари, колхозлар ва совхозлар ўртасида ўрнатилган алоқа ҳам етарли эмас, давр талабларидан, имкониятларимиздан ниҳоятда орқада. Ўтган беш йилликда Фанлар академияси олимларининг кашфиётлари ишлаб чиқаришга татбиқ этилишидан олинган фойда 3 миллиард сўмга яқин экани айтилган эди. Лекин татбиқ этилган ишлар мавжуд янгиликлар ва кашфиётларнинг бешдан бир қисми, холос. Саноат корхоналарида олимларнинг ихтиросига бўлган қизиқишни етарли деб бўлмайди. Кўпгина корхоналарнинг раҳбарлари республикамиз илмий ташкилотларида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини яхши билмайдилар. Шу сабабли керак бўлган дастгоҳлар, асбоб ва ускуналарни чет мамлакатлардан буюртма асосида олишга уринадилар. Ҳозирги кундаги долзарб масала Фанлар академияси илмий муассасаларини илмий кашфиётларни синаш ва ниҳоясига етказиш учун керак бўлган тажриба участкалари, экспериментал заводлар билан таъминлашдан иборатдир. Агар шу имконият етарли бўлса, унда фандаги ҳар бир янгиликни тезда биринчи синовдан ўтказиш, сўнг ишлаб чиқаришга тавсия этиш мумкин бўлар эди. Ахир якунланган илмий-тадқиқотларни амалда синаш ҳам илмий изланишларнинг давоми-ку. Лаборатория шароитида яратилган кашфиётларда маълум камчиликлар, ниҳоясига етмаган томонлар албатта бўлади. Бу ҳол айрим раҳбарларнинг илмий-тадқиқот ишларига бўлган қизиқишини сусайтириб қўймоқда.

Қайта қуриш келажак истиқбол масалаларини ҳам кенг кўламда ўйлашни талаб этади. Биз ўн иккинчи беш йилликдагина эмас, балки бундан 50 йил кейин бажаришимиз лозим бўлган вазифаларни ҳам аниқ ва пухта билмоғимиз, уларга ҳозирдан замин тайёрламоғимиз зарур. Келажакни олдиндан кўзлаш иқтисодий масалалар билангина эмас, балки ижтимоий, маданий, тарбиявий масалалар билан ҳам боғлиқдир. Бу масалаларнинг ҳаммасини ёритиб бўлмайди, албатта. Мен битта масала, яъни Орол денгизининг тақдири масаласи ҳақида тўхталмоқчиман. Бу масала ҳақида ҳозир жуда кенг ва чуқур ўйламоқ керак. Пайсалга солсак, кеч бўлади. Нимагадир Орол денгизи ва унинг тақдири масаласи эътибордан четда қолиб келмоқда. Ҳозирга қадар Орол денгизининг сатҳи ниҳоятда камайиб кетди. Суви кетиб қолган жойларда 2 миллион гектарга яқин қум ва туздан иборат бўлган саҳролар пайдо бўлди. Орол денгизини озгина бўлса-да сув билан таъминлаб турадиган ҳеч қандай манба қолмаганлиги учун сув сатҳининг камайиши яна ҳам тез суръатлар билан давом этаверади. Бир вақтлар йирик порт ва балиқчилик саноати маркази бўлган Мўйноқ денгиздан 70 километр ташқарида, бепоён саҳрода жойлашган шаҳарга айланди. Денгиз сатҳининг камайиши, сув запасларининг минераллашуви ер ости сувлари составини ҳам ўзгартириб юборди. Ҳозир бутун Мўйноқ шаҳри ташқаридан ташиб келтириладиган сув билан таъминланмоқда. Яқин келажакда Қорақалпоғистон АССРнинг бошқа шаҳарлари ва қишлоқлари ҳам шу аҳволга тушиб қолиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бу ҳол турли оғир касалликлар тобора кўпайишига олиб келмоқда. Катта-катта экин майдонларини Орол атрофидан шамол учириб келган

қум ва туз қоплаб қолмоқда. Бу ҳам ҳали асосий масала эмас. Орол денгизи Ўрта Осиёнинг бутун иқлимига таъсир этиб турган катта регулятордир. Уйлаб кўринг, Қизил Ўрда ва Шевченко шаҳарлари ва Нукус бир географик параллелда жойлашган. Қизил Ўрда ва Шевченко билан Нукуснинг иқлими ва табиий имкониятларида жуда катта фарқ бор. Нукус атрофи кенг пахтазорлар, шириншакар мевазор боғлар, экинзорлардан иборат. Демак, Орол шимолдан келадиган совуқ шамолларни қалқон сифатида тўсиб, Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Тошҳовуз областларидаги иқлимни ҳосил қилади. Агар Орол денгизи бутунлай қуриб кетса, мамлакатимизнинг иқтисодий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бу территорияларнинг аҳволи нима кечади? Ундан ташқари, Орол денгизининг қуриб қолиши Ўрта Осиё иқлимининг ўзгариб кетишига ҳам олиб келиши эҳтимолдан узоқ эмас. Орол сингари қалқонсиз Шимолдан келган булутлар ўз баландлиги, учиш йўналишларини ўзгартишлари табиийдир. Орол масаласи — ҳаммамиз учун муҳим, аҳамиятли масаладир. Бунга ҳеч ким бефарқ қараши, маҳаллийчилик эҳтиёжлари асосида ёндашиши мумкин эмас. Орол масаласи жадаллаштиришнинг муҳим масаласидир. Афсуски, ҳозирга қадар Орол денгизи сатҳини сақлаб қолишга мўлжалланган бирорта йирик илмий программа устида ҳам иш олиб борилаётгани йўқ.

Қайта қуриш инсон омилининг ролини фаоллаштириш масаласи билан ҳам бевосита боғлиқдир. Бу масаланинг қанчалик муҳим ва аҳамиятли экани КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг ижтимоий фанлар кафедра мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида, Ўзбекистон КП Марказий Комитети III пленуми ҳужжатларида атрофлича кўрсатиб берилди.

Ҳозирги кунда коммунистик тарбияни амалга ошириш кенг шакл ва услублари ҳақида ҳам чуқурроқ ўйлашнинг вақти келди. Коммунистик тарбия умумий шиор ёки мавҳум шаклда бўлмасдан, конкрет, аниқ мақсадга, муайян ахлоқий, ғоявий хислатларни шакллантиришга қаратилган бўлмоғи керак. Бу ўринда ахлоқий тарбияни амалга ошириш борасида оилада, мактабда, асрлар давомида шаклланган халқ педагогикасида мавжуд бўлган имкониятлар ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Мактаб ва оила — тарбиянинг катта ўчоғи. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, оиладаги муҳит, шароит, мактабдаги вазият ва имкониятлар боланинг ахлоқи, дунёқараши, интилишлари шаклланишида катта роль ўйнайди. Халқ педагогикасида ҳам ажойиб имкониятлар, тарбия шакллари борки, биз уларни ҳали деярли ўрганганимиз, амалда кенг фойдаланганимиз йўқ. Халқ педагогикаси намуналарига ўтмишнинг сарқити деб қараб бўлмайди. Бу ота-боболаримиз донолигини намоён қиладиган яна бир муҳим соҳадир. Боланинг ота-онага, ота-онанинг болага ҳурмати, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамдардлик жуда катта маънавий бойлик-ку, ахир.

Атеистик тарбия ҳам инсон омилларини фаоллаштиришнинг энг муҳим жиҳатидир. Диний дунёқараш кишининг иродасини, жамият истиқбол ва имкониятларига бўлган ишончини сусайтиради. Атеистик тарбия диннинг ғоявий асосларини, социал ва гносеологик илдизларини фош қилишга қаратилган бўлмоғи керак. Шу билан бир қаторда динга қарши курашни диндорларга қарши курашга айлантириш ҳам мумкин эмас. Ахир динга ишонувчи кишиларнинг кўпчилик қисми саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда хизмат қилмоқда, жамиятимиз тараққиётига ўзининг озми-кўпми ҳиссасини қўшиб келмоқда. Атеистик тарбияда бизнинг бирдан-бир қуролимиз — ишонтиришдир. Бунинг учун эса бизда етарли илмий ва тарихий далиллар бор.

Интернационал ва ватанпарварлик тарбияси ҳам ҳозирги кунда катта аҳамият касб этмоқда. Буржуазия идеологлари халқларимиз ўртасидаги дўстликка раҳна солиш мақсадида турли иғволар уюштираётган ҳозирги даврда интернационал тарбияни мунтазам ва илмий асосда олиб бориш, ёшларни партияга, совет давлатига садоқат руҳида тарбиялаш ниҳоятда катта амалий аҳамиятга эгадир. Бу ўринда баъзан учраб турадиган миллий чекланишлар, миллий эгоизм ва бошқа салбий иллатларни ҳам фош этиш зарур. Ўтмишни, миллат тарихи, миллий маданият, урф-одатларни идеаллаштириш, улардан бошқа миллатларни камситиш мақсадида фойдаланиш ҳам интернационал тарбия моҳияти ва мақсадларига бутунлай хилофдир. Тарихий ҳақиқат қандай бўлса, уни шундай деб кўрсатиш керак. Ленинча партиявийлик ва синфийлик тарихий ҳақиқатни аниқлашда ягона мезондир. Ўтмишнинг кўпгина реакцион урф-одатлари ҳозирги кун талабларига мос келмай қолганини, маънавий камолотимизга тўсқинлик қилаётганини кўрсатиш билан бирга прогрессив урф-одатлардан ҳозирги кундаги маданий-тарбиявий ишларни амалга оширишда кенг фойдаланиш лозим.

Қайта қуришда ва жадаллаштиришда муҳим роль ўйнайдиган сабаблардан бири — кадрлардир. Раҳбар кадрларнинг билими, дунёқараши, малакалари ва ишчанлиги, қобилияти, ахлоқи ва одоби тараққиётнинг катта омилидир. Раҳбар кадрлар ўзларининг юксак истеъдоди, етакчилик қобилияти, кун тартибидаги вазифаларни чуқур тушуниши, омма билан узвий алоқада бўлиб ишлай билиши орқали тараққиётимиз жадаллашишига таъсир кўрсатади. Қайта қуриш иши муваффақиятли амалга ошиши раҳбар кадрлар оммани бу ишга қанчалик сафарбар эта билишига боғлиқдир. Ғоявий етук, ишбилармон, ахлоқан пок раҳбар кадрлар — партиянинг олтин фондидир. Бу олтин фондни шакллантириш, бойитиш ниҳоятда мураккаб экан, уни сақлаш, ундан фойдаланиш ҳам ниҳоятда масъулиятлидир. Бир етук раҳбар камол топиши учун 25—30 йил керак. Бирор раҳбар янги иш жойини тушуниб, шароитни яхши билиб ишлай олиши учун ҳам илмий далилларга кўра энг камида 3,5—4 йил керак. Шундай экан, бирор раҳбар лавозимга тайинланган кундан бошлабоқ ундан тўла ютуқлар талаб қилиб бўлмайди. Кадрларни тез-тез алмаштириш ҳам уларнинг қобилияти ва имконияти тўла намоён бўлишига имкон бермайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев ўзининг республика партия ташкилоти Марказий Комитетининг III пленумида сўзлаган нутқида сўнгги йилда идеология ташкилотларида ишловчи раҳбар ходимлардан 103 киши ўз лавозимидан олиб ташланганини, уларнинг ярмидан кўпроғи XVI пленумдан кейин сайланган кишилар эканини кўрсатиб ўтди. Бу ўринда фақат идеологик ташкилотларнинг раҳбарлари ҳақида сўз бормоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси 1986 йил 24 декабрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга оид иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, уни КПСС XXVII съезди талабларига мос келмайди, деб топди. Биз ўтмишда раҳбар кадрларни тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш борасида йўл қўйилган хатоларни кескин танқид қилаётган даврда ана шундай камчиликлар яна содир бўлаётганини нима деб изоҳлаш мумкин? Раҳбар кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳеч кимнинг шахсий иши эмас, бу — ижтимоий, сиёсий, тарбиявий ишдир. Бу ўринда асло субъективизмга ва волюнтаризмга йўл қўйиб бўлмайди. Субъективизм ва волюнтаризм ҳамма ерда зарарли бўлса ҳам унинг кадрларга нисбатан бўлган муносабатда намоён бўлиши ниҳоятда зараралидир. Кадрларни танлаш ва ишга жойлаштириш ҳеч кимнинг шахсий манфаатларига, ошна-оғайнигарчилиги, қариндош-уруғлигига боғлиқ бўлмаслиги кераклигини ҳеч ким ва ҳеч қачон унутмаслиги лозим. Агар кадрларни танлаш ва уларнинг ишига баҳо бериш раҳбар ходимларнинг ҳайрихоҳлиги ёки нохайрихоҳлигига боғлиқ бўлиб қолса, яна кўп нарса йўқотамиз. Ўтмишнинг аччиқ сабоқлари ҳозирги кун ва келажак учун ҳам ҳар доим ҳисобга олиш лозим бўлган мактаб бўлмоғи керак. Кадрларнинг қилган меҳнатига баҳо бериш борасида В. И. Ленининг иш услубини асло унутиб бўлмайди В. И. Ленин мамлакатимиз тараққиётининг энг оғир даврларида ҳам камчиликларга йўл қўйган раҳбар кадрларни тарбиялаш, уларни тўғри ишлашга ўргатишга катта эътибор берган эди. Бу масаладаги ленинча ишлаш мезони ҳозирги кун учун ҳам муҳимдир.

Раҳбар кадрлар — берилган буйруқларни автоматик бажарадиган темир роботлар эмас. Улар ўз қадр-қиммати, хоҳиш, орзу-умидларига эга бўлган инсонлардир. Шундай экан, кадрларга нисбатан бўлган талабчанликни инсонпарварлик, қадр-қимматни ҳисобга олиш билан ҳам боғлаш керак. Агар қаттиқ сўз инсонни бирор ишни бажаришга ундаса, ширин сўз уни илҳомлантиради, рағбатлантиради, ўз кучига бўлган ишончини орттиради. Кадрлар билан ишлаш фақат лавозим тақозо этадиган вазифагина эмас, балки юксак маданият, катта санъат ҳамдир.

Бепоён мамлакатимизда қайта қуриш бошланди. Бунга ҳаммамиз гап билан эмас, балки амалий иш билан ҳисса қўшмоғимиз керак.

УМРНИ УЗАЙТИРИШ ЙЎРИҒИ

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

ВХРдаги Озиқланиш институти мутахассисларининг тасдиқлашларича, киши нотўғри турмуш тарзи туфайли — серёг овқатлар, спиртли ичимликлар истеъмол қилиши, чекиш натижасида ўз вужудининг қариши жараёнини икки ярим баравар тезлаштиради...

Олимлар ўрта ёшдаги кишилар учун овқатланиш ва юриш-туриш қоидасининг махсус системасини ишлаб чиқдилар. Мазкур системанинг асосий талаблари қуйидагича: кунига 80-100 грамм ёғсиз (қоракесак) гўшт, 400 грамм мева, 300 грамм сабзавот ва албатта икки-уч стакан минерал сув истеъмол қилиш лозим. Бундан ташқари очиқ ҳавода бир ярим-икки соат пиёда юриш, жисмоний меҳнат билан шуғулланиш тавсия қилинади. Ана шу системага қатъиян риоя қилиш натижасида умрни ўн-ўн беш йилга узайтириш мумкин.

Умр мазмуни

Егемберди Мамитович Абетовнинг умр йўли ибратли воқеаларга бой.

Улуғ Ватан уруши бошланганида фронтга жўнатишларини сўраб, ҳарбий комиссариатга мурожаат қилган кўнгиллилар орасида буғдойранг, истараси иссиқ, кўзлари хиёл қисиқ 17 яшар қозоқ йигити ҳам бор эди...

— 1942 йил бошида ҳарбий комиссариатга борганимда, ҳали бўйинг паст деб мени уйга қайтариб юборишганди, — эслайди ўша йилларни Егемберди Абетов. — Шундай бўлса ҳам умидсизликка тушмадим. Яна комиссариатга бордим. «Ғирт етимман, борадиган жойим йўқ. Фронтга жўнатасизлар», деб туриб олдим. Хуллас, Тошкент шаҳридаги махсус курсда учинчи класс радиотелеграфчи ихтисосини эгаллаб, 1943 йилнинг мартида фронтга жўнаб кетдим.

— Бу полковник — командиримиз, — дея у йиллар ўтиши билан сарғайган фотосуратни бизга узатди. Суратнинг ортига шундай сўзлар битилганди: «Жигаргўшам Абетовга хизматдош отанг Воробьёвдан эсдалик. Бирга яхши хизмат қилдик. Халқ, Ватан ишига ҳамиша шундай камарбаста бўлишингни истайман. Ватанимизнинг озодлиги учун мардона кураш. Мени ҳам эслаб юр. 1943».

Егемберди оға суратга зимдан тикилиб, чуқур хаёлга толди: фронтдаги кечмишлари унинг кўз олдидан ўтарди...

Январнинг аччиқ изғирини баданни жунжиктиради. Хира ёғду сочаётган ой бамисоли фалак тоқига михлаб қўйилгандек қимир этмайди. У муз билан қопланган дарё сатҳида товланади. Атрофга чўккан вазмин сукунатни аҳён-аҳёнда олисдаги отишмалар сурони бузади.

Белоруссия ССР, Гомель областининг Стрешин районидаги муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Марс қишлоғи учун олиб борилган оғир жанглардан кейин 1-Белоруссия фронти 4-дивизиясининг полковник Воробьёв қўмондонлик қилаётган 101-ўқчи полки жангчилари ҳордиқ чиқарар эдилар. Шу пайт батальонларнинг биридан радиотелеграфчи ҳалок бўлганлиги тўғрисида хабар олинди. Бизникилар эса тонг отиши билан ҳужум қилиши керак эди. Бўлажак жангда барқарор радиоалоқани таъминлаш учун тун соат учларда катта алоқачи Егемберди Абетов зудлик билан олдинги марраларга етиб келди.

Белгиланган режага кўра эрталаб артиллериямиз душман позициясини тўпга тутди. Пиёда жангчиларимиз «Т-34» танклари етакчилигида ҳужумга ўтдилар. Ғанимнинг ўт очиш нуқталари яксон қилинди. Бироқ душман қўшимча мадад олиб, қутуриб қаршилик кўрсатар, вақти-вақти билан қарши ҳужумга ўтар эди. Бироқ у бизникиларнинг сиқувига бардош беролмай, ҳар гал ортга чекинарди. Ана шундай аёвсиз жангларнинг бирида 101-ўқчи полк унинг муҳим иншоотини ишғол қилди.

Гитлерчилар ўч олиш учун энди Антоновка қишлоғи ёнида совет полки қўшинларига қарши зўр кучларини ташлади. Шиддатли, аёвсиз жанг бир кеча-кундуз давом этди. 101-полк душман ҳужумини мардонавор қайтариб турди.

Қаттиқ совуққа қарамасдан, Воробьёв терлаб-пишиб кетган, ёқасининг тугмалари ечилган, қўлидаги дурбини билан ўқ тегавериб деворлари ғалвир бўлиб кетган кузатув пунктида нигоҳини душман марраси-дан узмаган ҳолда радиоалоқачига муҳим маълумотларни айтиб турарди. Портлашлар ва отишувлар шовқини телеграф аппаратининг «тиқ-тиқ»ини босиб кетар, морзе алифбосининг шартли рақамлари ифодасида полк командирининг махсус хабари шу лаҳзадаёқ дивизия штабига етказилар эди.

Телеграф аппарати тинди. Командир Воробьёв ҳамон дурбинда душман томонга тикилганича телеграфчидан сўради:

— Маълумотларни узатдингми, ўртоқ радист?

— Худди шундай, ўртоқ полк командири!

Воробьёв йўғон овозда радиоалоқачига буюрди:

— Дивизия штабига зудлик билан етказинг! Қуйидаги координатлар бўйича ўқ отилсин!..

Орадан бир неча дақиқа ўтиб, ҳавода аввал ғалати шувиллаш эшитилди. Кейин ер қўкни ларзага келтириб, снаряд портлади: бизникилар ҳужумга ўтишганди.

Бироқ шу пайт кузатув пунктига оддий аскар эмаклаб етиб келди:

— Лаънати фриц чап қанотда бизни исканжага олмоқда... Агар ўт очилмаса, аҳволимиз чатоқ.

Яна рация ишга тушди.

Радиоалоқачи Егемберди Абетов кузатув пункти ёнидаги ҳандақда қулай жойлашиб олган бўлиб, муҳим маълумотларни узатар, қабул қилинаётган радиосигналларни жадваллар бўйича тез ва пухта шифрлар эди. Рация тинимсиз ишларди. Тўғри, баъзан дивизия радиостанциясининг тўлқини йўқолиб қолар, аммо тажрибали Абетов ўзига маълум бўлган диапазондаги ҳаво тўлқинларини дарҳол «тутарди».

Кутилмаганда кузатув пункти ёнида немис снаряди портлади. Портлаш зарби Воробьёвни бир неча метр нарига улоқтириб юборди. Бир дақиқа тупроққа қоришиб қолган, қулоқлари чиппа битган полк командири силкина-силкина, ўрнидан турди. У душман миномёт батареясининг координатларини рация орқали дивизия штабига хабар қилмоқчи бўларкан, ҳушсиз ётган, қаттиқ портлаш натижасида контузияга учраган Абетовни кўрди. Рация шикастланганди, уни тузатадиган одам полкда топилмасди, радиоалоқа боғлайдиган бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Ҳарбий фельдшер Абетовни ҳушига келтирди. Воробьёв энгашиб:

— Аҳвол қалай, ўғлим? — деб сўради.

Абетов жавоб ўрнида лабларини мажолсиз қимтиди.

— Агар қурбинг келса, — деди ниҳоят полк командири, — кучингни тўплаб... Дивизия билан алоқани тикламасак, аҳволимиз танг.

Абетов хиёл бош иргади. Ҳарбий фельдшер ва санитар уни рация ёнига олиб келишди. Бу орада разведкачиларимиз бир-биридан ташвишли хабарлар келтиришди. Радиоалоқа бўлмаганидан, батареяларимиз душман позициясини аниқ нишонга ололмас, унинг зарбаси эса кучайгандан-кучайиб борар эди.

Воробьёв маълумотларни жимгина тингларди, радиоалоқачини шоширмасди. Аммо Абетовнинг қўллари қалтираб, винтлар ерга сочилиб кетди. Унинг кўз ўнгини сарғиш туман қоплаганди.

«Аттанг, тузатолмайман, — алам билан ўйлади у. — Қани энди ерга бошимни қўйсам-у, уйқуга кетсам. Эҳ, рацияни тузатиш керак...»

Қаттиқ контузия сабабли Абетовнинг қулоқлари шанғилларди. Бироқ у бутун иродасини тўплаб, винтларни жой-жойига қўйди, аппарат бошқарувини тартибга сола бошлади.

Ниҳоят, у бардош билан урина-урина рацияни тиклади. Эфирнинг одатий шовқини ҳандақдагиларга эшитилиши ҳамоно штаб радистининг таниш овози эшитилди:

— «Тўлқин», «Тўлқин»! Мен «Юлдуз»ман. Мен «Юлдуз»ман! Қаёққа ғойиб бўлдинг? Қабулга ўтаман...

Абетов юз берган воқеани қисқача тушунтирди-да, маълумотларни пешма-пеш дивизия штабига узатиб, у ердан муҳим буйруқларни қабул қилиб олди.

— Қалай, қалайсан, ўғлим? — дам-бадам сўрарди Воробьёв.



— Яхши, ўртоқ полк командири.

Кечга бориб Воробьёвнинг группаси ёппасига ҳужумга ўтиб, душманнинг таъзирини берди. Шу тариқа гитлерчилар Марс, Антоновка қишлоқларидан қувиб чиқарилди.

— Баракалла, Абетов. Сен аппаратни тузатиб бўлмаганингда... Дастлабки синовдан муваффақиятли ўтдинг. Қўмондонлик номидан сенга ташаккур эълон қиламан!

— Совет Иттифоқига хизмат қиламан!

Ҳурматли журналхон, сиз қардош Қозоғистоннинг Чимкент областига қарашли Сариоғоч шаҳридан чиқиб, Москва, Загорск, Краснозаводск, Малоярославский, Калуга, Брянск, Бежица, Клинци, Гомель, Кроснастав, Люблин, Варшава, Пулава, Франкфурт-Одер йўлини пиёда босиб ўтган, Буюк ғалабани Берлинда, генерал-полковник Н. Э. Берзарин қўмондонлик қилган 5-зарбдор армиянинг 230-ўқчи дивизияси алоқачилар батальони жангчилари сафида қутиб олган, жанговар жасоратлари учун Қизил Юлдуз ордени, иккинчи даражали Ватан уруши ордени ҳамда «Жасурлиги учун», «Варшавани озод қилганлиги учун», «Берлинни ишғол қилганлиги учун», «Германия устидан қозонилган ғалаба учун» жанговар медаллари билан тақдирланган, тўрт марта Олий Бош қўмондон ташаккурномасига сазовор бўлган коммунист Егемберди Мамитович Абетовнинг уруш йилларидаги фаолиятидан баъзи лавҳалар билан танишдингиз.


1947 йили запасга бўшатилган Е. М. Абетов Ўрта Осиё индустриал (ҳозирги Тошкент политехника) институтининг кончилик факультетига ўқишга кириб, 1952 йилда уни муваффақиятли тамомлади.

МАРДЛИК-МАНГУЛИК

ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ



Колхоз партия ташкилотининг секретари Қўчқор Каранчалов ва ЎзССРда хизмат кўрсатган механизатор Василий Бибанов.



Колхоз чорвачилик фермасида.

Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози давлатга пахта топшириш планини ўтган йили областда биринчи, республикада иккинчи бўлиб бажарди. Ҳосилнинг 93 фоизи машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди. Хўжаликдаги 13 та машинанинг ҳар биттаси зиммасига мавсумда 165 тоннадан пахта тўғри келди.

Павел Федорович Саулькин ушбу хўжаликни бошқараётганига чорак асрдан ошди. У халқ депутатлари Тошкент область Советининг депутати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими. Павел Федоровични район партия комитетида ўз ишининг билимдони, адолатли, талабчан, софдил ва принципли раҳбар сифатида тилга олишади. Пахтадан муттасил мўл ҳосил етиштирганлиги учун П. Ф. Саулькин ўтган йили Ватанимизнинг олий мукофоти — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Хўжаликда бирорта ҳам оқсаётган соҳа йўқ. Сут товар фермаси йилига 200 минг сўмдан зиёд фойда келтиради. Колхоз ўзининг қўйчилик ва паррандачилик фермаларига эга. Озуқа масаласи эса аллақачон ҳал этилган. Колхозчиларнинг ўртача ойлик маоши 200—270 сўмни ташкил этади.

«Октябрь 40 йиллиги» колхози меҳнатчилари бу йил ҳам муваффақиятларга эришмоқ учун қизғин тараддуд кўрмоқдалар.



Сут соғувчилар Т. Султонова ва А. Исомиддинова.



Суратда: колхознинг ҳурматли қариялари — кекса сувчилар Т. Қулмонов, Х. Юнусов, Т. Раҳмонов.

В. Дубровский, А. Караваев фотолари

Тинч меҳнат фаолиятини дастлаб Сеталантепа нефть разведкасида катта геолог сифатида бошлаган Егемберди ака Ўзбекистонда саноат аҳамиятига эга бўлган илк табиий газ кон-жойларини очишда фаол иштирок этди.

У узоқ йиллар давомида геология хариталаштирув партияси ходимлари сафида Ҳисор тоғ тизмаларининг жануби-ғарбий этакларини ва Тошкент яқинидаги чўлларни хариталаштиришда фаол қатнашди. Қидирув натижаларига кўра нефть запасларига бой баъзи жойлар чуқур пармалашга тавсия этилди. Кейинги тадқиқотлар бу тахминнинг тўғрилигини тасдиқлади.

Геохимия партияси бошлиғи сифатида республикамизнинг фойдали қазилмаларини разведка қилиш бўйича маълум ишларни амалга оширган Е. М. Абетов 1955 йили аспирантурага кириб ўқиди, кейин Тошкент политехника институти геологик-қидирув (сўнгроқ нефть ва газ) факультетида ассистент, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири бўлиб ишлади. У ҳозир ҳам мазкур нефть ва газ геологияси қидируви кафедрасини бошқармоқда. «Жануби-ғарбий Ҳисор тизмасидаги юқори юра даври карбонатли формацияси» номли муҳим тадқиқоти учун унга геология-минералогия фанлари кандидати унвони берилди.

Егемберди Абетов, мана ўттиз йилдирки, инженер-геолог кадрлар тайёрлаш ишига тажрибали мутахассис ва муаллим сифатида муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

— Қозоқ оғамиз Егемберди Абетов студент-ёшларимиз ўртасида тажрибали ва моҳир устоз сифатида ҳам ҳурмат топган педагоглардан, — деди техника фанлари кандидати Мирсолиҳ Мирзараҳимов ўз ҳамкасби ҳақида гапираркан. — У уруш ветерани сифатида ёшлар, мактаб ўқувчилари билан тез-тез учрашиб туради. Бу учрашувларда ёш авлодни тинч, бахтиёр кунларнинг қадрига етишга даъват этади.

Вақт тизгинсиз. Йиллар ўтаверади. Бироқ Буюк ғалаба учун бўлган омонсиз жанглардаги совет кишиларининг мислсиз жасорати, халқларимизнинг қаҳрамонлиги ҳеч қачон унутилмайди. Ўша жанговар йиллар шуҳратида Егемберди Мамитович Абетовнинг ҳам ўз ҳиссаси бор.

Шерали СОКИН

МОҲИР РОМАННАВИС

ЎЗБЕК совет адабиётида катта проза жаврининг такомили Абдулла Қодирий, С. Айнийдан сўнг Ойбек номи билан ҳам боғлиқдир. Адибнинг «Қутлуғ қон» ва «Навоий» романлари ўзбек халқининг яқин ва олис ўтмиши тарихидан, энг яхши ҳаёт ҳақидаги орзу-умидлари ва курашларидан ҳикоя қилса, «Олтин водийдан шабадалар» романи совет кишиларининг яратувчилик меҳнатини тараннум этади. «Нур қидириб» повестида хорижий Шарқ мамлакатларидан бирида эрк ва мустақиллик учун кураш йўллари тасвирланса, «Болалик» автобиографик повести халқимизнинг инқилобдан аввалги турмуши манзараларини бадиий ҳаққоний жонлантиради. Ойбекнинг насрдаги ижоди халқимиз тарихидаги муҳим бурилиш даврларини сергак ижодкорлик нигоҳи ила кенг ва чуқур қамраб олганлиги билан қимматли ва аҳамиятлидир.

Қардошлик оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган ўзбек халқининг Улуғ Ватан урушида Ғалабага қўшган ҳиссасини мукаммалроқ кўрсатиб бериш учун Ойбек йирик насрий асар — «Қуёш қораймас» романини ҳам ёзди. Романда фожеавий вазиятни, турли-туман қаҳрамонларнинг у ёки бу воқеага муносабатини идрок этишда ёзувчининг «Фронт бўйлаб» кундалик дафтарида қайд этилган фикрлар, кузатишлар, тасаввурлар ниҳоятда қўл келган.

Романнинг дастлабки саҳифалариданоқ Ойбек ўқувчини бевосита уруш руҳи ҳукмрон жанг майдонларига олиб киради. Унинг оғир, салобатли, вазмин юки муаллиф тасвирида муайянлашиб, персонажларнинг қарашлари, ўзаро муомалалари, ўй-фикрлари, психологиясига кўчирилади ва секин-аста вазият билан шахс, шароит билан қаҳрамон ўртасидаги қарама-қаршилик очила боради.

Маълумки, уруш шароитида ҳар бир қадамда даҳшат, хавф-хатарга дуч келинади. Болгар танқидчиси Ефрем Каранфилов ёзганидек: «...инсоннинг маънавий қудрати ё унинг қўлида ҳокимият бўлганида ёки оғир ҳолат қаршисида юзага чиқади». Лекин йирик проза жанридаги асарларда характер ўсиш жараёнида, динамик ҳаракатда очиб берилади. Маълум вазият ёки ҳолатда муайян персонаж ё характер мураккаб, зиддиятли кечинмалар гирдобига тушиб қолади. Вақтинча ожизлик, заифлик, руҳсизлик каби кайфиятлар шахснинг вужуд-вужудини чулғаб, уни маънавий ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйиши мумкин. Ана шундай бир шароитда шахс зил юк бўлиб босиб турган заифликни енгиб чиқиш учун ўзида қандай куч топа билганини ва мана шу кучнинг моҳиятини очиб бериш муҳим роль ўйнайди. Албатта, пасткаш, тубан, қўрқоқ қандай бўлса, шундайлигича қолаверади, лекин олижаноб, жасоратли қалб эгалари бундай кезларда ўзларида мардлик, маънавий куч топа биладилар. Шу тарзда кескин вазият қаршисидаги шахс маънавий дунёсининг фожеавий ифодаси конкрет тус олади.

Ёзувчи романнинг асосий қаҳрамони Бектемирни оғир вазият исканжасида бир неча бор кўрсатади, ўз характери билан даҳшатли ва ҳалокатли шароитнинг объектив суронлари қаршисида буларнинг барчасига биринчи бор рўбарў бўлиб турган шахснинг — субъектнинг дунёқарашини қарши қўйиш ва зиддиятли ҳолатнинг диалектик тасвирини бера билиш муаллифнинг ўзидан катта ҳаётий тажриба ва бадиий маҳорат талаб қиларди. Ёзувчи буни ажойиб тасвир йўсинида амалга оширади.

Осмонни душманнинг «юнкерс»лари қоплайди. Уларнинг сон-саноғи йўқ. «Самолётлар қора бўрондай тепада бир айланиб, ажалкор қоида ва тартиб билан шўнғийдилар. Яна ер фиғон кўтариб титради, ҳавога тупроқлар минораси юксалди. Иложи бўлса, чуқурга бутунлай сингиб кетмоқчи бўлган Бектемирнинг жовдираган кўзларига тупроқ ва дуд урарди.

Бектемир учун бу қанотли балолар тамоман даф этилмас, ёвуз куч каби туюлади. Мардликни севган мағрур йигит ўзини ожиз, забун, ихтиёрсиз сезди. Унинг борлигини ғазаб эгаллаган, кўзларида нафрат ёнди. Бу ғазаб ва нафратнинг кучи бениҳоя эди. Аммо бу куч ўз иложсизлигини сезиб, руҳни қийнарди».

«Қуёш қораймас» романидаги бу эпизод Михаил Шолоховнинг «Улар Ватан учун жанг қилдилар» асарида тасвирланган бир воқеани ёдга солади: кучли ирода эгаси, жасур аскар, энг хавфли ишларга ҳам совуққонлик билан қўл урадиган Иван Звягинцев ўт ва олов пуркаб олти соат муттасил давом этган жанглардан бирида оғир аҳволга тушиб қолади, қандайдир аснолар ичида «окопни чуқурроқ қазиш керак эди» деган фикр хаёлидан ялт этиб ўтади, вужудида даҳшат ҳисси ҳукмрон бўлиб қолади. Қўллари ўз-ўзидан шалвираб, тиззаларига осилиб тушади, боши қуйи эгилади, оқаришиб кетган лаблари титраб, товушсиз пичирлайди ва чўқина бошлайди. Бир неча бор аҳмоқона истак: рўпарадаги баландлик сари, қора деворлар орқасида окопларда ётган душман томон югуриб бориб ҳалок бўлишга чоғланади, лекин фавқулодда ирода кучини ишга солиб, маънисиз бу ҳаракатдан ўзини зўр-базўр тийиб қолади. Звягинцев вужудида рўй берган бундай ожизлик атиги ярим соатлар давом этади, ҳужум бошланиши билан эса, қаҳрамон илгариги жасорат, мардонаворлигига қайтади, лекин ўзида рўй берган ожизлик учун ўнғайсизлик, номус ҳисси уни бир мунча вақт таъқиб этади.

Икки йирик ёзувчи ўртасидаги ўхшашлик шундаки, ҳар икки адиб ҳам уруш шароитида инсон руҳий оламида рўй бериши мумкин бўлган ички зиддиятли ҳолатлар тасвирини реалистик тарзда очиб бермоқдалар. Ҳар икки ҳолатда ҳам шароитнинг таҳликали тазйиқи остида шахс руҳиятида вужудга келган зиддият бутун таранглиги билан, кучлилиги ва чуқурлиги билан фожеавий оҳанг касб эта боради.

Характернинг қаҳрамонлик ишларига қодирлигини унинг маънавий-руҳий моҳиятидан келтириб чиқариш ва асослаб бериш «Қуёш қораймас» романида ёзувчи маҳоратининг муҳим белгиларидан бирини ташкил этади.

Ёзувчи, назаримизда, ўз қаҳрамонини оғир вазиятлар исканжасига отиб, уруш оловлари ва гулдурослари ичида обдан тоблаётгандай туюлади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бектемир дилга ҳукмронлик чангалини солаётган даҳшат ва қўрқув каби ожизлик билан кескин олишади. Заифлик туйғуларини енгиб ўтишида муҳитнинг ўзи — жангчиларнинг жасорати, ўлимни писанд қилмай душман сари ҳамла билан ташланишлари, вазиятнинг ўта кескинлиги муҳим вазифани ўтайди. Забунликни енгиб ўтиб, урушнинг оддий ва актив иштирокчисига айланишгача бўлган йўлни босиб ўтиш ҳам, — ёзувчи буни бевосита таъкидламасада, — катта жасорат йўли эканлиги асар мазмунидан англашилиб туради. «Энди тамом! Суянгим шу чуқурда қоладиганга ўхшайди. Ўзингга омонат!» дея пичирлаб тамоман умидсизликка тушган Бектемирнинг аянч ҳолати жуда қисқа вақт давом этади. Бектемир шу чоқ ўнлаб жангчиларимизнинг душман устига қараб югурганини кўради. «У ҳеч қандай команда эшитмаса ҳам, ғазаб, нафратига чидолмасдан, уни обдан шу жаҳаннамда қовуриб, кейин бўғмоқчи бўлган ўлимга жаҳл қилгандек, чуқурликдан сакраб чиқди-да, олдингга томон отилди».

Бу жараён Бектемир қалбида қисқа бир муддат ичидаёқ рўй беради. Ёзувчи характерда юзага келган ўсишни, вазият ва шахс ўртасидаги диалектикани тўғри илғаб олади. Зеро, характер ўсиб боргани сари маънан теранлашади. Ойбек Бектемир характерини шароит динамикасига мос равишда тараққиётда кўрсатади. Шундан сўнг урушнинг кўлами ва миқёсини тасвирлашга бошлайди. Чунки бусиз халқ, Ватан бошидаги фожеани кенг тасаввур этиш мушкул эди. Бошқа томондан, характернинг қаҳрамонлик характерини очишда, айниқса йирик жанрда, бундай талабга амал қилиш зарурий шартлардан ҳисобланади.

Романда партизанлар фаолияти ҳам, фашистлар томонидан вақтинча босиб олинган қишлоқлардаги ҳаёт ҳам, чекиниш ва дастлабки мағлубиятлар заҳматини ўзида ифода этган оғир вазиятлар ҳам, уруш ўз домига тортган болаю чол, эркагу аёл, халқ ва Ватан озодлиги йўлига жонини тиккан оддий солдатдан тортиб генералгача — буларнинг барчасини ёзувчи қамраб олишга интилган.

Ойбек романда Сафар чўтир, Али тажанг, Асқар полвон, Дубов каби жангчиларнинг ўзига хос образларини яратади, кескинлик билан юзага чиққан коллизиялар воситасида уларнинг руҳий-маънавий ўзгаришларини бадиий тадқиқ этади. Ёвуз душманга нисбатан ўчмас қаҳру ғазабга, Ватан ва халқ учун меҳру муҳаббатга тўла ажойиб рус аёллари Анна ва Надя, қишлоқдаги яширин курашчилар билан партизанлар отрядининг алоқачиси, фрицлар томонидан осиб ўлдирилган Яшкин бобо, эри ва қизидан ажралган жасур партизан аёл Вера Петровна, мажруҳ бўлишига қарамасдан ўз қўли билан бомба ясаб, душман эшелонини портлатишга муваффақ бўлган Бублик — буларнинг барчаси асарда тасвирланган уруш шароитининг кўламини кенгайтирган. Мамлакат ичкарисидаги ҳаёт ва у ерда меҳнат қилаётганлар фаолияти жангчиларга совға юборган Клара Пронинанинг мактуби, фронтга келган Олтинойнинг пахта терими ҳақидаги хабарлари, Москва заводларидан бирида ишлаётган Салима Ҳасанова ҳаётига доир чизгилар воситасида кўринмас иплар орқали ўзаро боғланади. Ойбекнинг уруш даврида яратган шеърларидан бирида «Қудратли дарахтларимиз — илдизимиз бир» дея таърифланган улуғвор, ҳаётимиз қонунига мос ғоя асарнинг бутун руҳига сингдириб юборилган.

Ёзувчи асар қаҳрамонларини турли вазиятларга солиб, уларнинг хатти-ҳаракатларини тадқиқ этар экан, уларнинг ўзига хос жиҳатлари тўкисроқ очилишига интилади. Бектемир Улуғ Ватан уруши муҳитида шаклланган, халқ билан бирга нафас олиб, инсоний олижаноб фазилатларини намоён этиш даражасига кўтарилган қаҳрамондир.

Хуллас, ёзувчи Ойбек «Қуёш қораймас» романида уруш шароитининг кенг манзарасини яратиш ва унда ҳаракат қилаётган турли характерларни бадиий тадқиқ этиш орқали қаҳрамонларнинг маънавий жараёнларини, уларнинг моҳиятини очиб берди. Бу асар шахснинг ижтимоий зарурат тақозосига кўра ўз маънавий қудратини тўла-тўкис намоён этганлигини бадиий тасвирлаши билан алоҳида қиммат касб этади.

Барҳаёт адиб Ойбекнинг Улуғ Ватан уруши мавзуини бадиий тадқиқ этиш борасидаги тажрибалари турли авлодга мансуб ижодкорларимиз учун муҳим аҳамиятга моликдир.

Баҳодир АМИНОВ

Жорж БАЙРОН

ДОН ЖУАН

Жорж Гордон Байрон (1788 — 1824) жаҳон шеъриятида ўзига хос романтик оқим яратган шоирдир. Унинг ижоди кўп қиррали ва ранг-баранг-дир. Улуғ шоирнинг «Дон Жуан» достони алоҳида аҳамиятга эга. Фикр озодлиги тараннум этилган бу асар қулликнинг ҳар қандай кўринишига қарши кўшиқдек жаранглайди. Асарни Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг адабий бюртмаси билан шоир Абдулла Шер таржима қилаяпти. Қуйида шу таржимадан парча ўқийсиз.

Ҳайди фарёдидан уйғонган Жуан
Бир қўлда қучди-ю ёрини чаққон,
Бир қўлга қилични олди девордан —
Ғазабда қилай деб ёвни қора қон;
Сўз қотди то шу дам индамай турган
Ламбро ғижиниб: «Чақирсам шу он
Юз шамшир тураж ак фармонимга шай
Ташла қиличингни, нодон болакай!»

Қичқирди шу маҳал Ҳайди деб: «Жуан!
Бу, ахир, Ламбро, бу менинг отам!
Тиз чўксак кечиргай, кечиргай лутфан!
Оҳ, азиз отажон! Мен ўпай бу дам
Тўнингиз барини бахту ғам билан,
Ота, шафқат қилинг! Наҳотки, ситам
Менга қисмат бўлса? Мени жазоланг,
Лекин бу болани, отажон, аянг!»

Қаҳрли сукутда чол турар адл,
Хотиржам овозу хотиржам қараш
Ортида яширин, ҳайҳот, кекчи дил!
Қизига бир қараб, индамай, у, ғаш,
Жуанга боқаркан, йигит бетабдил,
Юзлари ловуллаб турарди пешкаш;
Жанговар ўлимни кутарди шунқор —
Дуч келган рақибни чопишга тайёр.

«Бола, тиғни ташла!», деди чол такрор,
Жуан дер: «Мен таслим бўлмайман бежанг!»
Ғазабдан бўзариб қароқчи дарҳол
Олди тўппончасин ёнидан: «Аттанг,
Уволинг ўзингга, на чора, баттол!»
Сўнг ҳиссиз сасига қилиб ҳамоҳанг
Тўппонча тепкисин кўтарди шу он —
Жуандан кўзини узмай совуққон.

Нақадар хунукдир «шақ» этган товуш
Тепкини оғайнинг кўтарган маҳал, —
Тўппонча милидан боққанда нохуш
Сенга ўн икки ярд наридан ажал;
Яқин дўстинг билан бўлсанг жиққамушт
Туюлмас унчалик яқин бу мўлжал;
Бироқким отишса гар бир-икки бор,
Бермас бу товушга унча эътибор.

Ламбро ўқталди; бир зумдан сўнг, бас,
Тугарди Жуан ҳам, ушбу қўшиқ ҳам,
Лекин ўзи билан Ҳайди шу нафас
Ерин шартта тўсиб қичқирди: «Хўжам,
Улдиринг мени ҳам: у айбдор эмас.
Ҳалокат туфайли бўлди у маҳрам;
Мен уни севаман! Мен сизга қизман!
Қизингиз ўлса ҳам қайтмагай сўздан!»

Бир дақиқа аввал тўкиб юм-юм ёш,
Боладек ҳўнгарди, энди-чи, бу чоқ
Турарди тик қараб, мағрур тутиб бош
Бамисли ҳайкалдек, ғазабдан оппоқ, —
Ногаҳон тақирдан ўсиб чиққан тош
Сингари бастини нишон қилиб, боқ:
Нигоҳи даҳшатли, кўзлари нақ чўғ,
Отасин қўлига ёпишган ҳам йўқ.

Отага боласи, болага ота
Тикилар индамай — нақадар ўхшаш!
Кўзларда бир хил чўғ, бир хил ифода,
Бир хилдир мағруру ёввойи қараш;
Қизда ҳам отадек ўжар ирода, —
Янги ўргатилган арслондек саркаш,
Отаси лол бўлиб, бетма-бет турар,
Қизида жўш урган ўз қонин кўрар.

Улар бир хил эди, очиғин айтсам,
Ёшу жинсда эди фарқлари фақат;
Ўхшарди қўлларин бўғимлари ҳам, —
Дарҳол сезиларди сал қилсанг диққат;
Дийдор қувончидан йиғлайдиган дам, —
Кўриб уларнинг бу ғазабнок шиддат —
Жаҳд аро турганин, англайсиз бехос
Не ҳолга солишин бизни эҳтирос.

Отаси жим тургач шу кўйи бир оз,
Қуролни қистирди секин белбоққа,
Қизига ўқрайиб қилди эътироз:
«Мен таклиф этмадим уни бу ёққа,
Унга мен бахтсизлик соғинмадим, рост»,
Лекин ҳақоратга жавоб бермоққа
Мажбурман, бу — менинг бурчимдир, зеро,
Ҳар қандай ибтидо топгай интиҳо.

Қилични ташласин, гап шу; йўқса гар
Боши кўпток бўлгай шу ерда бешак!» —
Деб чалди ҳуштагин қароқчи падар,
Шу зум янгради-ю жавобан ҳуштак,
Деярли товондан саллага қадар
Қуролланган девдек йигирма эркак
Ўради атрофни, чол деди тажанг:
«Ўликми, тирикми — тутилсин фаранг!»

Кейин кутилмаган бир ҳамла билан
Ҳайдини ўзига тортди у силтаб,
Қолди қуршов ичра бир зумда Жуан;
Қанча юлқинмасин — барибир бенаф:
Ҳайди чиқолмади ота қўлидан:
Сўнг қилди Жуанга қароқчилар даф —
Тугаб пайт пойлаган илондек сабри;
Елкаси чопилиб қулади бири.

Иккига ажради бирининг юзи;
Бироқ учинчиси, уста қиличбоз,
Узоқдан қайтариб зарбни, сўнг ўзи
Зарб урди яқиндан икки бор шоввоз;
Йигитча қулади букилиб тизи
Рақибин оёғи остига паққос —
Қўлию бошидан қилич еб шу он:
Нақ жажжи ирмоқдек шарилларди қон.

Дарҳол қўл-оёғин боғлашиб шунда,
Кекса Ламбронинг буйруғи билан
Йигитни қиргоққа элтишиб, унда
Қайиққа ўтқазиб суздилар тездан
Шай турган кемалар ёнига тунда,
Улардан бирига ташланди Жуан;
Соқчига буйруқ шу: маҳкамланиб люк,
Зийрак қўриқлансин трюмдаги «юк».

Фалакнинг ишлари, асли тескари,
Ва лекин баридан ўтиб тушди бу:
Еш, гўзал, бадавлат, тақдир саррари
Иззатга муносиб жентельмен, ёҳу,
Кутилмаган пайтда қўл-оёқлари
Боғланиб, ярадор ҳолда тушди-ку
Қароқчи кемага асир бўлиб, боқ,
Севгани туфайли уни гул дудоқ.
Энди Дон Жуанни тарк этай бир пас, —
Шўрлик гар бўлса ҳам оғир ярадор;
Бу тан жароҳатин қиёслаб бўлмас,
Ахир, қалб дардига Ҳайдининг зинҳор!
Бундайлар дод солиб сочларин юлмас,
Тақдирга тан бермас ёлбориб абгор:
Онаси Фесданким, фесликлар албат
Тан олур ё жаннат, ё қумни фақат.

Улкан зайтунлардан томади унда
Мармар ҳовузларга каҳрабо шарбат;
Дону гул, ниҳоллар қулф урар кунда,
Оғули дарахтлар сочар ҳалокат;
Арслонлар ўкирар қоқ ярим тунда,
Туялар туёғин қум унда беҳад —
Куйдириб, қулатар — ночордир карвон;
Юртидек ёвқур қалб у ерда инсон.

Африка қуёшдан иборат буткул,
Инсонлар феъли ҳам қумдек қизиққон,
Яхшилик, эзгулик билмай тағофул
Араблар қонида жўшар бегумон;
Шу қуёш ўтида ўсмишди норғул
Ҳайди онаси ҳам ўзгаларсимон:
Кўзлари тубида ётган эҳтирос
Сояда мудраган арслонга қиёс.

Қизи-чи, симириб майин нур тафтин
Еаги оқ булутдек, борлиғи кумуш,
Суронли қалдироқ, чақмоқлар заптин
Ҳис этмай қалбида сузарди дилхуш.
Ўз Сомон йўлидан то бу кун сокин;
Аммо бу аламдан сўнг сокин бувуш
Танида жўш урди нумийлар қони,
Самум тўзғитгандек бутун саҳрони.

Сўнг бор у кўргани шариллаган қон,
Ҳибсга олинган бемажол Жуан;
Энди сал аввалроқ суйгани комрон
Юрган ер қонига унинг бўялган;
Кўрган заҳотиёқ буни ногаҳон
Фарёд кўтарди-ю сўнгги куч билан,
Бир титраб қулаган қарағай мисол
Отаси қўлига йиқилди беҳол.

Қайсидир томири чирт этди алҳол,
Оғзидан кўпириб оқди қуюқ қон;
Жала чўрт синдирган бинафша мисол
Тушди гўзал боши шилқ этиб бир ён;
Дод-фарёд кўтариб оқсочлар дарҳол
Бекачни элтишди тўшакка нолон,
Доривор гиёҳлар келтиришди тез,
Лекин кўмак бермас ҳеч бири бу кез.

Кунлар ўтиб борар, ётар у бир хил —
Ўлим ҳам келмайди, томир ҳам урмас;
Юзида қон йўғ-у, лаблари қизил;
Мудрамас ва лекин ўрнидан турмас;
Умидвор боқарди ҳали ҳар бир дил —
Илинжни қабристон этмаган абас,
Юзида ҳозирча қалби ёнарди, —
Шу сабаб ютишдан ер ҳам тонарди.

Акс этар шунақа дардли эҳтирос
Мармар ҳайкалларда қотиб то ҳануз,
Зуҳрога абадий шу ҳиссиёт хос,
Шундан Лооконда мангу гўзал тус;
Шундан Улаётган Гладиатор боз,
Боз тирик йилма-йил, кечаю кундуз;
Бундай ҳайкалларнинг қудрати шулким,
Абадий яшайди уларда ўлим.

Ниҳоят кўз очди Ҳайди ғалати,
Тирилган ўликдек: ҳамма нарса ёт,
Мажбурий гўё бу яшаш муҳлати, —
Фақат ғамгин нигоҳ, на бир хотирот;
Юракнинг биринчи зарби-шиддати
Ул азоб ҳиссини уйғотса-да бот,
Ул азоб сабабин англолмас бемор,
Фурия вақтинча бермасди озор.

Маъносиз нигоҳи сирғалар бефарқ.
Ҳаммаси бегона: буюмлар, излар...
Сўрамас гунг каби — у сукутга ғарқ:
Не сабаб атрофин ўрамиш қизлар;
Хотирин олмишди бешафқат бу чарх,
Унга таъсир этмас овунчли сўзлар;
Ҳатто оқ тортишга мадори келмас,
Тириклигин фақат англатар нафас.

Гиргиттон бўлишар қизлар беҳуда,
Беҳуда ўлтирар отаси бедор;
Бугун унут унга кечаги жуда
Азиз ҳисобланган нимаики бор;

Қайга ётқизишса — кўнар осуда,
Уни хотирсизлик этмишди абгор;
Фақат гоҳ кечмишни эслатар толғин
Кўзида ярқ этиб даҳшатли ёлқин.

Чилторчи чорлашни бир малай айтди;
Келиб, у созлади чилторни узоқ:
Дастлаб таранг торлар янграган пайти
Ҳайди ёниб боқди бир муддат, бироқ
Тезда, сўнг, аввалги ҳолига қайтди,
Деворга ўгирилди — қалбида титроқ;
Созанда куйларди қадим бахтларни,
Золимлар ҳаддидан озод вақтларни.

Деворни чертишга киришди тезда
Чилторга ҳамоҳанг Ҳайди бармоғи,
Аммо ишқ қўшиғи бошланган кезда
Хотира уйғониб, ёнди ёноғи;
Кечмишу бугуни нақ тушдек эсда, —
Тикланди лов этиб фикр чироғи;
Ногоҳ тоғ селидек қуюлди бебош
Мияни қоплаган булутдан кўз ёш.

Бу қисқа бир юпанч, алдамчи ҳолат!
Хотира ақлда уйғотди тўфон;
Турди-ю ўрнидан сакраб шу соат,
Ададсиз нафратда ташланди ҳар ён;
Сўз айтмай, дод солмай, қилмай маломат,
Дуч келган нарсани айлади яксон; —
Гарчанд сусайса-да ёввойи хуруж,
На гап кор қиларди, на боғлаб уриш.

Хотира милтиллар; бирор дам аммо
Отасин юзига боқмасди фақат
Эслашга беҳуда уриниб гоҳо
Нарсаларга узоқ қиларди диққат;
Кийиниш, тамадди учун-ку асло
Кўндира олмасди уни ҳеч даъват;
Баридан ёмони, бироқ, эди шу:
Бечора бир зум ҳам билмасди уйқу.

Шу тарзда ўн икки кечаю кундуз
Мумдай эриб бориб, ниҳоят бир кун
Йиғисиз, оҳ-воҳсиз, айтмай бирор сўз
Еш қалб мангуликка шўнғиди забун:
Бошда турганлар ҳам қайси пайт ёвуз
Ажал чанг солганин сезмади дилхун,
Фожеа билинди анча кейинроқ, —
Оловли кўзларнинг чўғи сўнган чоқ.


Ўлди у ва лекин бир ўзи эмас,
Унинг вужудида яна бир зурёд, —
Гуноҳнинг бегуноҳ гўдаги нафас
Оларди типирлаб то бу кун ҳаёт;
Унга муддатидан олдин кўринмас
Тобутни тахт этди бу замин, ҳайҳот!
Бу гулу мевага мангу тун қўнди,
Фалакнинг ёғдуси беҳуда энди.

Шу тарзда яшади у, шундай ўлди у, —
Энди йўлай олгай на уят, на ғам!
У ойлаб ё йиллаб қалбида қайғу
Тошини ташишга кўникиб, пурғам
Яшовчи зотлардан эмасди, ёҳу!
Гўзал муҳаббати чақиндек бир дам
Умрини ёритиб, сўнг этди ҳалок;
Суюк ул қирғоқда ётар — энди хок.

Ястанмиш энди тунд, кимсасиз орол,
Учоқлар кул босган, уйлар чалдевор;
Энди на хўжа бор, бордир на қарол,
Йўқолмиш ўт босиб даштда қўш мозор;
Отаю қиз қабрин биргина шамол
Билар-у, бу сирдан этмас хабардор,
Фақат пўртаналар инграр аламда
Циклада гўзалин эслаб мотамда.

Юнон гўзалларин куйлатар, бироқ,
Ишқий қўшиқларда чақнаб қиз номи;
Ороллик боболар қисса айтган чоқ
Ламбро исмидан жўшиб каломи —
Дерлар: ҳалок бўлган гўзал гул ёноқ
Ҳаётин сўндирди ишқ интиқоми,
Савдойи қалб борки, ҳалок бўлажак,
Зероки, Муҳаббат — Интиқом демак!..

Инглиз тилидан Абдулла ШЕР таржимаси



Андижон шаҳрида ёш техниклар станциясининг ташкил этилганига йигирма йилдан ошди. Суратда: самолёт моделлари тўгарагининг раҳбари В. М. Ладиженский ўқувчилар билан машғулот ўтказмоқда.



11-мактаб ўқувчиси Абдувосил Абдуллаев ёш техниклар станциясига мунтазам қатнашиб келади.

Р. Ашуров фотолари (ЎзТАГ)



Учқўрғон район, Охунбобоев номли колхоздаги 8-ўрта мактабнинг 4-синф ўқувчилари Равшан Болтабоев ва Шаҳобиддин Тўлашев ёш техниклар тўгарагининг фаол аъзолари ҳисобланадилар.

В. Мосин фотоси

ХАР ТЎГРИДА БИР ШИНГИЛ

ҚУЁШ ҚАСРИ

Мисрликлар ҳар йили икки марта фиръавн Рамзес II шарафига бағишланган анъанавий байрамни нишонлайдилар. Нубия тоғлари яқинидаги дарёнинг юқори оқимида — Мисрнинг буюк ҳукмдори томонидан қурилган Абу — Симбал эҳромлар комплексида ҳар йили икки марта тантана бўлиб ўтади. Октябрь ва февраль ойининг йигирманчи кунида олимлар ва студентлар, мутахассислар ва умуман қадимий ёдгорликларнинг мухлислари Носир кўли узра баландликда — қоятошга ўйиб ишланган Рамзес II эҳромига йиғиладилар.

... Тонг шуъласи қадимий бино деворларини ёритиши биланоқ ҳарир нур парчаси худди мўъжизадек қалин тош қатламларидан синиб ўтади. Аввал фиръавн ҳайкалининг чеҳраси ёришади, кейин улкан баландликнинг энг ичкарисидаги маъбудалар нурга чўмади. Гранитнинг сунъий равишда парма-ланган йўлакларидан сиргалиб ўтган нур ҳайкалларнинг ҳаммасини навбатма-навбат шуълалантиради. Сўнгра қадимий пайтларда Ра худосининг муқаддас қайиғи турган меҳроб нурга чулғанади-да, сеҳрли шуъла шу пайтдан бошлаб, ярим йил муддатга кўздан ғойиб бўлади.

Бизнинг кунларимизда нафақат саёҳатчилар, балки мисршунос олимлар, жаҳоний ном қозонган меъморлар ҳам қалин тош қатламининг ҳар бир миллиметри ва мураккаб система йўлакларининг ҳар бир оғиш бурчаги эҳром қаърига ёғду тарала-ши аниқ ҳисоб-китоб қилиб қурилган қадимий ишшоот ижодкорлари маҳоратидан ҳайратга тушадилар.

МЕТЕОРИТЛАР ТЎПЛАНМОҚДА

Дрезден шаҳри яқинидаги обсерваторияда қачонлардир ерга тушган осмон жисмлари (метеоритлар) тўпланаётир. Тўпланган нарсаларнинг энг қадимийси бизнинг сайёрамизга 1492 йили тушган осмон жисми ҳисобланади. Осмон жисмларини йиғиш давом этмоқда.

ОЗОДЛИК КУЙЧИСИ

Таниқли афғон адиби Ғулом Ғавс Ҳайбарий 1936 йилда Афғонистоннинг шарқида жойлашган Нангарҳар вилоятининг тоғлиқ Ком районида дунёга келди. У ўз она қишлоғида бошланғич маълумот олганидан кейин Кобулга келиб, ўрта маълумотли бўлади. Шундан сўнг Деҳли университетига кириб ўқийди.

Ҳайбарий ҳозирги замон афғон насрининг бошловчиларидан бири сифатида ўз ижодида ватанпарварлик, афғон халқининг чет эллик эзувчиларига қарши, инглиз мустамлакачилик сиёсатига қарши кураши масалаларини дадил ёритди. Адиб ижодининг дастлабки давридаги асарларда тарихий мавзу, мамлакат мустақиллиги учун инглиз босқинчиларига қарши кураш мавзуи ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Ҳайбарий ижоди ҳақида сўз кетганда, унинг «Бўронлар» («Тўфонҳо» — 1954) романини, «Қондаги доғлар» («Лаккаҳои хун» — 1956) номли ҳикоялар тўпламини, «Ҳайбардаги отишмалар» («Тўфангдорини Ҳайбар» — 1958), «Улаётган қаҳрамон» («Қаҳран мемирад» — 1958) қиссаларини тилга олиш жоиздир. Адибнинг барча асарлари Кобул шаҳрида нашр этилган. Шунингдек, у бир қатор драматик асарларнинг ҳам муаллифидир.

Ҳайбарий саккиз йилдан кўпроқ вақт мобайнида афғон радиосининг ҳинд радио эшитувчиларига мўлжалланган компаниясида диктор бўлиб ишлади. У ҳозир ҳам, аввалгидек, Афғонистон радиосида Покистонга чегарадош бўлган пашту ва белуж қабилалари учун эшиттириш олиб борадиган редакция мудири бўлиб ишламоқда.

Эндиликда Ҳайбарий ижоди 1978 йилги Савр инқилобига, Афғонистон Халқ Демократик партияси ғояларига хизмат қилмоқда. Савр инқилобининг душманларига, уларни қуроллантириб, маблағ билан таъминлаётган Америка империализмига, ички ва ташқи реакцияга қарши кураш масалалари унинг ижодида муҳим ўрин тутади. Шу муносабат билан адиб ижодида совет ва афғон халқларининг дўстлиги, Савр инқилоби ғалабаларини мустаҳкамлашда афғон халқига интернационал ёрдам кўрсатаётган совет жангчилари мавзуи ҳам сезиларли ўрин эгаллайди.

Ҳайбарий бир йўла икки тилда: пашту ва дарий тилларида ижод қилади. Унинг кўпгина асарлари, жумладан, «Кичик жангчи», «Маймуна ўлди», «Милтиқли келинчак», «Ҳимоячи гўзал қизлар», «Кесилган бармоқлар» сингари новеллалари рус тилига таржима қилинган ва тўпламларда чоп этилган.

Ғулом Ғавс Ҳайбарийнинг «Гулхан алангаси» номли ажойиб новеллалар туркумида афғон халқининг душманлар билан курашдаги мардлиги, қаҳрамонлиги, журъати ва қатъияти кенг миқёсда тасвирланади. Муаллифнинг бу асари пашту тилида ёзилган. Қуйида ана шу новеллалардан намуналар эълон қилинди.

Савлатшо МЕРГАНОВ,
Тожикистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг бўлим мудири

Ғулом Ғавс ҲАЙБАРИЙ,
афғон адиби

ҲАЙБАРГА ЕТИБ КЕЛГАНИМ ҲАҚИДА

МЕН пайшанба куни йўлга чиқдим... Совсизликдан қийналганим сабабли йўлда тез-тез тўхтаб дам олардим: ёмғир мавсуми бошланганига қарамай, катта ва кичик ариқларнинг барчаси қуп-қуруқ эди. Бунинг устига, зерикиш жонга тегди: мен ёлғиз эдим, сафарда ҳамроҳ билан юрганга не етсин. Зерикканимдан гоҳ қандайдир бир қўшиқни хиргойи қилардим, гоҳ Шекспирнинг «Ҳамлет»ини қўйнимдан чиқариб варақлардим, баъзан кўзимни юмиб олганимча, хотиним ёзган хатларни соғинч билан ёд ўқирдим. Яқин-яқингача хотинимдан ҳар жума куни хат олардим. Ҳозир шу хатлар ҳақида хаёлга берилиб, яна ўтмишимни эсладим-у хафа бўлиб кетдим.

Уйдан чиққан пайтимда қизим беш ёшда эди. Ўзимнинг ана шу зурриётимни энди ҳеч қачон кўролмайман деб ўйлай олармидим? Йўлга чиққанимдан бир неча ойдан сўнг қизчамнинг ўлими ҳақида хабар келди. Уч-тўрт кунгача ҳеч ким билан сўзлашмадим, томоғимдан ҳеч нарса ўтмасди. Лекин қўлимдан нима ҳам келарди. Оливия энди йўқ.

Шу орада яна бир бахтсизлик юз берди: Мэри мендан ажралишни талаб қилиб хат ёзди. У менинг қайтиб боришимга умиди йўқлигини ёзган эди. Мен ҳеч нимага тушунмасдим. Ўз дўстим Франкдан хат олмагунимча, ҳеч нарсани англолмай юравердим. У менга қуйидагича хат ёзди: «Жонсон! Сен қачонлардир мени қарздор қилиб қўйган эдинг, энди мен ўша қарзимни узишим керак. Сенинг шаънинг ҳақоратланди. Мэри сени шарманда қилди. Мен ҳамма гапни хатда ёзолмайман, бунинг учун журъатим етишмаяпти... Ихтиёр ўзингда. Жонсон, ҳамма гап ўзингга ҳавола».

Қалбимда ўч олиш олови қуруқ ўтиндек ловуллаб ёнарди. Мен борганимдан кейин айбдордан қандай ўч олишни муттасил ўйлардим. Худди шу ниятда хотинимдан ажралишга рози бўлмадим.

Ўзимнинг ғуссали ўйларим билан банд бўлиб, Турхамга яқинлашиб қолганимни ҳам сезмабман. Кеч кириб борарди. Тағимдаги от чарчаганидан тихирлик билан одимларди. Ўзим ҳам эгарда ўтираверіб ҳориб кетдим ва отдан тушдим. Шоша-пиша овқатланишга киришдим. Бирор соатча дам олдим, атрофни кузатдим. Тушган жойим яхшигина эди, шу ерда тунамоқчи бўлдим. Отим ўтлаб узоққа кетиб қолди, ҳар замонда унинг оҳиста кишнагани эшитиларди. Негадир бирданига ваҳима босди, баданим чумоли юргандек жимирлаб кетди...

Ногаҳон қоронғуликда иккита одам шарпаси кўзга ташланди. Албатта, улар афғонлар эди! Улар отимни тутишга уринардилар. Улардан бири аёл кишига ўхшарди. Афтидан, улар ҳам менинг ўзимдан бехабар эдилар. Титроқ ичида лаш-лушларимни йиғиштирдим-да, эмаклаганча қочишга тушдим. Ортимга қараб-қараб қўярдим. Лекин омадим юришмади: ҳалигилардан бири иккинчисига нимадир деди. Униси менинг ортимдан югурди. Мен тезроқ югурдим, афғон эса менга етиб олди. Тўппончамни қўлга олиб, тепкисини босмоқчи бўлдим-у, лекин негадир бундай қилолмадим...

Қувиб келаётган одам яқинлашиб қолганида ҳам қўлимда тўппончам билан турардим. Мен унга диққат билан тикилдим — қадди-қоматидан куч ёғилиб турган ёш йигит. Кўзлари катта, қопқора мўйлаби ҳам бор. Биз бир-биримизга ҳушёрлик билан тикилиб турардик. Менинг тўппончам унинг кўкрагига тўғриланган эди.

Мен уларнинг тилини билмаганим учун инглиз тилида сўзладим:

— Тирик қолишни истасанг, ўз йўлингга жўна.

Йигит кулиб юборди, чамаси, у менинг сўзларимга тушунган эди.

— Сиз бизнинг халқимизни яхши билмайсиз,— деди у киноя билан.

— Бу мамлакатда менинг тилимни биладиган одам топилмас, деб ўйловдим,— дедим мен.— Сен қандай қилиб...

Мен сўзимни тугатолмадим, йигит менинг қўлимдан тўппончамни юлиб олди.

Бу орада отимнинг юганидан ушлаганича унинг шериги етиб келди. Чиндан ҳам у аёл киши эди. Эгнига қип-қизил кўйлак кийган, пешонасига тиллақош боғлаб олган ёшгина қиз эди. Унинг бўйнида ҳам, елкаларида ҳам тангалардан ясалган безаклар бор эди. Қиз юрганида безаклари шилдир-шилдир овоз чиқарарди. У қуролланган эди.

Йигит унга ўз тилида нималардир деди. Қиз кулиб, йигитнинг елкасига осилди.

— Мистер Жонсон!— дея менга юзланди йигит.— Бу қиз менинг синглим Заррина бўлади. Иккаламизга сени ушлаш топширилган эди. Сен ҳали Роберт билан ажралмасингдан аввал биз сенинг йўлга чиқишингни билардик. Роберт — бизнинг одамимиз, у аллақачон мусулмончиликни қабул қилган. Унинг янги исми Акбар.

Мен худди туш кўраётгандек эдим. Йигит сўзида давом этди:

— Мен сени ўтган йили тўртинчи ноябрда кўрган эдим. Ушанда сен лейтенант Гордонни ўлдирган эдинг. Капитан Обенсоннинг елкангдан яралаганини ҳам кўриб турувдим. Лекин мен сени ўшанда ушлай олмадим, мистер Жонсон.

Йигит сўзларди, мен эса, унинг ҳамма нарсадан хабардор эканлигидан ҳайрон эдим. Ҳайрат билан гоҳ йигитга, гоҳ қизга тикилар эдим. Шунда Заррина ўз акасига деди:

— Холид! Кетайлик энди. Отам кутаяпти бизни.

Холид синглисини отга ўтиргизди. Биз йўлга тушдик. Заррина отда эди. Холид билан мен олдинда пиёда кетардик.

ЗАРРИНАНИНГ ОТАСИ

Саҳар пайти — соат бешда қишлоққа етиб келдик. Ҳовлилардан бирининг дарвозаси олдида бизни бир қария кутиб олди. Чамаси у мени тутиб келган ёшларнинг отаси эди. Заррина отдан сакраб тушди-да, отасига қўлини узатди. Холид ҳам қария билан сўрашди.

Бу пайтда қишлоқ кишилари муборакбод этгани худди шу ҳовлига шошилардилар. Ҳалиги қария менинг ёнимга келди-да, жилмайган кўйи қўлимдан ушлаб деди:

— Қўрқма, бу ерда хавф-хатар йўқ.

Қариянинг сўзларини тингларканман, ҳайрон бўлардим: уларнинг душманга бунақа муомала қилишлари биз европаликлар учун ғоят ҳайратланарлидир.

Мен уй эгаси билан бирга меҳмонхонага ўтдим. Чиройли гиламлар билан безатилган уйда қўлида чақалоғи билан бир аёл ўтирарди. Бу аёл мени ушлаб келган йигит билан қизнинг онаси эди. Ака ва сингил ўша аёл олдига бориб, таъзим қилишди. Мен ҳам бошимни эгдим. Беихтиёр кўзларимда ёш қалқиди. Ҳалиги аёл менга қаради-да, эрига юз ўгириб, деди:

— Зарринанинг отаси! Бу одамга зиён етказмадиларингми? Уғилгинам, Холид! Бу одамни хафа қилганинг йўқми!

Холид учун Заррина жавоб берди:

— Йўқ, онажон... Бу одамга ёмонлик қилганимиз йўқ. Бу бечора ўзи бироз қўрқди.

Уй эгаси мени ўтиришга таклиф қилди ва ўзи гилам устига жойлашди. Заррина билан Холид ҳам, қуролларини деворга осиб, бизнинг ёнимизга чўкдилар. Холид мени суҳбатга тортмоқчи бўлди:

— Қўрқма. Ҳеч ким сенга ҳеч қанақа ёмонлик қилмайди. Бу ерда бемалол яшайверасан. Токи...

У сўзини тугатолмади, хонага бошқа бир қария кирди. Ҳамма ҳурмат билан ўрнидан туриб кетди. Қария Холиднинг пешонасидан ўпди-ю менинг рўпарамга ўтирди.

— Бу киши менинг бўлажак қайнотам,— деди менга Холид.— Ҳозир менинг омадимдан хурсанд бўлиб келибдилар. Бу киши билан шундай шартлашган эдикки, сени тутганимдан кейингина қизини бермоқчи эдилар.

Заррина билан онаси чой дамлаб келиш учун уйдан чиқишди. Ҳозир келган қария Холиднинг отаси билан суҳбатга киришди. Холид ёнгинамда ўтирарди. Менинг эса, ҳеч ким билан сўзлашишга рағбатим йўқ эди — генералнинг топшириғи ҳақида ўйлардим. Ўзимча, Холид билан Зарринани бирор ҳийла билан алдаб, қочиб кетиш режасини тузардим. Балки тунда бу уйга ўт қўйиб, олашовурда қочиб қолиш керакдир. Йўқ, яхшиси уй эгасидан қаттиқ илтимос қилиш керак! Мен уларга ялиниб-ёлбораман, йиғлайман. Улар раҳмдил одамларга ўхшайдилар, қўйиб юборадилар. Сейллнинг топшириғи ҳақидаги фикр хаёлимдан кетмас эди. Бордию ўша топшириқни бажармасам, Сейлл билан Макгрегорга ўлим хавфи туғилади. Ахир, генерал қўшимча кучларга ишонган эди-ку...

Саккиз кундан бери шу қишлоқдаман. Холид ва бошқа уй эгаларининг хатти-ҳаракатларини кузатиб, афғонларнинг одатларини билиб олдим ва кўника бошладим. Афғон қабилалари ҳақида кўп нарсалар эшитишимга тўғри келди. Улар тўғрисида китобларда ҳам кўп нарсалар ёзилган. Бироқ, мана шу саккиз кун ичида кўрганларим китобларда ўқиганларимдан ҳам ошиб тушди: бу ердаги меҳмондорчилик, аёлларга ҳурмат, дўстлик, одамийлик, одамларга меҳрибонликнинг чеки йўқ эди. Менга нисбатан муносабатни айтмайсизми! Мен уларнинг душманиман, бироқ улар мени ўлдирмадилар. Ҳозир эса, улар билан бир ҳовлида яшаб, битта дастурхон атрофида еб-ичиб юрибман.

Туш пайти эди. Чой ичиш учун ҳамма йиғилди. Заррина биринчи пиёлани Холиднинг бўлажак қайнотасига узатди, иккинчи пиёлани менга.

— Мистер Жонсон,— деди Холид,— мана бу хамир овқатнинг номи прота дейилади, мана бу эса қора чой...

Шунда мен ҳозиргача бу қишлоқнинг номи билан қизиқмаганимни ўйлаб қолдим. Холиддан шуни сўрадим. У кулиб қўйди-да, Зарринага юзланиб деди:

— Сингилжон! Мистер Жонсон қишлоғимизнинг номи нима деб сўраяпти.

— Бу жойларнинг номи Ҳайбар деб аталади,— дея кулди қиз.

Юрагим орқамга тортиб кетди: мактабда ўқиб юрган вақтимиздаёқ Ҳайбарнинг номини эшитган эдим. Ўшанда бу ерга «Хавфли жой» деб ёзиб қўйган эдик. Ҳайбар ҳақида кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган воқеаларни гапириб беришарди. Бир куни ўқитувчимиз бу ерлар ҳақида бир насиҳат қилувди, ўша гап ҳали ҳам эсимдан чиқмайди:

Тун кечаларда Ҳайбарнинг тўрт тарафида эрталабгача гулхан ёниб туради. Бордию бирон бир кимса гулхан атрофидагиларга яқинлашмоқчи бўлса, ўзининг номини шивирлаб уч марта айтиши, сўнгра: «Эй, Ҳайбар, мен сенга келяпман!» деб қичқириши лозим. Агар ўша одам маҳаллий қабилалардан бўлса, олов бир ўчиб ёнади — бу нарса ўша одамнинг гулханга яқинлашиши мумкинлигини билдиради. Мабодо олов ўчмаса, Ҳайбар ҳам, оловнинг эгаси ҳам бегона одамнинг келишини хоҳламаган бўлади».

Бу гапларнинг қанчалик ростёлғонлигини билмайману афсонавий Ҳайбар сўзини эшитган пайтимда беихтиёр шу гапларни эсладим.

Нонуштадан сўнг меҳмон ўрнидан турди. Уй эгалари уни дарвозагача кузатиб қўйишди. Қария кетатуриб Зарринанинг бошини силаб нимадир деди. Ҳамма кулиб юборди. Биз уйга қайтиб кирганимиздан кейин Холид мени бошқа хонага олиб кирди-да: «Бироз дам олсанг бўлади», деди.

— Мистер Жонсон!— деди у хонадан чиқатуриб.— Эртага менинг тўйим бўлади, сен бизга ёрдамлашасан.

Туни билан уйқум келмади. Сейллнинг топшириғини ҳалигача бажармаганим учун қийналардим. Теварак-атроф жимжит эди, фақат қишлоқнинг бошқа тарафидан ит ҳуригани эшитиларди. Ҳамма уйқуда. Уйқусизликдан тоқатим тоқ бўлиб, ҳовлига чиқдим ва у ён-бу ён юра бошладим. Миямда бу ердан қочиш фикри пишиб қолди. Қатъий қарорга келган пайтимда Зарринанинг отаси ётган хонага яқинлашиб бораётган кўланка диққатимни тортди. «Шу уйдагилардан бирортасидир-да», деган ўй билан нариги тарафга бурилдим.

Бир неча минут ўтганидан сўнг эшикнинг қаттиқ ёпилгани эшитилди. Мен бурилиб қарадим-у уйдан тезлик билан узоқлашаётган кўланкага кўзим тушди. Мен савқи табиий билан — беихтиёр равишда қочиб бораётган одамни қувдим. Холид, Заррина ва уларнинг онаси уйғониб кетишди. Улар нима воқеа бўлганини билолмасдан довдираб қолишди.

Мен нотаниш кишининг ортидан тезда етиб бордим-да, тўппончасини тортиб олиб, ўзини ерга чўзилтирдим. У қаршилик кўрсатган эди, Холидни кўмакка чақирдим. Холид шу заҳоти етиб келди. Бирор дақиқа ўтар ўтмас тунги «меҳмон» қўли боғлиқ ҳолда ётарди.

Ногаҳон ўраклни ўртаб юборувчи қичқириқ эшитилди: Заррина ўз отаси ётган уйга кириб, падари бузрукворининг ўлиб ётганини кўрган экан. Шунда мен бу ишни ҳалигина ўзимиз тутиб олган ярамас қилганини тушундим.

Русчадан О. ҲУСАНОВ таржимаси

Абдулло ибн АЛ-МУҚАФФА

НАСИҲАТ

Абдулло ибн Ал-Муқаффа (Абу Муҳаммад Абдулло Рузбеҳ ибн Дадоя) VII асрда Эронда яшаб ижод этган аллома. У «Калила ва Димна»ни форс тилидан арабчага таржима қилган. Унинг «Рисолот ус-Саҳоба» («Ҳамкорлар ҳақида рисола»), «Ал-адаб ал-кабир» («Катталарга панду насиҳат»), «Ал-адаб ас-сағир» («Кичкиналар одоби») китоблари мавжуд. Қуйида шу алломанинг «Катталарга панду насиҳат» асаридан боблар ўқийсиз.

* * *

Азоб-уқубат ва дарду аламни узоқлатмоқ истасанг, ҳасадчи бўлма. Ҳасад хулқнинг пасткашлигидир. Ундайлар дўстлари, қариндошлари ва танишларига яқинроқ бўлиб, уларга ишониб ишлайди. Сендан кўра биров билан яхши муносабатда бўлиб ҳасадни ишлатса ҳам яхшилик кўришини билади.

Сендан кўра кўпроқ илм эгаллаган дўстинг ва ўртоғингнинг илмидан баҳраманд бўл.

* * *

Рақиб ва ҳасадчининг ҳаракатига разм солсанг, улар сенга рақиблиги ва ҳасадчилигини билдирмасликларини пайқаб оласан. Фурсат келиб, сенга душманлик қилишидан, ҳамла қилишидан ўзингни эҳтиёт қил. Рақибингга қарши адоват қилмаётганингни сездирсанг, бу ундан сенинг устунлигингдир.

* * *

Агар саркорлик истасанг, ўз хислатингни ошкор этма, чунки кимда-ким ўзини фаҳм-фаросатли деб танитса, кўпчилик олдида панд еб қолади ва одамлар ундан эҳтиёт бўла бошлайди, ҳаттоки заифлар ундан ўзини олиб қочиб, кучлилар эса, унга қаршилик кўрсатади.

* * *

Баъзан нуқсон ва камчиликлар қилиб қўйсанг, уни тўғрилай олмаганинг учун сенга одамлар олдида таъна қилишади, аммо сен ўзингни айбдор деб билмасанг ҳам, уни тузатмоқ лозим.

Елғонни қалбингда яширма, уни тайёрлама ва бирор мақсадда фойдаланма, чунки у сенга панд беради.

Арабчадан Қудратилло ТОШМАТОВ таржимаси



Зулфия МЎМИНОВА

ЎЗБЕКИСТОН

У ҳам саҳар туриб омонлик кутар
Қизлари — ой каби тўлинларига,
Уялмасин дебми, қарамай ўтар
Узидан кеч турган келинларига.
Ана аравага қишининг ғами —
Саратон сарғайтган янтоқни ортар.
Кейин отам каби пичан ғарами
Енида хаёлчан тамаки тортар.
У ҳам қайғуради далаларини
Тутмасин урушнинг ғубори, доғи.
Ҳа деб санамайди болаларини,
Баракаси ўчар деб ўйлайди чоғи.
Шунданми уйида чақалоқ кулар,
Ўйнаб бешигининг зар мунчоғини.
Шунданми аёли ой каби тўлар,
Шод қучиб бешикнинг суянчиғини.
Яктагида терлар ором олар кеч,
Яхшилик кўргазса гапириб юрмас,
Отамдек, олганин унутмайди ҳеч,
Бировга не берса ёдида турмас.

ҲАРБИЙ ВРАЧ

Медицина фанлари доктори, профессор Муқаддама Ашраповага

Бу аёл урушда иштирок этган,
Урушни эслашни ёмон кўрар у.
Чунки юрагини нишонга тутган,
Бинтлардан қон бўлиб отилган қайғу.
Ярим тун...
Эслашдан безиллаб турса ҳам юрак,
Хотирига кириб келаверади,
Оёқлари озғин, қўллари озғин,
«Мама, мамочка», деб йиғлаган гўдак.
Бирдан хотирига чинқириб кирар
Болаларни олиб келган эшелон.
Қоп-қора ўтмишда оёққа турар
Уруш, очлик, ўлим, қаҳратон.
Бу аёл урушда иштирок этган,
Урушни эслашни ёмон кўрар у.
Чунки юрагини чилпарчин этган,
Бинтлардан қон бўлиб сачраган қайғу.
Эслайди курганин фашист — имонсиз
Санбатнинг ёнига саноқсиз дорлар.
Эсланар уларда турган дармонсиз,
Энг ожиз беморлар, ғолиб беморлар.
Хотирга жарроҳлик қилолмади у,
Хотирот яшайди ярага тўлиб.
У қайтаверади сувга кетгану
Ҳеч қачон қайтмаган ҳамшира бўлиб.
Хотирот чуқурроқ очилар экан,
Маҳкамроқ бекитар у қулоғини
Эсламоқчи эмас бўлиниб ётган
Қайсидир онанинг чақалоғини.
Ана у келмоқда ой каби тўлин,
Кўнглига бегона ўжар ҳисгина.
Шамоллар энтикиб артади йўлин,
Изларини ўпиб титрайди зина.
Бу аёл урушда иштирок этган,
Урушни эслашни ёмон кўрар у.
Чунки юрагини нишонга тутган,
Бинтлардан қон бўлиб отилган қайғу.
Эслайман: эскирган ел тегирмонни,
Енида дардларин тўкаётган тол,
Янтоқдек дасталаб оғир армонни,
Аравага ортиб қайтаётган чол.
Эслайман: хаёли қўзи-ю қўйлар,
Сафсата сотишга вақти йўқ чўпон,
Эшигин хиёнат чертмаган уйлар
Ва қишлоқ ёнида сокин қабристон,
Йиғлаб шеър ёзаман барига тинмай,
Бўғзимга жон битиб қадалганда сўз.
Кўзимдан шудрингдай оқади
Нарпай —
Кўпригидан қишлоққа ўтаётган қиз.

МАНСАБПАРАСТ

ЎзКомпартия Марказий Комитетининг XVI пленумидан сўнг ишдан олиб ташланган шахсга

Сенинг мансаб курсинг жуда тез ўсди,
У халақит берди ерни кўришга
Тоғларни кўришга,
Қирни кўришга,
У халақит берди ўт саратонда
Пешонадан оққан терни кўришга.
Ҳатто тушларингнинг йўлини тўсди,
Сен туш кўрмай қўйдинг отангни.
Қабулингда отанг тенгилар турди,
Сен туш кўрмай қўйдинг хатонгни,
Назарингда фақат омадинг юрди,
Емғирли куз куни пахтасин ўраб,
Уйқу нелигини билмай тун билан
Сенинг ёрдамингни кутди диёнат.
У долзарб кунларда —
Улуғ кунларда
Макру ҳийласини ортиб сен билан
Оппоқ машинангда юрди хиёнат.
Ҳузурингга тинмай қатнади алдов,
Туҳматга телефон номеринг бердинг.
Сендан нажот кутди чўпон ва қишлов,
Сен айшу ишратга томиринг бердинг.
Ғийбатчилар билан қўшилиб кетдинг,
Қўлтиғингдан олди пуфак қувончлар,
Қарсакдан энтикдинг, эшилиб кетдинг,
Курсингнинг остида ўлди ишончлар.
Дийдани куйдирган аччиқ ёш каби,
Нафс йўлларида қолган тош каби
Бўғизга тиқилдинг.
Сени олиб қўйди бир кун ҳақиқат,
Неки бор унутдинг, тушишинг керак.
Ҳавойи курсингдан мана, ниҳоят,
Ҳаётга йиқилдинг,
Ерга йиқилдинг,
Ўзингни табриклаб қўйишинг керак.

* * *

Сени кўриб қолдим анча узоқдан,
Бу аниқ сен эдинг мангулик хаёл.
Умрим қишларида совуқ титроқдан
Лабларим устида музлаган савол.

Ўша кун йиғладим то тонгга қадар,
Кўтара олмайин бу кичик бахтни.
Деразам ёнида шамол дарбадар
Излади кесилиб кетган дарахтни...

* * *

Хазон кўрпасидан кўриниб қолган
Оёғин узатиб мени кутар тоғ.
Майсаларнинг ширин нафаси қолган
Олмаларни ўпиб ерга қўяр боғ.

ДУЭЛЬ ДАВОМ ЭТАДИ

«Пушкин» метро станциясидан репортаж

Эшиклар очилади, «Пушкин» станцияси,
Болалик аёлга йўл бер, илтимос,
Шамларда титраган илтижо ҳаққи,
Аёл — деб, жон берган бир даҳо ҳаққи,
Болалик аёлга йўл бер, илтимос.
Станциядагилар,
Мен сиздан репортаж оламан бу кун.
Сиз тўхтанг!
Ҳа, сиз.
Бир аёл-ла, бир умр яшаб,
Бир даста гул совға қилмаган
Бошингизга ёққан қорингиз кураб,
Сизни кўкка тутган қўллар олдида
Тиз чўкмаган, тавба қилмаган,
Олифта эркак,
Пушкиндан бирор шеър ёд биласизми?
Едингиздан чиқибди.
Йўқ!
Чақираман сизни дуэлга,
Дуэлга чақираман.
Елғон кулгунгизни,
Лоқайд нигоҳу
Пуч севгингизни.
Адресим мана, секундантларим —
Бутун ер шари,
Сиз ҳам тўхтанг!
Ҳа сиз —
Қийшиқ тишларига олтин қоплаган,
Дунёни сув босса ғами йўқ ўрдак,
Ҳид келган томонга тулкидай кезиб,
Ҳаёни соплаган, орни соплаган
Хоним.
Сизни гапиртирсак,
Сиздан ҳол сўрсак.
Пушкиндан шеър ўқиб титраганмисиз?
Йиғлаб чиққанмисиз тунлари билан?
Нега илжаясиз?
Тушунарли,
Дуэлга чақираман сизни бу оқшом.
Дуэлга чақираман,
Йўқолган ору
Йўқолган виждон
Оч нафсингизни,
Дуэлда ўқ эмас,
Сўз отилади.
Мен шеър ўқийман рақибларимга,
Рақибларим Пушкинни ёд билмаганлар.
Улар бор
Шаҳар, область, районларда,
Курортларда, ресторанларда
Рақибларим бор.
Мен шеър ўқийман,
Токи
Ташландиқ боладек йиғларкан имон,
Мунглиғ латифалар айтаркан ҳаёт,
Чўнтакдан — чўнтакка ўтаркан виждон,
Ипини узаркан тунлар хиёнат,
Мен шеър ўқийман,
Демак, дуэль давом этади.
Сиз гувоҳ биласиз секундантларни.

МАХТУМҚУЛИ — ЗАМОН ШОИРИ

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

Қақнусга ўхшаб ёндим тириклай.

Машраб

Қардош халқларнинг у ёки бу даражада умумий бўлган фикру туйғулари бир буюк ижодкор Қалб орқали аксини топиш ҳодисаси тарихда кўп учрайди. Буни Алишер Навоий таъбири билан халқларни «яккалам» этиш, бадиий ижоддаги яккаламлик санъати, деб характерлаш мумкин. Улуғ туркман шоири Махтумқули дили ўз эли ва юрти сарҳадларидан бениҳоя кенг шоир, шеърияти такрорланмас ижодий Қалбдир. Махтумқули — онг даражаси, бутун маънавий маърифати билан шарқона тафаккур ва руҳиятнинг марказида турган санъаткор. Махтумқули туркман, ўзбек, қозоқ, қирғиз — бизнинг ҳаммамизнинг шоиримиз. Унинг асарлари шеъриятимиз қонида жўшган ўзига хос Дард тўлқини, кўзларида мангуга нақшланиб қолган бир Армон сувратидир. Бу шеърият Махтумқули сиймосида ўзининг энг қадимий ғоявий-бадиий анъаналарини давом эттириб, ривожлантириб, оламга донолик, яна донишмандлик нурларини сочди. «Ҳибатул ҳақойиқ», «Қутадғу билик», Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий пандномаларидаги оҳанглар Махтумқули тажрибаларида янгиланиб, ҳаёт ва реал воқелик билан чуқур муносабатини топган йўналишлар ичида умр кечирмоққа бошлаган эди.

Махтумқули шеърияти ўзбек маданиятининг қонуний бир бўлаги, эҳтиёж қисмига аллақачонлар айланиб улгурган. Бу шеърият ҳар биримиз учун бир таълим Академияси. Ундан инсонийлик, ахлоқ ва одоб, ватан ва ватанпарварлик мазмунларида, тубанлик ва жаҳолатга, унинг барча кўринишларига муносабатда сабоқ ўрганиш имтиёзлари чегарасиздир. Маълумки, шоир ижодиётида панд-насиҳат оҳанги устунлик қилади. Лекин Махтумқули пандномасида шижоат, жасурлик, қаҳрамонликка ундаш биринчи ўринда туради.

Қўрқа-қўрқа қийин аҳволга тушдик,
Тақдир нима бўлса кўрилсин энди,
Фикр қозонида қайнадик, пишдик,
Тегма, қон жўш уриб тўкилсин энди...

Шоир лирикасида ўша даврда босқинчи зулмига кўникиш ва барча ахлоқсизликларнинг дояси сифатида икки хусусият, икки иллат изчил қораланади. Булардан бири — кўрқоқлик, иккинчиси — нодонлик. Мутеликларнинг ҳамма кўринишлари у ёки бу зайлда шу икки иллатнинг ҳосиласи, самараларидир.

Аллома шоир панд-насиҳат шеъриятини Шарқ ва Яқин Шарқ адабиётидаги анъанавий қоидалардан анча четга чиқиб, сўз, фикр ва ифода оҳангларини оғзаки нутққа фавқулодда яқинлаштиради. Шоир бирор ўринда ҳам қуруқ насиҳатгўйликка берилмайди, шеърларида Юрак сўзлайди, қалб ёнади, кўнгил овозлари баралла эшитилиб туради.

Унинг ишқий шеърларини ўқиганда эса, шоирнинг дилидаги дард зарби, аламли тўлғанишларининг ҳаракатлари аниқ сезилиб туради. Бироқ, «Жисмим кабобга дўнди, гирёна бўлдим энди» дейилгани сингари ҳолатлардан кўра, ифода самимияти қалбни ортиқроқ тебратади. Шоир лирик қаҳрамонининг севги ўти атрофида парвона бўлишлари у қадар узоқ чўзилмайди. Қисматига айрилиқ чанг солади. У кутилмаганда юрак мулкининг шоҳидан ажралиб, дунёвий эркини йўқотади. Ва ўзини худди гулидан ажралган булбулдай ҳис қилади. Ошиқ ҳақдан нажот кутади. Фарёдлари тангри даргоҳигача етиб бормаганидан эзу юртдан мадад кутади. Халқу халойиқнинг мадад ва мурувватини шу бўладики, у ўз бечоралиги, ғариб ва бекаслигини аввалгидан кўра, неча ҳисса зиёдроқ идрокдан ўтказади:

Эзу юрт раҳм айламас, бир мен каби бечора йўқ,
Юрагим юз порадир, аммо танимда яра йўқ,
Сен ғарибсан, мен фақирман, сену менда чора йўқ,
Севганим, тақдири ҳақдир айирган биздан сени.

Махтумқули лирик қаҳрамонининг ёлғизланиши, яхши-ёмон, қалбли-қалбсиз кишилардан ўзини бегона тута бошлашига сабаб фақат унинг ишқий драмаси, ёлғиз ҳижрон азоблари эмас, албатта. Бунинг бошқа асосий жиҳатлари ҳам мавжуд. Аммо айрилиқ ошиқ дилидаги танҳоликни, ёлғизликка иштиёқ майлларини ғоятда кучайтиради. Шундай қилиб, унда «халқдан қолиб» тоғу тошларга кетиш, дашту саҳроларда кезиш асосий ниятга айланади. Ва эрк, таскин, суянч — ҳамма-ҳаммасини ҳудудсиз борлиқ, она табиат бағридан топмоқлигига инонади. Унга бедард, шуурсиз кимсалар муҳитида қийналиб юришдан, тоғлар орасида оғочлар билан ўтириш яхши ва ўнғай туюлади:

Кимни кўрсам бир пешада,
Менинг кўнглим андишада.
Тоғлар ичра, бир гўшада,
Ўлтирсам оғочлар билан...

Бундай қаралса, ушбу орзуга эришиш у қадар қийинмасдай. Даҳрнинг абадий бир адолатсизлиги балки шундадирки, барча замонларда ҳам «Тақдир деган подшоҳ бўлса, ошиқларнинг ҳоли танг», азобланишаверишган. Қисмат тузоғидан қочиш Махтумқули тасвиридаги ошиққа ҳам насиб қилмаган:

Қисмат қўймас, кетсам узоқ йўлларга,
Насиб қўймас, кетар йўлим боғлар, ҳей.
Мажнун каби ҳайрон чиқай чўлларга,
Бориб маскан тутай сизни, тоғлар, ҳей!

Кетиб кетолмаслик, туриб чидолмаслик, яъни икки орадаги тортишув ҳиссиёти бора-бора «фикр дарёсига» «ақл кемаси»ни чўктиришга яқинлаштиради. Шунда ошиқ нигоҳида заҳру май, васлу ҳижрон, дўсту ағёр — барчаси гўё аралашиб, маъно ажратиши янада оғирлашади.

Йўл йўқотдим, тоғ қайсию туз қайси,
Уқмас дилим: маъно қайси, сўз қайси.
Фаҳмим етмас, йўл қайсию из қайси.
Умид узиб, қочолмайман, найлайин!

Хуллас, «дунё — оламни кезиш» тилагида ўртанган кўнгил «Қанотим йўқ, учолмайман, найлайин», деган маҳзун тасаллодан бўлак чора тополмаса-да, қисматга қарши исён қилишдан сира чекинмайди.

Махтумқули шеърларидан бирида «Дунёда онглидан — онгсизи кондир», дейди. Шоир хулосасида оламнинг асосини ташкил этган бу онгсизлар — «билмас балолар». Бу сўз уқмас жоҳилларга тирикчилик ва нафсга алоқасиз юксак фикру туйғуларни сингдириб бўлмайди. Чунки улар «одам тилли ҳайвондир». Шоир қаҳрдан олов бўлиб ёниб, тилидан ўтлар сочади:

Махтумқули, тили ўтли, ўт сочар,
Юзсиз, нокасларнинг айбини очар.

Шоир айбини очган юзсиз, нокасларнинг асосий ва катта қисми ҳасадчи, порахўр, ғийбатчи зотлардир:

Халойиқ барчаси ҳасадхўр бўлди...
Сипоҳий барчаси порахўр бўлди.

Пора қонун юритган, ҳасадхўрлик ривож топган жамият одамларидан қандай яхши фазилат кутиш мумкин? Улар порахўрликни эплолмаса, бошқа тубан йўллар билан тирикчилик юритишади. Еки «шайтон бўлиб» элни йўлдан оздирадиган товламачи, хушомадгўй, яна аллақандай диёнатсиз кимсаларга айланишади. Махтумқули турфа қилмишларин «издиҳом ичида» яшириб юрган «бадкор мунофиқ», ичида «тонналаб кўмири бор» ҳасадчи, дили илон заҳрига тўла иғвогарларни ҳар кун кўрган, кузатган, уларнинг сони бунчалик кўплигини тан олиш унинг руҳини оғир тош бўлиб босади. Бироқ шоир ҳеч маҳал пассив кузатувчилик қилмайди. У ғийбатчиларнинг «хачирдек чаён»-лигини фош этади.

Ғийбат эса, инсон юрагига озор етказиш, уни эзғилашнинг яширин шакли, калтакесакка ўхшаб зимдан судралиш йўлидир. Ғийбатчилар ўз умрини елга бериб, сенинг «хатинг, сўзинг кўча-кўйда кездиради»ган, охир-оқибатда «гуноҳнинг зил юки» остида янчиладиган ҳазарли тоифа ҳисобланади. «Жирканч улар, бунга гумон бўларми?» Махтумқули ҳасадгўй, ғийбатчиларга доир фикрларида уларнинг жирканчлигига ўқувчини тўла ишонтиргиси келади. Аммо аҳвол шунга бориб етганки, «Халойиқда ибрат ҳам йўқ, кўрим йўқ, Мажлисида бир насиҳат қилар йўқ». Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Дунё ишлари, одам қилмишларига холис боқиб, «Ҳалол қайси, ҳаром қайси билар йўқ». Барчаси аралаш-қуралаш. «Фойда қайси, зиён қайси, билинмас».

Имон, инсоф, диёнат, адолат, виждон, поклик — булар улуғ инсоний тушунчалар. Одам қачон инсофли ва диёнатли бўлади? Қачон виждон шевасига содиқ юради? Имон деганда, нимани билмоқ лозим? Покликнинг нурли ва нурсиз чегараси қандай аниқланади? Мана шунча саволга лўнда қилиб, «Ҳалол қайси, ҳаром қайси» билинганда, деб жавоб бериш мумкин. Ҳаром билан ҳалолни фарқлаш — олам-даги бош фалсафа. Махтумқули «Мажлисида бир насиҳат қилар йўқ», деганида билимдон, оқил одамларни назарда тутгани, шубҳасиз. Хўш, бундай кишилар топилмаганми? Топилган. Бироқ Махтумқулидек улар ҳам халойиқ орасида ўзларини чорасиз сезганлар, оломонга гап уқтиролмай азият чекканлар. Махтумқули айтмоқчи, «Оқил бўлган ғамда юрагин эзиб, Дардининг дармонин сўроқлаб — кезиб», «Замонанинг бузуқ бўлганин ёзиб» ёки ўрни-ўрни билан гапириб юраверган.

Оломон — нодонлик, жаҳолатдан сармаст тўда. Унинг маърифат даражаси — тақлид. Оломонни бошқарувчи ички куч — нафс ва ҳирс. Навоийга ўхшаган даҳоларнинг «Нафсингга хилоф иш қилғилки тинғайсан» деганидай ўгит-насиҳатлари ҳам оломонга таъсир ўтказа олмаган. Лекин бундай оломон қаёқдан пайдо бўлади. Унинг ҳомийси, раҳнамо қудрати қаерда? Шу маънода барча Шарқ шоирлари сингари Махтумқули ҳам дунё ва замонни айблайди. Шоир учун одамларнинг йўлдан озгани билан замон бузуқлиги теппа-тенг тушунча:

Энди билдим замонанинг озганин,
Емонлар яхшидан қоча бошлади.
Қайта, бадасиллар асилзодадан —
Писанд этмай, тўрга кўча бошлади.

Замоннинг озгани ҳақиқат. Шоирнинг бунга заррача шубҳаси йўқ. Буни у фақат бадасилларнинг «аслзодадан» тўрга чиқиши-ю, ёмонларнинг яхшидан қочиш ҳодисаларидагина кўрмайди. Шоир ҳаётга теран боқади, фожианинг манзараларини миқёслари билан акс эттиради. Ахлоқий айниш, сиёсий тутуриқсизликлар шоҳлар остонасидан бошланган: «Шоҳларда қолмади ҳукми адолат». Шоҳ адолатсиз, ўғри бўлгач, унинг атрофидаги амалдорлари қароқчи бўлиши тайин: «Бир пул учун муфти берар ривоят...». «Бил, бу ишлар нишонайи қиёмат», дейди донишманд шоир. Бироқ қиёматнинг асосий манзараси меҳнаткаш элнинг хўрланиши, фақир кулбалардаги ҳодисотлардир.

Фақирлар хўрланиб, юзин сарғайтиб,
Ким теграсин топиб, рангин қизартиб,
Золимлар мазлумнинг белин қабортиб
Қамчисиндин қонлар соча бошлади...

«Мазлумнинг белин қабар»тиш ғуссаси қанча элпарвар, жону жаҳонини халқи, Ватани иқболига қурбон қилишга тайёр не-не қалбларни кемирмаган, тилмаган? Шундайлардан бири Махтумқули эди. Бир ёндан юртни «фоҳишадан бўлган ҳаромхўр» амалдорларнинг «йиқа бошла»шлари, иккинчи томондан, ариқлар фуқаро ва етимлар кўз ёшларидан дарёларга дўниб, эзгулик дарёларининг кўмилаёзгани улуғ шоирни йиғлатарди. Бу оддий йиғи эмас, кўз ёш бўлиб тўкилган виждон...

Кетган қайтмас йўлидан,
Тушмас ёмон феълидан.
Диёнат халқ қўлидан —
Кетди деб йиғларман.

Бу — йўқотиш марсияси. Оламда шундай йўқотишлар бўладики, улар хусусида бутун элу юртга фақат шоир гапириб, фақат уғина мудроқ кўнгилларга ўт қалаб йиғлай олади. Махтумқулининг улуғлиги ҳам шунда.

Махтумқули — келажак шоири. Унинг дили истиқбол оғриқларига тўла бўлган. У охирги нафасларигача халқи ва жонажон Ватанининг эртаси орзусида куну тунларини қийноқда ўтказган, «Фақирга жабр этган золимнинг иши» жазосиз қолмас, «Махтумқули, ғарибларнинг кўз ёши — Тоғларни ёндирар, эритар тошни», деб ўйлаган, «Ўз эрким билан Сўз дейман, Келажак ризққа ғам ейман», дея масалага кенг миқёсда қараган. У ўзича ҳар бир шахс келажак ғамини тортишини истаган. Афсуски, шоир атроф-муҳитда эл-юрт истиқболини ўйлаганлардан, «тирноқ билан тоғлар»ни тирнаб бўлса-да, мол-давлат тўплаётган баднафсларни, ўзини бедовдан паст санамаган «эшак»ларни кўпроқ кўрган. Бевосита ҳаётий таассуротлар асосида «Бу жаҳонда тўймас кўзинг сер бўлмас, Ҳар тулкидан йўлбарс бўлмас, шер бўлмас», дегандай доно хулосага келган.

Махтумқули — руҳшунос санъаткор. У инсон табиати тебранишлари, психологиясидаги ижобий ва салбий қатламларни баъзан биргина шеър доирасида ҳам очиб, таҳлилдан ўтказа олади. Шундай шеърлардан бири «Тан ёпмоққа кўйлак истар ялонғоч» сўзлари билан бошланади. Тўғри, одам иссиқ-совуқдан сақланиши учун ҳам қандайдир кийимга эга бўлиши шарт. Лекин инсон қавмини ҳайвондан ҳам тубан, онгсиз жонзотлардан ҳам аянч қилиб кўрсатадиган бир салбий хислати бор. Минг йилларки, ундан одам боласи қочиб қутула олгани йўқ. Бу — таъма, одам наслидаги гушналикнинг чегарасизлиги. Махтумқули шеърда шу масалалар тўғрисида мулоҳаза юритиб, охирда дейди:

Ер юзи тўлдирмас кўзинг
хонасин,
Қорун каби неча хазнанг кон
бўлса.

Демак, кўз тўймаслик — инсондаги бедаво касаллик, меросий офатлардан. Наҳотки, бу иллатдан қутулиш мумкин бўлмаса? Махтумқули — инсон толеига бир томонлама қараб, одамлардаги манфий хусусиятларни сўзлаш билан кифояланиб, уларни нажотсиз қолдириб кетадиган ижодкорлардан эмас. Шоир вужуддаги нафсоний, ҳайвоний, шайтоний майлларга қарши курашиш, кишиларни ботиний покланишларга етишишларига эътиборни қаратади. Унингча, қуйидагилар бунинг шартлари бўлиши мумкин. Биринчи, «Ўзни тани, ман-манликдан инавер...». Навбатдагиси, «Қардош бўлма терс-ҳароми, фитна-расволик билан, Бошингни ғавғога солма моли дунёлик билан». Яна бири, дунёга муносабат, уни танишда ғафлатда қолмаслик:

Ғофил одам ғам тагида
ётибсан,
Ўтди умринг майда-чуйда кор
билан.

Умрни «майда-чуйда кор билан» ўтказмоқдан зиёдроқ ғафлат, нодонлик бўлмаслиги ҳақиқат. Шу сабабли майда шахслар ҳеч маҳал «ғам тагида» ётганликларини ўзлари идрок эта олмайдилар. Майда ташвиш кишилари эса, табиатдан ажралган, ички ҳурликдан бутунлай маҳрум ногиронлардир. Махтумқули дунёни илонга қиёслаб, майда ғалвачи бечораларни шу афсунгар илон қўйнида ёстаниб, ётиб юрганлар дейди:

Дунё — илон, ёстанибсан,
ётибсан,
Тинч бўларми ётган ўша мор
билан?

Махтумқули пандномаси образли панд бўлгани учун ҳам юракни тамсилий ҳақиқатлар, мантиқий эҳтиролар билан тўлқинлантиради.

Иқболинг уйғонса, давлат ёр
бўлса,
Тоққа кесак отсанг, тошни
синдирар,
Толеинг терс келса, бахтинг
шўр бўлса,
Паловнинг гуручи тишни
синдирар...

Жаҳондаги ҳар бир босқинчи қайси эл ва Ватан тупроғига қадам босаркан, энг олдин у чинакам шоир юрагига оёқ босади, жирканч пошнасида халқнинг ижодкор фарзандлари руҳини эзғилайди. Тарихдан маълумки, Махтумқули яшаб, ижод этган даврларда туркман халқи эронийларнинг босқинига йўлиққан эди. Шоирнинг она тупроғига босқинчилар худди «қаро бало» бўлиб ёпирилишган:

Келди қаро бало, элни талади,
Оғзин очиб, тили билан
ялади...

Махтумқули бутун қалб нафрати билан Сўзни шу талончи офатларга қарши курашга бағишлайди. Улуғ шоир босқиндаги Ватани қисматини ўйлаб, интиқом, номусу ор учун қасос ўтларида ёнади, эрки кишанланаётган халқни душманга қарши жангга отлантирадиган мисралар тизади, ўчмас хитобномалар битади: «Махтумқули айтар то танда жон бор, Биз қолмайлик қизилбошга бўлиб хор...» Шоир назарида келгиндилар қўлида хор бўлишдан, қўтир филдай уларнинг меҳнатларини бўйинга олиб зулмларига чидашдан кўра, жанг майдонларида ўзни ўлимга топшириб, озод кетиш афзалдир.

Чинакам шоир — номус сарвари, ғурур дарғаси. У эл номуси ва ғурурининг поймол қилинишига ҳеч қачон тоқат қилолмайди. Ахир унинг қалбида Ватан яшайди. Шоир муросага борса, юзсизликка кўнгудек бўлса, ахир унинг дилида Ватан йиғлайди. Шу сабабли Махтумқули ҳақиқатни хаспўшламасдан ўзига-ўзи баралла ҳайқиради: «Сен куйла қиличнинг тиғида! Ушанда элюртинг чидамас». Ҳа, у «қиличнинг тиғида» куйлади. Унинг тутган йўли бутун санъаткорларга ибратдир. Зеро, ҳақиқий ижодкор бошқа йўлни танлай олмайди ҳам. Бизнинг асримизда қўшиқ айтиб жон берган Виктор Хара фикримиз тасдиғидир.

Махтумқули халқ эрки, Ватан озодлиги учун Сўзни қурол қилган, босқинчилик ва қулликдан пайдо бўладиган машъум асоратларга қарши сўз жангчисига айланган жаҳондаги жасур, энг фидойи ватанпарвар шоирлар сафидаги буюк санъаткордир.



Суратда: Тошкент Тўқимачилик комбинати комсомол ёшлар бригадаси бошлиғи Аякўз Соғиндиқова.

С. Величкин фотоси (ЎзТАГ)

Абдураҳмон ЖОМИЙ

ҲИКОЯТЛАР

* * *

Шаҳзода ёшликдан топиб эзгу ном,
Ишратдан қўлини тортди батамом.
Гарчи у шаробга лаб урди илк бор,
Ундан тавба қилди, ичмади такрор.
Май қадаҳи, қувонч сувлари бари,
Унинг мажлисидан қолди ташқари.
Макруҳ нарсаларни қилмай истеъмол,
Нафсини енгиб у тополди камол.
Унинг базмига йўл тополмай бўза,
Ҳасратдан йиғларди май тўла кўза.
Гарчи шиша эди шаробдан мағрур,
Унга ҳам қўлини чўзмади бир қур.
Биларди ичса гар пиёла шароб,
Бўлар майхўрликдан аҳволи хароб.
Кўз бирла қулоқ бор жумла ҳайвонда,
Яна фаросат ҳам бордир инсонда.
Ақлнинг душмани шароб, эй ҳушёр,
Дўстни мағлуб қилма душманга
зинҳор.
Икки юз хазина зар бўлур абас,
Бир томчи шаробдан тотган бўлсанг,
бас!
Оқил умр бўйи қон ичса авло,
Ақлу ҳушни сотмай шаробга асло.
Паёпай қадаҳлар сипқоргани он,
Қўлида бор илми бўлади яксон.
Ақлидан ажралиб гўё батамом,
Телбадек ҳаёти этади давом.
Умрбод май ичган шарманда бўлгай,
Ўздан кечиб майга у банда бўлгай.
Қанча шароб ичиб бўлмагин шодон,
Ғафлатда ўтади умринг, эй нодон.
Юз йил ичиб яна бўлсанг ҳам сархуш,
Сени тарк этмагай оғули бу туш.
Бошқа йил ҳам унга қиларсан қиёс,
Ҳаётинг кечади бурунгига хос.

* * *

Бир майхўр тавбага қаратди юзин,
Тавбада гуноҳдан поклади ўзин.
Давлат қуши бўлди омадига банд,
Мартабаси бўлди тавбадан баланд.
Бир дўсти ҳайратда сўради андоқ:
«Бу юксак камолга эришдинг қандоқ?
Йиллар май ичардинг бесабру қарор,
Не хислатдан топдинг бундай
эътибор?»
Деди: «Май жомини лабга элтиб гоҳ,
Бўлардим шодлигу фараҳга ҳамроҳ.
Ичмоқни тусамай кўнглим аввало,
Бошқа қўл чўзмадим қадаҳга асло.
Шу туйғу кўнглимни забт этиб мудом,
Майнинг севинчидан кечдим батамом.
Менга тавфиқ бериб бу эзгу ният,
Юз роҳат эшигин очди беминнат».

Тожикчадан О. БЎРИЕВ таржимаси





ИККИ МИНГ ЁШЛИ ЧИНОР

Ҳудди шундай мўъжизавий дарахт Озарбойжон республикасининг Мартуна районига қарашли Схторавшан қишлоғига салобат бериб турибди. Унинг улканлигини кўрганлар, ёшини эшитганлар ҳайратга тушадилар. Баҳайбат дарахт тушининг атрофи 27 метрга тенгдир, бу тупдан яна тўртта улкан поялар ўсиб чиққан. Шу ерлик қариялар 1920 йилнинг баҳорида бу дарахт остида 11-армия қизил аскарлар отрядининг, яъни юз кишининг челаклаб қуйгандек қаттиқ ёмғирдан сақланганини эслайдилар.

Паҳлавон чинор ёнида ҳатто энг иссиқ кунларда ҳам сув чиқадиган булоқ бор. Дарахтнинг қудратли илдизларини худди шу булоқ сув билан таъминлаб туради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бу баҳайбат дарахт ердан салкам тўрт ярим кубометр намликни сўриб олади. Республика Фанлар академиясининг ходимлари ушбу дарахтнинг ёшини икки минг йил деб аниқладилар.

МУЗЕЙДА ТУҒИЛГАН ТОШБАҚА

Доғистондаги музейда ғалати ҳодиса юз берди — бу ерда тошбақа туғилди. Воқеа қуйидагича бўлди: музейда ишлайдиган аёллардан бири «Табииёт» бўлими учун уч дона кичик-кичик оқ тухумчалар олиб келди. Маълум бўлишича, бир неча кун аввал аёлнинг қизчасига қўшни болалар ботқоқда яшашга мослашган тошбақа совға қилишибди. Кутилмаганда тошбақа устма-уст учта тухум тугибди. Тухумчаларни музейдаги витринага қўйиб қўйдилар. Кўп ўтмасдан эса музейга ташриф буюрганлар ойна остидаги пўчоғи синган тухум ёнида ўрмалаб юрган тошбақачани ҳайронлик билан кузатдилар. Музейда туғилган тошбақага Муза деб ном беришди.

Абдулҳай НОСИРОВ

БОҒНИНГ ТЎРТ СУРАТИ

НАВБАҲОР

Қушлар чуғурлашиб қолди тонгданоқ,
Боғимга чорлади, етаклаб кетди.
Пойида ирмоқлар чалиб қўнғироқ,
Ниҳоллар новдаси куртаклаб кетди.

Кўрдим, чучмўмалар қошида пешвоз
Елади ҳашарчи асаларилар.
Деворлар ёнига тўшаб поёндоз,
Чаманга айланди айвон-сўрилар.

Гиёҳлар ёмғирда сочини ювса,
Уфқни ёндирди ранглар ўйини.
Капалаклар шодмон бир-бирин қувса,
Ялпизлар — йўлига сочди бўйини.

Бошига келинлик шоҳи ташлабоқ
Баҳорим жилмайиб, яшнаб тўлди боғ.

АЙНИ ЕЗ

Қуёш шодлигидан яйради-ёнди,
Олмазор сочларин ҳидлади тўйиб.
Иссиқ оғушида қайнади-қонди
Япроқлар, нурига осилди суйиб.

Гулларнинг лабига улашди ханда,
Алқади меҳнаткаш чархпалакларни.
Ариқлар бўйида туриб қолганда,
Минг рангда товлатди камалакларни.

Тўлқиндай чайқалиб завқу шон, ғулув,
Ғайрати тошиб боғ ғайратларидан —
Энгашиб келди-да меҳрибон, сулув
Татиб кўрмоқ бўлди шарбатларидан...

Меҳрини кўз-кўзлаб чўғдай ярақлар —
Энтикиб-энтикиб жонон дарахтлар,

ХАЗОНРЕЗГИ

Сунбула сувлари тиниб осмондай,
Сарғайган баргларни елкалаб олди.
Боғча ортидаги чинор посбондай,
Ойнинг шуълаларин тилкалаб қолди.

Чўғланиб ёнади олмазор-боғир,
Шамолларга сочиб тангаларини.
Уй суриб толади, хўрсиниб оғир,
Чақирган бўлади янгаларини.

Офтобнинг йўлига югуриб чиқиб,
Қани шўх ёниши, ёндиришлари...
Йиққан-терганларин этакка тўкиб,
Кўҳлиги-кўзларни тиндиришлари...

Ҳувиллаб қолса-да ловуллаб қучоқ,
Орзулар қўйнида онажоним — боғ.

АЕЗ

Тоғларда тентираб адашган шамол,
Боғимни соғиниб гупириб келди.
Қанотларин сувлаб, совиб, безавол,
Йўлкалар хазонин супириб келди.

Телбадай қутириб, қуриб мадори
Йиқилди, новдалар олди яшириб...
Зоридан йиртилиб булутлар бари —
Шодликми, гулми, нур сочди учириб...

Осмоннинг ёгдусин шимиб чарақлар,
Оқ ўраб табаррук момо дарахтлар.

ТАҚРИЗ

ҲИКОЯЛАРДА ҲАЁТ ТАСВИРИ

Шукур Холмирзаевнинг чорак аср мобайнида ёзган асарлари жамланган «Бодом қишда гуллади» номли ҳикоялар тўплами босмадан чиқди.

Китоб ҳикоялар мавзуига кўра «Тоғ», «Дашт», «Қишлоқ» ва «Шаҳар» бўлимларига ажратилган. Бу бўлимларни бирлаштириб турган ўзак, бу — муаллиф образи, унинг ҳикоя воқеалари ва қаҳрамонларига муносабатидир. Айни чоғда бу бўлиниш шартли бўлиб, китобда шундай мавзулар ҳам борки, улар барча бўлимларга хос. Табиат ва инсон муносабатларига бағишланган ҳикояларни ана шу хилдаги асарлардан, дейиш мумкин.

Совет адабиётида табиат гўзалликларини тасвирлаш билан бирга, инсон ва табиат муносабатлари гўзаллигини тараннум этувчи асарлар кўпроқ ўринни эгаллаяпти. Бу ҳол ўзбек адабиётида ҳам аниқ кўринаётир.

Табиат Ш. Холмирзаев асарларида сюжет тараққиётида, ғоясини ёркин ифода этувчи восита сифатида доимо иштирок қилади. Бу фикримизни ҳатто сарлавҳаларнинг «Ой ёруғида», «Еввойи гул», «Шудринг тушган бедазор», «Бойчечак очилди», «Бодом қишда гуллади» каби табиат манзараларидан олиб қўйилиши ҳам тасдиқлайди.

Тўпламда табиат, табиат ва инсон муносабатлари масаласи муаммо даражасига кўтарилган ҳикоялар мавжуд бўлиб, бу ҳикоялар ёзувчи ижодининг асосини белгилайди. Тўпламга муаллифнинг итлар тўғрисидаги икки ҳикояси киритилган бўлиб, «Кўкбой» ҳикояси юқорида айтилган анъанавий услубда ёзилган. Унда итнинг вафодорлиги янги ҳаётий материал асосида тасвирланади. «Кимсасиз ҳовли» асарида эса, адиб бу анъанани «бузади», ит воситасида фавқулодда бадиий таъсир кучига эга бўлган сюжет яратади. «Кўкбой» ҳикоясида Қаландар ака овга чиқиб фожиона ҳалок бўлади. Кўкбой унинг уйидагиларга бу ҳақда хабар етказади, мурдани оч бўрилардан сақлайди ва эгасининг мозори ёнидан жилмай ўзи ҳам ўлади. Шунингдек, асар тўқимасидан, қон тўкишга ҳирс қўйишнинг оқибати ёмон бўлади, деган мотив ҳам сезилиб туради: Қаландар ака ўша машъум кунда овга жудаям берилиб кетади, отилган какликлар ҳисобсиз эди, ўзининг қандайдир инсоний чегарадан чиқиб кетаётганини сезмай қолади...

«Кимсасиз ҳовли» ҳикояси ҳам итнинг вафодорлиги тасвирига бағишланади. Аммо бу ерда итнинг вафодорлиги улкан фожиага олиб келади. Жек — Умматнинг кучуги. Эгаси армияга кетгач, ит ҳеч нарса емайди ва ўлади. Ота-она бўри наслидан бўлган иккинчи Жекни ўстиришади ва у армиядан келган Умматни танимасдан бўғиб ўлдиради. Умматни гарчи Жек ўлдирса-да, аслида уни ўз ота-онасининг бойликка бўлган ҳирси ҳалок қилади. Ҳикояда Уммат ота-онасининг пулпарастликлари шундай кучли бир истеҳзо билан тасвирланганки, улар Қори Ишкамбанинг замонавий ворислари сифатида намоён бўладилар.

«Жарга учган одам», «Кулган билан кулдирган» асарларида муаллиф актив позицияли, кенг дунёқарашга эга етук одамлар образларини яратади. Ҳикояларнинг қаҳрамонлари Ислом ва Эҳсон — тоғлик оддий меҳнаткашлар. Улардан бири район газетасида, иккинчиси қишлоқ мактабида ишлайди. Ёзувчи улардаги улуғ туйғу — табиатсеварликни тасвир марказига қўяди.

От — табиат томонидан яратилган энг баркамол жонзотлардан эканлиги маълум ва бадиий асарларда унинг гўзал образлари яратилган. Муаллиф «От эгаси» ҳикоясида худди шу мавзуни қаламга олган. Тоғлик муаллим Иноднинг қорабайир оти бор, холос. Бу отга у шунчалар меҳр қўйганки, усиз гўё ҳаётининг маъноси ўзгариб кетадигандай. Бунинг ўзига яраша сабаблари мавжуд. Хуллас, Инод бу қорабайирни мукаммал туйғу, эзгу ҳислар билан, ҳеч қандай худбинликсиз ва молпарастликдан холи муҳаббат билан ардоқлайди. Кунларнинг бирида «Инод мактабдан чорбоғ қоровули билан яёв қайтиб келаркан, қоровул Бўрибой:

— Эшиттингизми, шахсий от сақлаш ман бўлибди, қарор чиқибди. Бир милиса кеча бизнинг ёнимиздаги юртдан бир чўпоннинг отини ҳайдаб кетди, — деди».

Оқибат шундай бўладики, «милиса» Эгамберди пакана Инодникига келади ва маҳаллий ҳокимият қароридан фойдаланиб, ўз ғаразли мақсадини амалга оширишга уринади. Инод бошқа чора топа олмасдан қорабайирни отиб ташлайди. Илгарироқ бахтсиз тасодиф туфайли у бутун оиласидан жудо бўлган эди. Энди маънавий кўр ва кар бир одам унинг ҳаётдаги сўнгги илинжини ҳам барбод этди. Воқеаларнинг шундай тасвирланиши одамни чуқур ва ташвишли ўйлашга мажбур қилади. Биринчидан, нима учун бир одамнинг дахлсиз мулки — нарсасига ҳокимият одами шафқатсизлик билан тажовуз қилиши мумкин? Ҳарбий вазият ёки бошқа бирор фавқулодда ҳолат йўқ-ку?! Ахир, ҳар қандай шахсий нарса фақат буюм бўлмасдан, у шу шахснинг маънавияти билан ҳам боғланган бўлади-ку? Нега энди, Эгамберди паканалар бунчалик ўзбошимча, кўнглига сиққанини қилади? Булар ҳақида ҳамиша ўйлаш керак. Негаки, очқўзлар, суиистеъмолчилар, фикри ожиз нусхалар ҳали анча-мунча учраб туради, шу сабабли улар билан доимо курашмоқ зарур. Акс ҳолда ҳали кўплаб Инодларнинг қалби топталади, отлар қирилишда давом этади.

Муаллиф табиатнинг қайси ҳодисаси ёки ҳолатидан материал олмасин, у аввало натуралист сифатида табиат ҳодисаларининг объектив моҳиятидан келиб чиқади ва уларни ўз ғоявий мақсадига моҳирлик билан йўналтиради. Табиатнинг ҳар бир ҳодисаси муаллиф тафаккурида, туйғулар оламида сайқал топади ва қисман бўрттирилган, бир мунча изоҳланган тарзда ёзувчи кўтараётган муаммолар, концепцияларни яққол очиб берувчи сюжетга айланади. Хусусан, «Чўлоқ турна», «Янги зот», «Бойчечак очилди», «Бодом қишда гуллади», «Куш тили» ва бошқа асарларини ўқиб шундай хулосага келиш мумкин.

«Бойчечак очилди» ҳикоясида муаллиф бирданига бир неча масалаларни кўтаради. Унда табиатнинг инсон руҳиятидаги ўрни, ижод машаққатлари, ёш психологияси проблемаларининг ўртага қўйилганлигини кўрамиз. Маълумки, йиллар соғлиққа ҳам, ижодга ҳам таъсир этади, албатта. Асар қаҳрамони Қўнғирот билан шундай воқеа кечади. У ўзи туғилган Кўҳитан қишлоғига келиб тоғ сайрига чиққанда, табиатдаги яшарувчанлик, ҳаётийлик унга бошқача таъсир қила бошлайди. Зеро, Қўнғирот табиат қўйнида илгари ҳам кўп марта бўлган, аммо ҳеч қачон ундан ҳозиргидек кучли таъсирланмаган эди. Нима учун? Гап шундаки, аввалари Қўнғиротнинг ўзи ҳам табиат сингари ёш, куч-қувватга тўла, руҳий олами бой ва гуркираб турган эди. Бундай ҳолларда инсон табиатдан кўпроқ эстетик завқ олишга мойилдир. Қўнғирот эндиликда қарий бошлаган, унинг руҳида ланжлик бор. Табиат эса, ҳар баҳор яна ўз ёшлигига қайтади, ҳамма нарса, барча қарамақаршиликларни енгиб, қулф уриб ўса бошлайди. Қўнғиротнинг руҳиятида худди мана шундай некбин омилга эҳтиёж бор эди. Унинг бу гал табиатдан ўта ҳаяжонланиш боиси ҳам шунда. Умуман олганда, табиатни мукаммал мавжудот сифатида онгли ҳис қилиш инсонга кўпинча унинг камолот ёшида мумкин бўлади.

Шу тариқа ёзувчи асарларида Она табиат ва инсон табиати ўртасидаги мустаҳкам боғлиқлик мавжудлиги бадиий таҳлил қилинади. Ҳикояларнинг сюжети, қаҳрамонлар сўзлари, муаллиф мушоҳадалари ва бошқа бадиий воситалар орқали табиатни улуғлаш, уни инсондаги барча эзгу туйғулар манбаи сифатида баҳолаш ғоялари илгари сурилади. Табиатни улуғлаб тасвирлаш ватанпарварлик ғояларини янада чуқурроқ асослашга хизмат қилади. Бир туркум ҳикояларда бетакрор табиатли одамлар билан танишамиз. «Ўзбекнинг соддаси» ҳикоясидаги Полвон ака, «Арпали қишлоғи»даги Абдурасул, Бодомгул, Эшқувват, «Кечаги кун, кеча»даги Собирова, «Шудринг тушган бедазор»даги Турсунбой, «Баҳор ўтди»даги Мастура, «Бодом қишда гуллади»даги Носиржонлар ўзига хос, бошқа асарларда учрамаган образлар бўлиб, улар билан танишиш ўқувчида қизиқиш уйғотади. Бу образлар тақдири устида, улар билан боғлиқ муаммолар тўғрисида жиддий ўйлай бошлайсан киши.

Сурхон воҳаси, унинг Бойсун тоғлари, Шеробод даштлари колорити Ш. Холмирзаев томонидан узлуксиз бадиий таъсирланиб борилди ва пировардида адабиётимиз етук асарлар билан бойиди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аниқ географик жойнинг бадиий асар қаҳрамонлари фаолиятига макон қилиб танланиши ҳамиша ёзувчига ҳикоядан очерк томон сиргалиб кетиш хавфини солиб туради ва бу ундан нозик эътиборни талаб қилади. Ёзувчи мана шу мураккабликни кўпчилик ҳикояларида асосан муваффақият билан енгиб ўтиб келди. У ўзи севиб тасвирлаган юрт одамларининг яхлит бадиий картинаси ва характерларини яратолди. Эндиликда бу адабиётимизда синалган йўл бўлиб, кўпгина ёзувчилар шу усулда жиддий реалистик асарлар яратмоқдалар.

Кўринадики, Ш. Холмирзаев ўз асарлари билан ҳикоя жанрининг ички имкониятларини бойитиб, ихчам сатрларда лўнда фикрларни айтиш маҳоратини такомиллаштириб келмоқда. Ушбу тўпламнинг нашр қилиниши қайта қуриш ва жадаллаштириш жараёнида Инсон омилининг моҳиятини янада ёркинроқ кўрсатишга хизмат қиладиган факт сифатида аҳамиятга эга.

Муҳаммади ЖУМАНОВ.
филология фанлари кандидати

Ҳақир-шиқанак

Саодат ТОЖИ

«ТОЙИБ КЕТДИ»

Меҳнатсиз даромаддан,
Кулиб боққан «омад»дан,
«Дуойи ароматдан,
Зиёнқул бойиб кетди.

«Волга»да юришлари,
Гердайиб туришлари,
Баъзан дўқ уришлари,
Хўп илдиз ёйиб кетди.

Товуғин кишт демаслар,
Мушугин пишт демаслар,
Мансабдан туш демаслар,
Охир гердайиб кетди.

Ҳамма нарса қўлида,
Куч-қудрати пулида,
Ким тўғаноқ йўлида,
Уни хўп койиб кетди.

Бойликларни тўплади,
Олтин-зарни кўплади,
Аждаҳодек ҳўплади,
Қийшайиб, майиб кетди.

Қанчалар ишламасин,
Кўнглини хушламасин,
Ишини «беш»ламасин,
«Меҳнат»и ҳайф кетди.

Текин томоқ кўп ёмон,
Текинхўр қолмас омон.
Ўтиб кетди у замон,
У бирдан тойиб кетди.

Энди ризқу рўзи ҳам,
Халқ ичида сўзи ҳам,
Ҳатто ортда изи ҳам,
Кўринмай, ғойиб кетди.

ПУЛПАРАСТ

Учратдим пулпарастни
Одам десам, нолойиқ.
Фикри-зикри пул тўплаш,
Ҳайрон унга халойиқ.

Дунёда бор нарсани
Ўлчайди у пул билан.
Бойлик тўплаш мақсади,
Ҳар хил қинғир йўл билан.

Фойда кўрган жойига,
Этиб келар минг қуллуқ.
Нафи текканлар унга
Отасидан ҳам улуғ.

Пул турганда инсоннинг,
Унга қадри бир танга.
Кирим бор-у, чиқим йўқ,
Кўриб, дейсиз, аттанг-а.

Бировларга яхшилик
Қилганини билмайди.
Пулсизларни ҳеч қачон,
Назарига илмайди.

Онасидан дунёга
Туғилганми пул учун,
Фақат ўзин ўйлайди,
Қайғурмайди эл учун.

Пулпарастлик, — ўғирлик
Қандай ёмон бад одат.
Бундайлардан дунёни
Асрайлик, эй Саодат.

ТАШИМАЧИ

Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ

(ҲАЖВИЙ ЛАПАР)

Қўйнинг нега чирманда,
Очиб кўрай, шарманда,
Уста, маккор, ҳой, тулки, —
Ўмарибсан эл мулкин!
Қўлга тушдинг, шошма-чи,
Бети қалин ташимачи!
Халқ буюмин тўғри сан —
Олиб чиқдинг, — ўғрисан.
Бадном бўлдинг бир умр, —
Юзинг қора тошқўмир,
Қўлга тушдинг, шошма-чи,
Бети қалин ташимачи!
Корхонангда дўстларга, —
Емон боққан кўзларга
Энди қандай қарайсан,
Энди қандай яйрайсан?
Қўлга тушдинг, шошма-чи,
Бети чарм ташимачи!

ЛАТИФАЛАР

Ешгина сотувчи қиз асабийлашиб харидорга бақираётган эди, навбатда турган қариялардан бири ҳайрон бўлиб деди:

— Кеча шу қизалоқ ширин сўз, хушмуомала эди, нега тўсатдан ўзгариб қолди экан-а?

— Маданий хизмат кўрсатиш ойлиги тугаганидан хабарингиз йўқ экан-да? — деб кулди Афанди.

* * *

Афанди таксидан тушгандан кейин ҳамроҳи ажабланиб сўради:

— Мулла Насриддин, таксичи йигитни гап билан бопласангиз ҳам жавоб қайтармади-я?!

— Улар қайтимни бермай ўрганиб қолишган, — деб қўл силтади Афанди.

* * *

«Мен рақибларим билан ади-бади айтишиб ўтирмайман: тегишли жойга икки энлик «маълумот» жўнатсам, уларни замбилда касалхонага олиб кетишаверади».
(Имзосиз хат ёзадиган иғвогарнинг гапи)

* * *

«Мечитимиз мутаваллиси Сўфихўжа Ҳалолбек ўғли бузоқнинг ҳақи бор деб, сигирнинг сутини ичмайдиган одам. Яқинда у киши кўчада 82 сўм пул билан пенсия книжкаси топиб олиб, уч марта «Пул кимники?» деб бақирди, кейин эгаси чиқмагач, ақчани чўнтагига солиб қўйди».
(Мачит сўфисининг деганлари)

* * *

«Мен пора олган эмасман, менга беришган, аниқроғи, порани столим тортмасига ташлаб кетишган. Шунинг учун мени «порахўр» деганларга қатъий норозилик билдираман».
(Қўлга тушган жиноятчининг эътирози)

* * *

«Автобусда соқол-мўйлови ўсган олифта йигитга: ўғлим, бизлар ёшлигимизда қарияларга жой бериб, тик турардик десам, шунинг учун ҳам оёғингиз оғрийдиган бўлиб қолган-да, деб юзини ўгирди».
(Йўловчининг шикояти)

ЯНГИ УЙГА КЎЧИБ КИРГАНДА



— Отахон, мабодо уста керак эмасми?

Ш. Абдуллаев чизган расм.

ТУРТЛИКЛАР

Ғулом АЛИ

Кучсиз Чумолига этилур қиёс...
Жуссада филтану кучда шерсиёқ —
Бўлсаю, эл-юртга тегмаса нафи,
Кичкина Чумоли бўлган яхшироқ.

* * *

Қўли эгри бир киши, гумондадир минг киши,
Мингни овора қилар ёмон зотнинг қилмиши.
Бир бемаза бузоқча булғагандек подани,
Баъзи қинғир нусхалар эл-юртининг шўриши.


* * *

Қафас ичра ҳар қушга олам зиндон кўринур,
Боғи Эрам, олтин кўшк чўл — қабристон кўринур.
Бўлса озод қафасдан, фазо унга сайргоҳ,
Чангал гулу чўл бўстон, қиш саратон кўринур.


* * *

Фаслларнинг бордир қиш, баҳор, ёзи,
Ҳатто донишманднинг бўлган устози.
Мураббийсиз шогирд қанотсиз қушдай,
Шаҳд этса-да, бўлмас асло парвози.

Самарқанд



— Домла почча, берган туморингизнинг фойдаси тегмади-ку!
— Нима қилибди: сизга фойдаси тегмаса, менга тегди!



КРОССВОРД

Энига: 1. Ўзбекистонда етиштириладиган буғдой нави. 6. Жанубий Осиё тропикларида ўсадиган мевали дарахт. 7. Б. Кербобоевнинг «Дадил қадам» романи қаҳрамони. 11. Улуғ Ватан урушида жасорат кўрсатган партизан қиз, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 14 Таркибида металл ва унинг бирикмалари бўлган табиий минерал. 15. Атоқли рус совет ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. 16 Йиртқич тун қуши. 17. Тафаккур шакли ва қонунлари ҳақидаги фан. 18. Экин экишда ишлатиладиган қишлоқ хўжалиги асбоби. 22. Пилла қуртидан ҳосил қилинадиган тола. 23. Ватанимизнинг шимоли-шарқидаги область маркази. 24. Музика асари жанри. 27. Ўзбекистон таркибидаги автоном республика. 28. Навоий областидаги район. 29. Ялтироқ қимматбаҳо табиий тош. 30. Сув ўтказмайдиган каноп мато.

Бўйига: 2. Сув билан бирикиб кислота ҳосил қиладиган модда. 3. Чумчуқсимон қуш. 4. Ернинг чуқур қатламида ҳосил бўладиган чўғсимон суюқ модда. 5. Адабий жанр. 8. Электр токи тўплайдиган асбоб. 9. Яқин Шарқдаги давлат пойтахти. 10. Амалий тасвирий санъат ижодкори. 12. Қотишмалар ва махсус пўлатлар олишда ишлатиладиган кимёвий элемент. 13. Гул тури. 19. Ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи калтакесаксимон жонивор. 20. Ёритиш асбоби. 21. Фарғона областидаги шаҳар. 25. Табиат ҳодисаси. 26. Нил дарёсидаги тўғон.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

11-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 1. Глобус. 3. Кўприк. 9. Металлургия. 12. Реле. 13. Витамин. 14. Дина. 17. Шижоат. 18. Апрель. 19. Оқулоқ. 20. «Авазхон». 22. Оптика. 24. Одесса. 27. Улан. 28. Агроном. 29. Литр. 32. Фахриддинов (Зайниддин). 33. Қўшнай. 34. «Қисмат».

Бўйига: 1. Гепард. 2. Умеш. 4. Ўғир. 5. Карпат. 6. Батист. 7. Олмаота. 8. Орбита. 10. Олтинтопган. 11. Циалковский. 15. Лоҳутий. 16. Дрезден. 21. «Жоконда». 23. Ангара. 24. Омоним. 25. Бўрсиқ. 26. Графит. 30. Сада. 31. Шойи.

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: Улуғ Октябрь революциясининг 70 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа ташаббускорларидан Болтабой Абдужаъфаров. (Тошкент Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг бригада бошлиғи). В. Мосин фотоси

Тўртинчи бет: Қиш манзаралари. Марҳабо, Янги йил! М. Пенсон фотолари

Соҳил. А. Жданов фотоси

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ, К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 18.11.86 й. Босишга рухсат этилди 25.12.86 й. Қоғоз 70×108 1/8. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 171409. Буюртма № 5109. Нашр В-109.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000: Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда марказий газеталар ҳамда «Вокруг света» журналидан фойдаланилди.



Тошкент Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг умумий кўриниши.



Пахтазорга йўл шу ердан бошланади.



Заводнинг КПСС XXVII съезди номидаги бригадаси аъзолари.

В. Мосин фотолари



Жаҳонга тинчлик!

Р. Шагаев, А. Кошкин фотоси (УзТАГ)

ISSN 0134—2207
Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233.







